





МИРМУҲСИН

---

Зиёд  
ва  
Адиба

*шеърӣй роман*

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1959



---

... Навиштам он чи дил фармуду<sup>1</sup>  
Бедил



### МУҚАДДИМА

алом, азиз китобхон!  
Саломим — сўлим гулим.  
Одатда офтоб ҳам  
Саломдан бошлар йўлин.  
Салом янграган ердан  
Узоққа қочар ўлим.  
Халқимиз одатича,  
Кўкрагимда ўнг қўлим —  
Тонг билан қутлаб, дейман:  
Ассалому алайкум!

\*

Даврага тушгач, янгроқ  
Куйдан аввал салом фарз.  
Устозларни ёд этмоқ —  
Ҳар шогирд бўйнида қарз.  
Сув ичгач, эслаш лозим  
Ариқ қазганларни ҳам...  
Буюк Навоийга таъзим!  
Пушкин даҳосига ҳам!  
Горький, Ҳамза от берди —  
Шеъримга қанот берди...

---

<sup>1</sup> Қалбим буюрганни ёздим.

\*

Лиммо-лим, осойишта  
Оқар азим дарёлар.  
Сойлар-чи, ёзу қишда  
Шалдираб, чопар ёлдор.  
Қояларни қулатар,  
Тошларни юмалатар,  
Ўйноқлайди қулундек,  
Бир дақиқа турмас тек.  
Йўлбарсдек сапчир, сачрар,  
Оҳудек енгил сакрар,  
Тоғлар аро шовуллар,  
Тенг келолмас довуллар...

\*

Бу ёшлик романини  
Тенгламоқ мумкин сойга.  
Мисралар — навда-ниҳол,  
Тўлишмаган чиройга...  
Бошлангандай олис йўл  
Энг биринчи қадамдан —  
Катта ишга урдим қўл,  
Чақмоқ чиқди қаламдан.  
Бу бир дўст изтироби,  
Ҳаяжону ёниши.  
Ахир, ёруғ дунёдан  
Тоқ, шундоқ ўтмас киши.  
Иш улғайтар инсонни,  
Ишда бор бошу поён.  
Серзавқ, ишқий романни  
Тинглангиз, қилай баён.

---



I

ошкентим — яшил шаҳар,  
Ажралмас япроқлардан.  
Келгану унга баҳор,  
Кетмай қолган боғлардан.  
Осмон — зангори шиша,  
Қуёшдан нур қуюни.  
Боғларида ҳамиша  
Эрка қушлар ўйини...  
Корпуслар тепасидан  
Учади тонги сабо.  
Куч тўла янграр бирдан  
Гудоклар сочган садо.  
Эй, менинг жондош шаҳрим,  
Эй, қадимий Шош шаҳрим —  
Сен қайтадан яшардинг,  
Қайтадан ўсди қалдинг.

II

Ҳаллослаб кириб келди  
Зур паровоз вокзалга.  
Бир зумда одам тўлди  
Йўлга, перронга, залга...  
Бир ҳаракат, ҳаяжон  
Қучди барчани шу дам.  
Қўлларда зил чамадон,  
Лекин оёқлар илдам.

Биров борар кўп жадал;  
Елкасида юки бор.  
Биров кимгадир маҳтал,  
Савати тўла анор.  
Бировда бор корзинка,  
Етаклаган қизини.  
Авайлар юлдузини,  
Юриб қурийди тинка...

### III

У „жесткий“ дан тушаркан,  
Қадам қўйди асфальтда.  
Камар боғлаган маҳкам...  
Баъзилардай олифта —  
Катак костюм киймаган,  
Мен биламан, албатта  
Кийими ҳам, кўрки ҳам  
Очиқ феълидай кўркам.

### IV

У бир оз эт қўйибди,  
Чўзилибди буй-боши.  
Манглайин куйдирибди  
Оташ дала қуёши.  
Оғир чамадон қўлда,  
Ўсган соқол-мўйлаби.  
Тумов бўлибди йўлда,  
Бир оз оқарган лаби.  
Ҳар йил илиқ кўкламда  
Оқаради икки юз.  
Босилган каби тамга —  
„Темиратки“ солар из.  
Оёқда оғир этик,  
Асфальтда тарақларди.  
Солдатлар этигидек  
Тумшуғи ярақларди.  
Негадир пошнасининг  
Бир ёнин босар сағал.  
Мармар зинапожда



Жаранглаб кетар нағал.  
Ўстида оқ сурп кўйлак  
Ҳалпиллар, ориқ тани...  
Билиниб турар эди  
Қишлоқда тикилгани.

## V

Қостюми билагида,  
Йўл босган, қақрар томоқ.  
Бор эди иягида  
Тангадаккина ямоқ.  
Бу ярашар ўзига,  
У-гўё ҳуснин безар.  
Сочилганди юзига  
Уч-тўртта „ҳусибузар“.  
Ўрганганди кенгликка —  
Даласидек кенг дили.  
„С“ ни қийналиб айтар, —  
Чучук-ди бир оз тили,  
У қирра бурун, қўй кўз.  
Камгап, ишда-чи бардам.  
Баъзан тополмайин сўз,  
Қизариб кетар бир дам.

## VI

Тоғ қомат биноларнинг  
Кунгирадор пештоқи  
Ёришар аста-секин.  
Фонарлардан нур оқиб —  
Ётарди йўлкаларга...  
Улкан шаҳарда бор-ди  
Илиқ бир самимият.  
Юрагида ёнарди  
Ёлғизгина бир ният;  
У келган ёниб, юртнинг  
Маърифат қучоғига.  
У келганди Тошкентнинг  
Сайр этмак-чун боғига.  
Шу ният билан тепар,

Унинг сийнасида қалб.  
Шу ният унинг бутун  
Борлиғини этган жалб.  
Ният бўлди илҳомчи,  
Эга бўлди қанотга.  
Ёмон отга минг қамчи,  
Бир қамчи яхши отга!

## VII

У бир Филипча<sup>1</sup>, балки  
Ўқишни қилди ҳавас.  
„Бўлмасам эди кулки“,  
Деган изтироб ҳам рост.  
Ҳужжатларни конвертга  
Жойлади Зиёд тездан.  
Аризани Тошкентга  
Йўллади кўп олисдан.  
Конвертни юборган кун  
Умид-ла енг шимарди.  
„Ломоносов келган-ку  
Узоқ, совуқ шимолдан“,  
Йўл юр, йўлинг очилар...  
У борар шаҳар бўйлаб.  
Тонг ели сочин силар,  
Қушлар учади куйлаб.  
Қишлоқда ўтарди кун,  
Табиат сепин ёйиб.  
Қишлоқ йиғити учун  
Ҳар бир нарса ажойиб.

## VIII

Фонтанларга боқади,  
Машиналарда кўзи.  
Ўй наҳрида оқади,  
Нақадар соз кундузи.  
Чопиб ўтар трамвай,

---

<sup>1</sup> „Филипок“ — Лев Толстойнинг болалар учун ёзган кичик ҳикояси.

Қараб қолади симга.  
Гуё кириб қолгандай  
Бобо айтган тилсимга;  
Завқ билан ташлар оёқ,  
Зиналар мәрмар — қантдай.  
Қадам босса, ҳамма ёқ  
Жаранг уриб кетгандай...  
У борар улкан шаҳар  
Асфальт кўчаси бўйлаб.  
У борар, завқли сафар,  
У боради ўй ўйлаб...

## Иккинчи боб

### I

Дўстим, ўрни келганда  
Бир гапни унутмайлик.  
Ҳар ишки бор жаҳонда,  
Ўз ўрнида чиройлик.  
Зиёдга қараб, шубҳа  
Қилмайсиз, каммас марддан.  
Лекин у қаттиқ дардманд,  
Унинг палаги юпқа...  
У сир тутар. Буни ҳеч  
Гапирмас ва сездирмас.  
Баъзан иссиғи чиқиб,  
Толиб қолиши ҳам рост.  
Баъзан ухлар жуда кам,  
Баъзан босинқирайди,  
Баъзан полвон чинакам,  
Ишламай туролмайди.

### II

Табиат ўзгарувчан,  
Бола эса ўсувчан...  
Ўн саккизга кирганда,  
— Курашга бор! — деди эл.  
Ўйинни қилиб канда,  
Устига кийди шинель.  
Беш-олти ой Пензада

Миномётни ўрганди,  
Йигит бўлди у танти.  
Тўғри келди ёшлиги  
Кескин, қонли курашга.  
Баҳодир оташлиги  
Қарамас экан ёшга!  
Ўз боласини филлар  
Эмизар эмиш узоқ.  
Машаққат чекиб йиллар,  
Берармиш қалбдан озуқ.  
Машаққат чекса майли  
Қанча ой-у қанча йил  
Лайча туғмайди, балки  
Туғади азамат фил.  
У, овози дўриллаб.—  
Раста бўлган йиллари  
Тўфонга юрди, қувлаб  
Чақди аёз еллари.  
Ғолиблик завқини ҳам  
Тотди жанг аро ўбдан.  
Бўлди қанча оғир дам,  
Ақл ўрганди кўпдан.

### III

Амуда қанча-қанча  
Оқиб ўтдилар сувлар.  
Беш-Гужумда янгича  
Қурилди қанча уйлар.  
Жонажон юрт ҳеч маҳал  
Эсдан чиқмади жангда;  
Хотирлаб қўйди ҳар гал,  
Фарзандлик меҳри жонда.  
Дўстларидек, бағрида  
Сақланарди бир сурат...  
Йигитлик баҳорида  
У қоққан эди қанот.  
Ҳужумдан сўнг, дам чоғи  
Ёнидан уни топар.  
Яшнаб кетиб дил боғи  
Шаҳло кўзларни ўпар.

#### IV

У ким? Ёнда туриб жим,  
Қалбга гулгула солган?  
Солдаг севиклиги ким?  
Ким у қалбга киролган?  
Унинг исми Ўғилой,  
Зиёд ҳамқишлоғийди.  
Ўзи ўн тўрт кунлик ой,  
Кўнгилнинг бир боғийди...

#### V

Солдат ўлмайди жангда,  
Бўлса ҳам бурда-бурда.  
Солдат ўлар қўрққанда,  
Бўлганда тирик мурда.  
Солдат-чун фақат даҳшат —  
Ёв олдида бош эгмоқ.  
Дўстим, элга жон бахш эт!  
Мақсадинг — фақат енгмоқ!  
Ёвдан қўрққан — ёвга дўст.  
Элни севган — элга дўст.  
У, мана ўт ичида,  
Уч қиш, уч баҳор, уч ёз...  
Танда куч, қалбда чидам,  
Дўстлари каби шоввоз.  
Танклар шалдирашидан  
Ер ларзага келганда,  
„Жанг худоси“ тинмасдан  
Ер узра ўкирганда,  
У миномётин сура —  
Югурди олға томон.  
Ҳайқирди: ура, ура!  
Душман ўт очди ёмон...

#### VI

Чўчиган гўдак она  
Кўксига ёпишгандай —  
У йиқилиб, мардона

Ер чангаллар пайдар-пай.  
Ёнида портлар бирдан  
Чинқириб зўр снаряд.  
Ўт, тупроқ кўчиб ердан,  
Кўмар... У кўтарар қад.  
Қоқинар, оғзидаги  
Тупроқни туплаб ташлар,  
Билмай тилини тишлар,  
Гурс-гурс урар юраги...

## VII

Шундай пайтлар бирида  
Бўлганда шиддатли жанг,  
Закарпатье қирида  
Босганда тутун ва чанг,  
Йиқилди ўққа учиб,—  
Помкомвзвод Фёдоров.  
Зиёд уни опичиб,  
Гоҳ қоқилиб, йиқилиб,  
Югура кетди дарров.  
Азиз дўст ҳаётини  
Сақлаб қолмоқлик ҳам бурч!  
Тирқираб оқар қони,  
У ётар эди беҳуш...

## VIII

Ёнгинада бир пима  
Чақнаб кетди ногнҳон.  
Билмади; нима ўзи?  
Тина бошлади кўзи,  
Этигига тўлди қон.  
Бир дамдан сўнг Зиёдjon  
Қардоши билан бирга  
Гурсса йиқилди ерга...  
На отишма, на тўплар  
Зириллаб гумбурлаши.  
На олов, на окоплар,  
Танкларнинг шалдираши,

На самолёт, на бомба  
Ва на „ура-а!“ садоси,  
На хартум чўзган лўмбоз  
Даҳшат — „уруш худоси“,  
Ҳеч нима кирмай қолди  
Икки дўст қулоғига.  
Бош қўйдилар тонггача  
Она юрт тупроғига,

## IX

Зиёд кўз очганида  
Санбатда кўрди ўзин.  
Бир зўр оғриқ танида,  
Бинтлар ўраган юзин.  
Икки биқин ловиллаб  
Ёнар, у чидай олмас.  
Титрар эди қонсиз лаб.  
Бош айланар, гўё маст.  
Михлангандек, қилт этмай  
Мажруҳ Зиёд ётарди.  
Гоҳ уйқу ҳам элитмай,  
Жанг азобин тортарди;  
Қўл синган, манглай чақа,  
Сонга ҳам қадалган ўқ...  
Сезилмасди мутлақо —  
Булар ҳеч гап, хавфи йўқ.  
Лекин чап биқинини  
Ўйиб кирибди металл.  
Бўғарди нафасини  
Озгинагина йўтал  
Берарди ёмон азоб.  
Аранг-аранг берар тоб.  
Ловиллаб оғриганда,  
Олов ёнарди танда...

## X

Кимнинг ўлгиси келар?  
Ўлгиси келмасди ҳеч!  
Йилдек бўлди соатлар,



Олишарди эрта-кеч  
Ўлим билан йўлбарсдек.  
Оғриқ танни ўярди,  
Дард кучаяр ичида.  
Тишни тишга қўярди,  
Не чора, солдат чида!  
Лекин бир таниш овоз,  
Узоқдан қилиб парвоз,  
Қулогининг тагида  
Шивирлагандай бўлиб,  
Алланималар дерди;  
Турғазмоқчи бўларди:  
„Ўйлай берма ўлимни,  
Ўлиб кетасан барвақт.  
Ҳаётга боқ, шол бўлсанг.  
Юриб кетасан ўртоқ!“

## XI

Қийнаса ҳам жароҳат,  
Омон қолди сийнаси.  
(Кўрсатди ўз кучини  
Совет медицинаси.)  
Қайтариб берди унинг  
Жўшқин ёш ҳаётини.  
Академик Бурденко,  
Унинг азиз отини  
Доим сақлар юракда.  
Ҳаёти, назарида  
Қолган эди ўлжага.  
Ногирон бўлиб жуда,  
Қайтган эди ўлкага.  
Ҳали ҳам биқин ора  
Ётар кичик бир металл.  
Белда бинг — улкан яра,  
Азоб берарди йўтал...  
Қишлоғи ҳам чақирди,  
Кел, деди, ботир ўғлим.  
Қанча элларни кўрдинг,  
Солдатга йўқдир ўлим!  
Бранденбург аркидан  
У кўкрак кериб ўғди.

Ўтгач, ўз еримизга  
Бош қўйиб, ерни ўпди.  
Ўз уйим — ўлан тушак...  
Ҳар нарсадан бебаҳо.  
Қушга ҳам тотли бешак —  
Уяда кўрган баҳор...  
Қанча муддат йўл юриб,  
Йўл юрса ҳам мўл юриб,  
Қайтиб келди қишлоққа,  
Боқди жондош қирғоққа.  
Ўпди Амунинг ели.  
Шод кутиб олди эли.  
Шод қучиб олди Хоразм,  
Тонгача чўзилди базм...

## ХИ

Лекин эшитиб бирдан  
Ўғилой эрга текканин,  
Кайфи бузилди шу дам  
Бир олов тутди танин.  
Ҳеч нима ёқмай қолди,  
Дилга алам чанг солди.  
Ичидан куйди қаттиқ!  
Эҳ, нега суйди қаттиқ?!  
Кафтида унинг боши,  
Ерга тижилар хомуш.  
Кўзга келмади ёши,  
Эҳ, бу бўлсайди бир туш...  
Худди шу пайт очилиб  
Кетар бирдан кўзлари.  
Эшитилгандек бўлар  
Ўғилойнинг сўзлари.  
Ёнидаги суратга  
Боқмади у, жирканди!  
Отди ўчоққа — ўтга,  
Сурат бир зумда ёнди.  
Севикли ёрнинг юзи  
Куйиб, қолмади изи...  
Шу-шу Зиёд қизларга  
Ишонмасдан қарарди,  
Дўндиқ, гўзал юзларга.

Ҳусн, вафо — ўт ва сув,  
Бир бўлолмас дерди у,  
У яримжон... Трактор —  
Рулдан узоқлашди қўл.  
Соғлиғи бермади йўл...

Қизилқумнинг қизиган  
Бархонларидан нари,  
Йўл олсангиз, Тош-соқа  
Олис наҳримиз сари,  
Далалардан қуйида,  
Урганчдан эмас узоқ,  
Амударё бўйида  
Бордир бир кичик қишлоқ,  
Харитага тушмаган,  
Бир игнанинг учича.  
Қушлар ҳам унга аранг  
Етади уча-уча.  
Уни Беш-Гужум дерлар,  
Бир кичик қишлоқ эди.  
Қишлоққа қарам ерлар  
Шўрхоқ, — қордай оқ эди.  
Қишлоқда худди минор,  
Қаққайганди бир чинор.  
Сирти тимсоҳ пўстидек,  
Минг йилларни ўтган тек.  
Ичи бўлганди кавак  
Бир ямоқчининг уйи.  
Шоҳлари қариликдан  
Бош эгган эди қуйи.

## II

Шу қишлоқда яшарди  
Деҳқон ота — ёшули.  
Қишлоққа ярашарди,  
Ҳар ишга етар қўли  
Тоғлар силсиласидек  
Ажинлар манглайида.  
Лекин икки йигитнинг  
Қуввати билагида.  
Олтмишдан эди ошиқ...  
Ишга зўр ҳафсаласи.  
Ўз-ўзига ярашиқ  
Бор эди фалсафаси;  
„Терган—термилмас“ — дерди,  
„Ҳалол ишламаганлар  
Кузакда кулмас“, — дерди.  
„Ер тўймаса, эл тўймас —  
Қор берар болни“, — дерди.  
„Инсон меҳнатдан фақат  
Топар иқболни“, — дерди.  
„Пахта тўкилса — тош у,  
Йиғиб олинса — инжу...“  
„Бирни кўриб фикр қил,  
Бирни кўриб шукр қил“.  
„Эшак миниб кўрмагил  
Оёғинг остин, — дерди.  
Туя миниб, кўра бил  
Олис-олисни“, — дерди...

## III

Уни бу Беш-Гужумда,  
Урганчда ҳам билишар.  
Хивадан нари, қумда  
Қанча дўстлари яшар.  
Биров уни „Ота“ дер,  
Биров дейди: „Ёшули“.  
Ўзгалар ғамини ер,  
Узатар ёрдам қўлин.  
Кўп йиллар Сельсоветга  
Раислик қилар толмай.

Тушиб турар газетга,  
Илғор, орқада қолмай...

#### IV

Йигирманчи йилларда,  
Бўлган қизил партизан,  
Номи дoston тилларда,  
Мақтанар эди баъзан;  
Хонга қарши кураши,  
Қумдаги отишмалар,  
Жунайдахон хуружи,  
Кўп қизиқ ҳангамалар  
Тўла эди бошида.  
Йигирма беш ёшида  
Бешотар кўтарганин,  
Босмачини урганин  
Авжга чиқиб сўзларди.  
Асфандиёр хон „дарди“  
Қирқта қизни маҳв этди —  
Барбод бўлди номуси...  
У етук, бўлган эди  
Хоразмнинг қомуси.

#### V

Қўчқор шохдек бурама  
Мўйлабин силаб қўяр.  
Сўзлашдан аввал жиндек  
Лабини ялаб қўяр;  
„Ундоғ қилганман жангда,  
Бундоғ қилганман жангда...  
Саратонда қум кечиб,  
Қақраб, қилич чопганман.  
Даштда лойқа сув ичиб,  
Курашда бахт топганман..“  
Кўкракда қизил лента  
Узра орден ярқирар.  
Тақишни қилмас канда...  
Қалбда завқи барқ урар —  
Негадир мақтаниши,

Лофида ҳам борди файз.  
Баъзан куларди киши;  
„Ажойиб бизнинг раис“.

## VI

„Керилманг ўтмишдаги  
Ишлардан“ — дебди дўстлар.  
Қолиб кетманг ишдаги  
Ёшлардан! — дебди дўстлар.  
Танқиддан сўнг анча вақт  
Ўтиб кетди орадан.  
„Бекордан худо безор“,  
Бекорга қилмай вақ-вақ —  
Эл иши учун ҳар гал  
Терлаб-пиша берди у,  
Қазувда ҳам у раҳбар,  
Бошлаб келар элга сув.  
Танқиддан сўнг, у гўё  
Келганмиш эпақага.  
Ўтмиш қолди бир рўё...  
Лоф уриш керак нега?!  
„Урдим“, „сурдим“ ўрнига —  
„Қурдик“, „тузатдик“ лейди.  
Мақтаниш керак нега!  
У эл ғамини ейди.  
„Ишни ташкил этолдик,  
Ердамга келди омма.  
Каналга кўприк солдик,  
Битди қишлоқда ҳаммом...“

## VII

Ёъзи бировлар қаттиқ  
Эътибор берадиган  
Ҳусн унда йўқ қиттак.  
Лекин соғдир жону тан.  
Бир вақтлар зил чўғирма  
Эгиб қўйган қулоқни.  
У ростмана чўтир, ва

Ўқ ялаган қовоқни.  
Юзига боқиб, унинг  
Кулки қўзғалар сизда.  
Нурсиз, аччиқ ўтмишнинг  
Изи қолганди юзда...  
Ота тақводор ўтган,  
Канда қилмай рўзани.  
Кулол экаи, ясаркан  
Хурмача-ю кўзани...  
Лекин у умид қилиб,  
„У дунё“нинг майидан,  
Ўмрида ичолмабди  
Бир пиёла бўзани...  
Ўша йили туғилган  
Болалар бўлди йигит.  
Неча топқир далада  
Кўкариб чиқди чигит.  
Неча бор Аму тўлди,  
Қушлар чиқарди қанот.  
Гунанлар дунан бўлди,  
Дунанчалар бўлди от..,

## VIII

Мард курашда, дўст ташвишда,  
Доно ғазабда синалар.  
Улғаяди одам ишда,  
Жавоҳирлар, хазиналар —  
Қадоқ қўллар самараси...  
Куррани ҳам мард зиммалар  
Мардонавор тутиб турар,  
Эл ўғлидир — эр сараси.  
Қора сигир оқ сут берар, —  
Қора қўллар қадрига ет!  
Йигит — меҳнат жуфт бўлсин,  
Ажралмагай бир-биридан  
Бири—тирноқ, бири — эт.  
Бобой баъзан сўзга чиқар, —  
Сўзларга йўқ ниҳоя.  
Ленин билан учрашганин  
Қилар эли ҳикоя:



## IX

„Куз эди. Биз беш нафар  
Деҳқонлар йўлга чиқдик,  
Масковга қилдик сафар.  
Бунга ҳам ўттиз йилча  
Муддат бўлган, э чироғ.  
Мен ўзим ҳам бир хипча  
Йигитча эдим у чоғ.  
Баъзилар кекса эди;  
Йўқ ҳозир ёнимизда.  
Лекин дўстларнинг ёди  
Сақланар жонимизда.  
Тағин саёҳат, деб сан  
Ўйламагин, чироғим.  
Бизни Ленин чақирган,  
Чақирган эди доҳим.  
Тағин сен қари ота  
Лоф уриб сўзлар, дема!  
Бу сўзларда йўқ хато,  
Йўқдир қиттай уйдирма.

## X

Чалишдан кема билан  
Чоржўйга сузиб келдик.  
Аму ичра бешовлон —  
Режалар тузиб келдик.  
Поездни — азаматни  
Шунда биринчи кўриб,  
Ёзиб қўйиб наMATни,  
Чорданани чор қуриб,  
Роса томоша қилдик,  
Кўриб, қудратин билдик.  
Қанча-қанча мазгилу  
Мароҳилни тай этиб,  
Биз яхши соатларда  
Масковга бордик етиб.  
Бордигу бирдан олам  
Бошқатдан кетди ёриб.  
Кўрмаган бўлсанг, болам,  
Маслаҳатим: кўр бориб!

Ўн бор борсанг Масковга  
Яна бир боргинг келар.  
Юз бор борсанг Масковга  
Яна бир кўнглинг тилар.  
Борсанг қалбинг дармонда,  
Берар қуввату ҳузур,  
Қолмай десанг армонда,  
Маслаҳатим, бориб кўр!

## XI

Яхши соатларда биз —  
Хоразмдан беш деҳқон  
Кириб бордик изма-из  
Кремлга. Жонажон —  
Ленин ўрнидан туриб,  
Саломлашди биз билан.  
Саломлашдик қўл бериб  
Шод ва ёруғ юз билан.  
Шод ва ёруғ юз билан  
Бизларни қарши олди.  
Қалбимиз гўшасига  
Меҳру гиёсин солди.  
Унинг хонаси ёрқин.  
Пол — ойна, тозаликни  
Жаҳон ўрганар бундан.  
Мен артмапман этикни,  
Бўлдим жиндак хижолат.  
Унутиб бир дўстимиз,  
Кирибди пўстин билан,  
Сартарошга кирмабмиз,  
Сайр этиб куни билан...  
Сузилиб ўтирмадик,  
Суҳбат қизиди паққос...  
Ўз уйимиз фаҳмлаб  
Чекиб юборибмиз нос.

## XII

— Сув масаласи қалай?  
Доҳий хўб билиб сўрар,  
Пахтакорлар ишини.

У дилни сезиб турар,  
Билар ҳар бир кишини.  
Хоразм даласига  
Хаёл билан ғиз кетдик.  
Кремль қалъасида  
Пахтазорни ҳис этдик.  
Ахир, сувсиз ер чирик,  
Сувдандир нону намак.  
Деҳқон сув билан тирик,  
Сув демак — ҳаёт демак.  
— Ўртоқ Ленин, сув иши  
Хоразмда кўп ночор.  
Йил бўйи ҳар бир киши  
Тер тўкиб ариқ очар.  
Чиғир билан чиққан сув  
Ерни ҳеч қондиrolмас.  
Ғузамизнинг қони — сув,  
Деҳқон сувсиз туролмас.  
— Ерни қандай ҳайдайсиз?  
— Кўҳна ооч, қўш ҳўкиз...  
Ленин ўйлади бир оз.  
Бир дамда теран ўйлар  
Хоразмга этди парвоз.  
Аму қирғоқларини  
Гурлан ўтлоқларини,  
Ҳаммани кўра олди,  
Яхшилаб назар солди.  
Бундаги беш вакилнинг  
Қулоқ солди тилига.  
Наинки тилга бўлсин,  
Қулоқ солди дилига.

### ..XIII

Ер билан тирик эди  
Беш-Гужум одамлари.  
Ерлари чирик эди,  
Пучга учар дамлари.  
Кўклам келди дегунча,  
Қазув бошланиб кетар.  
Зовурдан қанча-қанча  
Қум-тупроқлар отилар.

Бир кетмон урдингми, бас,  
Сув чиқиб кетар бунда.  
Ҳар йили захмат тинмас,  
Қазув ҳеч бўлмас канда.  
Шундай қийналиб ўтган  
Ота, бобо — деҳқонлар.  
Қурол — омову кетмон,  
У қашшоқ, дили қонлар.  
Катта-катта ариқлар  
Тўлиб қоларди лойга.  
Жимжит эди қўриқлар,  
Деҳқонлар ишлар бойга.  
Қирқ ямоқдан чиқмаган  
Камбағал деҳқон тўни.  
Чироғи чақнамаган,  
Чориғин минг ямаган,  
Зим-зиё кўрган куни.  
Қўшга қўшган отлари  
Ўхшарди ниначига.  
Исмалоқ — овқатлари,  
Ёвгон кирар ичига...

#### XIV

Беш-Гужум эди қашшоқ,  
Эслатар Хафалакни.<sup>1</sup>  
Гул кўрмаган бу қишлоқ  
Билмасди капалакни.  
Ҳўкизлари ўлимтик,  
Отлар қирчанғи, яғир.  
Тонгдан шомгача тўқ-тўқ,  
Янчишар эди ўғир.  
Каталакдай беш-ўнта  
Уйлар турар қаққайиб.  
Деворлари қулаган,  
Қийшайган, гўё майиб.  
.....

---

<sup>1</sup> Махмурнинг „Хафалак“ шеърига ишора.

## XV

— Эл қақрамас сувсираб,  
Эл бўлар сувга сероб...  
Сиз, бизнинг хонамизда  
Электр сочар зиё.  
Бизнинг замонамизда  
Бўйсунар Амударё...

У бошлаб кирди бизни  
Бир уйга — Виставкага.  
Очишиб оғзимизни  
Бўлиб қобмиз маҳлиё.  
Виставкамас, бир дунё...  
Бир бурчакдан олмиш жой  
Бизнинг ғариб кунлар ҳам.  
Чориг турар пойма-пой,  
Чиғир жувозга ҳамдам.  
Омоч ҳам турар эди  
Тракторнинг ёнида.  
Пилта чироқ турарди,  
Мадори йўқ жонида.

## XVI

Доҳийнинг ҳамма сўзи  
Тезликда топди амал.  
Раҳбарлик қилди ўзи,  
Мушкулимиз бўлди ҳал.  
Ўтмиш жабру жафосин  
Қаёқдан билсин ёшлар.  
Уқубатли кунларни  
Энди кўрмасин бошлар.  
Жувоз эмас, Урганчда  
Ёғ заводи қурилди.  
Қийналмаймиз омочда,  
Деҳқон гуркураб кулди —  
Трактор меҳнатидан,  
Чиғирлар захматидан  
Ҳалос бўлди Хоразм —  
Бахти очилган азим.  
Бахтини топди деҳқон,  
Қадрини топди эллар.

Қумда йўқолмас инсон,  
Қудратли поезд элтар.  
Гузал бўлмоқда Урганч,  
Гузал бўлмоқда замин.  
Унутиб бўларми ҳеч  
Москванинг ёрдамин.  
Мана, қанча йил ўтди,  
Батрақлар бўлди одам.  
Хоразм чекка эмас,  
Хоразм у бир қадам.  
Улуғ Ленин ҳамма вақт,  
Биз билан бирга яшар  
Ильични кўришдек бахт —  
Бизга бўлган муяссар“...

## Тўртинчи боб

### I

Дастлабки кунлар Зиёд  
Ўрганолмай ётоққа,  
Ухлолмади, фикру ёд  
Кетди олис қишлоққа.  
Ўй ўйлар узоқ, чалкаш...  
Баъзан кўнгли жиндак ғаш.  
Осмон бўлса „дарғазаб“ —  
Яра ўрни зирқирар;  
Биқини берар азоб —  
Баданга игна кирар...

### II

Ётоқхона... Ва бунда  
Ҳар қачон ҳаёт қайноқ.  
Хоҳ кундузи, хоҳ тунда,  
Отганида тонг оппоқ,  
Дуторнинг шўх саси ҳам,  
Дўстлар қаҳқаҳаси ҳам,  
Конспектларни титиш,  
Баъзан шахматда ютиш,  
Картошканинг тоти ҳам,  
Яширин севги хати ҳам,  
Шу хонада ёзилар.  
Қайноқ дилда орзулар...

### III

Отелло ҳам шу ерда —  
Бирдан монолог яна...  
Эрталаб, бу ер бирдан  
Бўлар сартарошхона.  
Дазмол ҳиди ҳам шунда,  
Баъзан хўп чекилади,  
Ўтиришар тутунда.  
Кино ҳам унутилмас;  
Қўшиқлару оҳанглар —  
Бир ҳафта ўтар-ўтмас  
Бу хонада жаранглар.  
Севикли профессорнинг  
Таърифи жуда ошар.  
Қироатхон доцентни  
Эслаб, тоза кулишар...

### IV

Баъзан ўйлар қуршарди  
Уйқу бермай Зиёдга.  
У, ғамли кунларини  
Бир-бир оларди ёдга:  
„...Мен беш яшар эканман  
Отадан ажраганда.  
Азани билмаганман,  
Йиғлаб, қилганман ханда.  
Нега хотинлар йиғлар?  
Ҳовлимиз тўла одам?  
Онам бағрини тиглар?  
Қизиқ кўринган у дам.  
Кекса ғамига малҳам  
Топилмас, алам чақар.  
Ёшлик-болаликда ғам  
Эрта кирса, кеч чиқар.  
Ёшули йўгон қаддин  
Жигар доғи букибди.  
Тортиб жудолик дардин,  
Аччиқ кўз ёш тўкибди...  
У йиллар, яширин душман  
Етказар экан зиён.



Асал ва илон заҳри  
Тураp экан ёнма-ён“.

\*

Мана, мен туғилган уй;  
Шипи қорайган исдан.  
Пастак, чўзолмайсан буй,  
Зах утарди кигиздан.  
Бир бурчакда биқиллаб,  
Қайнарди қора қумғон.  
Ҳўл тарашани қалаб,  
Пишарди ёғлик, ёвғон,  
Кечаси кўрпа эди —  
Қирқ ямоқли жулдур тўн.  
Чакка ўтар — эски том  
Босаман деб қўрқитар,  
Шундай эди ўтган кун...

\*

Отам тахта тилдириб,  
Қоқди захкаш уйга пол.  
Тўшаклар ғилофидан  
Олинган эски похол.  
Деворларни бўябди  
Силлиқ қилиб оқ бўрга.  
Чўян печка қурибди —  
Қочибди танча, бурга...

\*

Тошкентга борган учиб,  
„Янги муаллим — етук“.  
Қишлоқда энг биринчи  
Таққан экан галстук.  
Бировлар кўролмасдан  
Сасиб дебди „калтадум“.  
Курашанкан кўрқмасдан —  
Бойларга қилиб ҳужум.  
Тураpкан уйимизда  
Ленин бобо сурати.  
Самарқандда, газетда

Ёзилиб чиққан оти...  
Шу уйда туғилганман,  
Шу уй ҳали-ҳали бор.  
Янги уй қаршисида  
Каталакдай кўринар.

\*

Қишлоқдан кўп нарида  
Бордир чакалакзор, жар,  
От-аравалар жуда  
Қийналар, у жар—ўжар.  
Қишда ундан шатаксиз  
Чиқолмас ҳеч арава.  
Жар лойи худди тагсиз.  
Аравакаш овора.  
Байрам куни кечаси.  
Отам қайтган райкомдан.  
Икки одам шарпасиз,  
Сакраб тушгандек томдан,  
Худди шу жар ичида  
Қашқирдек ёпишганлар.  
Хилват, ярим кечада  
Чавақлаб қочишганлар.

\*

Бизни боқди Деҳқонбой  
Етимликни билдирмай.  
Феъли кенг, бағри илиқ,  
Ажиб эртақларга бой.  
Шунинг-чун бўлса керак,  
Унга қўйганман меҳр.  
Унга талпинар юрак,  
У томон учар фикр...

V

Ҳадемай, етим қўчқор —  
Зиёднинг ўсди бўйи.  
Неча топқир ёғди қор,  
Неча бор жала қўйиб.  
Неча бор келди баҳор.  
Табиат ўзгарувчан,  
Бола эса ўсувчан;

34

Қора-қура болалар  
Овози дўриллашиб,  
Бири-биридан ошиб,  
Қишлоқнинг бўлди кўрки,  
Қишлоқ яшарди, балки...  
Қишлоқда, йўл четида  
Ёлғиз, улкан қабр бор.  
Фасллар, йиллар ўтар,  
Қабрларда сабр бор.  
Йиқилган ерга уни  
Дафн этдилар, тўкиб ёш...  
Ўз ўғлин ёди учун  
Эл қўйганди мраммар тош.  
Бу қабрда ётарди  
Отаси — эл сараси.  
Ҳар қачон кузатарди,  
Соғмикан кўз қораси?  
Зиёднинг бўй-бошига  
Боқарди у қабрдан.  
Боққандай қуёшига,  
Хурсанд бўлар қадрдон.  
Гапиюгандай бўларди:  
„Тугманг ечилиб қопти...  
Шамоллаб қолма тагин.  
Секинроқ юр, ҳой чопма!  
Йиқилмагин, чироғим...“

## VI

Жавоҳир билан тўлган  
Хазина кимга керак.  
Ҳар кимнинг ўз туғилган  
Юртига тортар юрак.  
Амударё бўйида  
Қишлоғи бор, уйи бор.  
Қалбнинг чуқур тагида  
Қандилдек ёнар пор-пор.  
У келмайди Тошкентнинг  
Юздан бирича, бироқ —  
Юзта гўзал Тошкентдан  
Кўринади гўзалроқ.  
Қумликлар аро қишлоқ

Товадай қизир эди.  
Қумликлар доим қайноқ,  
Жигардай қизил эди.  
Баъзан деҳқонлар кўкка  
Телмирар, қани ёмғир.  
Боболар қилмиш „яда“ —  
Очлик қилганда зада.  
Қовжираб ётарди қир...  
Олқиндига юз ювиб,  
Шод эдик зоғорага.  
Жиндак сузма қурт тотиб.  
Ёрмани хўриллатиб,  
„Қуррей!“ дердик қўйларга.  
Думбул ўрик ғажишиб,  
Қамашарди тишимиз.  
Лойқа сувда сузишиб,  
Қурнаш эди ишимиз...  
Ялвиллаб юрар эдим,  
Белда қийиқ, далада.  
Ўтлоққа сурар эдим —  
Измимда катта пода.  
Асов эдим ва думбул,  
Ташвишим — ёлғиз қорним.  
Мен учун куйлар булбул,  
Сўнг ёнғоққа чиқардим —  
Гап кирмасдан қулоққа.  
Осилиб қолар эдим,  
Тикилиб қарқуноққа...

## VII

Олапарим ёнимда  
Ҳансирар, осилган тил.  
Қашқирдан ҳеч қўрқиш йўқ,  
Қашқирга эди қотил.  
Менинг ёшимга етмай,  
Қартайди, лекин мен ёш.  
Чоп, десам учар қушдай,  
У эди содиқ йўлдош.  
Баъзан узоқ қудуққа  
Қир оша югурардик.  
Белбоғдан олиб юпқа —

Еб, унга ҳам ташлардик.  
Узоқ вақт ўтирардик.  
„Валад“ деб атар эди,  
Эркалаб мени бобом.  
Тўпиғимга чиқмасди  
Сувга ботса ҳам олам.  
Қийиқ эканман билсам,  
Етдим сўз маъносига.  
Сув қўшиб кетарканман,  
Баъзан унинг носига.  
Шамғалат қилиб кўзни,  
Чалишга — пристанга  
Жўнаймиз эрта билан.  
Ёнимизда бир танга,  
Сотиб оламиз қармоқ.  
Ҳеч нима билмагандек,  
Уйга керамиз жўртта.  
Онамиз ранги оппоқ,  
„Туғиб ўтирар тўртта...“

## VIII

Ёз бизда нақадар соз,  
Қандай яхши ёз ойи.  
Ҳадемай киради куз,  
Этикда ботмон лойи.  
Йиллар тез ўтар экан,  
Бола эдим яқинда.  
Тол отларим эди шан,  
Ёғоч қиличим қинда...  
Ҳадемай мактабни ҳам  
Тамомладим — катта бахт.  
Билимим ҳам эмас кам,  
Шундай тез ўтаркан вақт.  
Мен энди колхозимиз —  
Иши билан қайнадим.  
Ўспиринлар ўзимиз —  
Бўлдик унинг қаноти.  
Укаларим ёш эди,  
Касалманд эди онам.  
Аммо қизғин теримда  
Ўтирмас, бўлар ҳамдам.

## IX

Кўп вақт келиб турарди  
Ёшули уйимизга.  
Отам дўсти, отадек  
Бўлиб қолганди бизга.  
Баъзан бобом билан у  
Гаплашар мен тўғримда.  
Билмагандек бўлиб қув,  
Қулоқ солардим зимдан.  
„Тошкент“, „ўқиш“ сўзларин,  
Илғаб олардим дарров.  
Ўйлаб қолишарди жим,  
Бир нима бўларди ғов —  
Уларнинг режасига.  
Ўйлаб тополмас эдим.  
Лекин деҳқончасига —  
Далада эди ёдим.

## X

У мени фарзандидек  
Севарди. Баъзан узоқ  
Суҳбатлашиб қолардик.  
Ўксинарди ўқимай  
Ўтиб кетган умрига.  
Аввал савол берарди,  
Мени сўзлатиб қўйиб,  
Ўзи хўп завқланарди,  
Тингларди тўйиб-тўйиб.  
Баъзан ярим тунгача  
Суҳбатимиз чўзилар...  
Укалар аллақачон —  
Ўринларда чўзилар...  
Сўнгра уруш бошланди,  
Мен фронтга отландим;  
Уч йил мен бўлдим жангда —  
Кездим қор, олов, чангда...

## XI

Шундай, тез ўтаркан вақт,  
Сезмай қоласан ҳатто,

Қурасан уни фақат —  
Ўтиб кетгач, узоқда.  
Мен негадир китоб ҳам  
Ўқимай қўйдим. Қизиқ...  
Нима учун? Вақтим кам?  
На бир хат, на бир чизиқ —  
Чиздим қоғоз бетига.  
„Ньютон қонуни“ ҳам,  
„Менделеев жадвали“  
„Чаадаевга“ ҳам ёддан  
Чиқа бошлади. Бари  
Мендан узоқлашгандай,  
Бу қандай гап? Бу қандай!  
Тушда Матчон-агитатор  
Газета ўқир, сўзлар.  
Қаноат қиламан. Кўр  
Бўлиб қолгандай кўзлар.

## ХИ

Тавба! Наҳотки шундоқ  
Жўн одам бўлиб қолдим?  
Ўқимасам бир варақ?  
Занглаган каби ақлим  
Ўтмас, баъзан суҳбатда  
Илгаригидай мен жим  
Турмай, кесиш йўқ шартта.  
Менга чапаниларнинг  
Нухси уриб қолибди.  
Газетага, китобга  
Қизиқиш йўқолибди.  
Мен ўз-ўзимга дейман;  
Наҳотки оз муддатда  
Шунчалик ўзгарибман!

\*

Кутилмаган бир пайтда,  
Деҳқонбой кириб келди.  
Чойгум қайнади қайта...  
Мен сезардим келишин.  
Чатма қошлари жиддий,

Лаблари ёпган тишин.  
Бошқа пайтлардагидай  
Ҳазил ҳам йўқ, кулиш ҳам...  
Ҳазил чоғи пайдар-пай,  
Гап бошланар „калиш“дан.  
Уйқудан турган каби,  
Бу гал у жуда хомуш.  
Йилтирамас мўйлаби,  
Тажангроқ, таъби нохуш.

Деҳқонбой ота

Яна ўша гап! Тамом!

Зиёд

Боролмайман! Вассалом!

Деҳқонбой ота

Ҳой болам, бир оз шошма,  
Тугасан ахир калом,  
Оғир бўлгин, қизишма!  
Жаҳл чиқса, кетар ақл.  
Элда бордир шундай нақл.  
Шатир-шутур қиласан,  
Ёққа таз ташлагандай.  
Сен нимани биласан!  
Ахир, қулоқ бер мундоқ!  
Йулбарс ҳам човутдан аввал  
Тисланар орқасига.

Зиёд

Мен биламан, колхозда  
Ишнинг мазаси қочди.  
„Жўжа саналар кузда“...  
Сир булар очди-очли.  
Ўқишга жўнатмоқлик —  
Бир баҳонадир, холос.  
Ҳақ бўлса, шундоқ деб тик.  
Юзимга гапирсин, рост!



### Деҳқонбой ота

Ура билмаган киши —  
Таёқ кўтармоқ иши.  
Гапларинг буткул хато;  
Пашшадан ясама фил.  
Тухмат ҳам қилдинг ҳатто,  
Бесуяк экан-да тил...

### Зиёд

Каттакон оиламиз,  
Бир мен — ишловчи одам.  
Мен боқаман, биласиз,  
Ахир, йўқ менинг отам.

### Деҳқонбой ота

Бу гапни сен бир айтдинг,  
Иккинчи айтма сира!  
Ўғлим, мен сенинг отанг!  
Ранжийман... Менга қара,  
Мен сени эл ўғли деб  
Ҳисоблайман ҳар маҳал.  
Мен қўзғадим бу гапни!

### Зиёд

Соғлиғим ёмон!  
(Операция ўрни —  
Қизарган эди шишиб.  
Ҳақиқатан у баъзан  
Оғрирди санчиб-санчиб).

### Деҳқонбой ота

Ўзингда ихтиёринг,  
Соғлиқ ҳам керак, болам.

\*

Шундан кейин, негадир,  
У сўзни қилди тамом.  
Чой ичди, киприк пир-пир...

Қилайлик десам таом,  
Турмади, хайрлашиб  
У нохуш чиқди уйдан.  
Мен қолдим бошни қашиб,  
Гангиб ҳар турли ўйдан.  
Бир кун, дўппи яримта  
Ёлғиз қайтардим ишдан,  
Йўл-йўлакай Советга —  
Кириб чиқдим қайтишда.  
Ерга этикни тап-тап  
Уриб, қоқдим чангини.  
Эшик олдида тўхтаб,  
Салом бердим мен унга.  
Кўриб у бўлди хурсанд,  
Стулда ўтирарди.  
Хурсанд бўлса ҳар қачон,  
Шоп мўйлабин бурарди.

Деҳқонбой ота

Кел.

Зиёд

Соғмисиз, ёшули?

Деҳқонбой ота

Раҳмат. Қалайсан, ўғлим?  
Уй ичинг қандай?

Зиёд

Яхши.

Ўша гап... Сизга энди  
Келгандим маслаҳатга.

Деҳқонбой ота

Бор ўқишга, жон болам,  
Бормасанг ҳам, бу гал бор!  
Ўқимоқдадир олам,  
Сен қолма, етим қўчқор!

Мен сезаман, ўқисанг,  
Сенга юқади ўқиш.  
Ўқимай гап тўқисанг,  
Эр шаънига ёмон иш.  
Сенинг бир катта одам  
Бўларлик сиёқинг бор.  
Мен сенга бўлай ҳамдам,  
Бормасанг ҳам, бу гал бор.  
Ўқиб бўлгин муаллим,  
Сендан умид зўр, ўғлим.

\* \* \*

Учрашувда, қўйилган  
Сўзларга солдим разм.  
Ўйлаб кўриб, мундоқ мен  
Бориш-чун қилдим жазм.  
Ҳамма гапни ҳижжалаб  
Айтмоқнинг йўқ ҳожати.  
Лекин негадир бу қалб,  
Увишди жўнар пайти.  
Хайр, эзгу Беш-Гужум!  
Хайр, дўстлар — жонажон!  
Хайр Аму, хайр қум,  
Унутмайман ҳеч қачон!

„Кимдаким беш ажойиб фазилатга эга бўлса — унинг қўли ҳамма нарсага етади; узоғи яқин бўлади, ғурбатда хор бўлмайди ва ҳар вақт ризқу насибасини топиб, ёр-биродар орттиради. Бу эса, ўзгани ҳақорат қилишдан сақланмоқ, одоблик бўлмоқ, ёмон шубҳаларга берилмаслик, феъл-атворда олижаноблик ҳамда ўз қадру қимматини ерга урмасликдир“.

„Калила ва Димна“ дан

## Бешинчи боб

### I

Нақадар файзли, дўстим,  
Кўкламда очиқ ҳаво.  
Табиатнинг бой ҳусни  
Чарчоқ кўзларга даво.  
Соғ танда — соғлом ақл,  
Элда бор шундай нақл...  
Шаҳримиз бир четида  
Буралиб оқар анҳор.  
Анҳор икки четида  
Ям-яшил майсазор бор.  
Бу ердан кўринади,  
Яқин-йироқ чорбоғлар.  
Ел ғир-ғир урилади,  
Офтоб нури қучоқлар.  
Кўринар бундан яққол  
Ишкомларнинг пояси.  
Майсага тушиб турар  
Қайрағочлар сояси.

### II

Ям-яшил тепаликда  
Икки студент ўтирар.  
Костюмлари елкада,  
Баъзан ўйчан тикилар...  
Мана бир соат, ҳамон  
Конспект ўқишар жим...

Илм мағзин чақишар,  
Кўзлар узоқни кўзлар,  
Хаёл ичра мунажжим.  
Тепада денгиз — осмон,  
Тагда гилам — яшил чим,

### III

Бири ётар ёнбошлаб,  
Тирсак ерда, кафтда бош.  
Тинмай пичирлайди лаб,  
Манглайда порлар қуёш.  
„Галдим“ дерди сўзида.  
Келганди Хоразмдан.  
Илиқлик бор юзида,  
Амударё — азимдан  
Сув ичиб улгаганди.  
Қизилқум ҳарорати  
Барқ урар эди танда...  
Иккинчиси ўтирар  
Рўмолча узра енгил.  
Бир ўқиб, битта қарар —  
Бир чўқиб, битта қарар,  
Қушлардек олазарақ.  
Гуё бир минут — бир йил  
Бўлган каби бетоқат.  
Конспектни, китобни  
Шунчаки ўқир фақат.  
Хаёли тарқоқ эди,  
Чақнаб турарди кўзи.  
Тухум каби оқ эди,  
Юмалоқ, рангпар юзи.  
„Овуз“ни қўшар эди  
Сўзлаганда сўзига.  
Яхши кийинар эди,  
Бино қўйиб ўзига.  
Номи Талъат. Ҳижжалаб  
Ёдлашни ёқтирарди.  
Тошкентнинг Тўқли жаллоб  
Кўчасида турарди...

### Талъат

Баҳор яхши. Қара, ҳов  
Лолақизғалдоқларга.

Тошиб оқар осма нов,  
Ишкомларга, боғларга,  
Томларга, бутоғларга...  
Ўрикларнинг оқ гули  
Учар худди капалак.  
Чиройли дала йули.  
Баъзан савалар фалак; —  
Қуйиб юборар жала.  
Шунда ҳам файзли дала.  
Табиат қандай яхши!

З и ё д

Шоирларга ўхшайсан.

Т а л ъ а т

Шеър ёзганман, гўзал шеър...

З и ё д

Ўқи.

Т а л ъ а т

Э, қўй.

З и ё д

Ўқи!

Т а л ъ а т

Йўқ,

Алдадим сени, ошнам,

З и ё д

Бу ишда мени сира  
Алдамайсан, биламан.  
Ҳа, нега уяласан?  
Дам ҳам олайлик бир оз,  
Ўқи!

Т а л ъ а т

Битмаган, чала...

З и ё д

Оббо, мунча қилдинг ноз,  
Қизларга ухшайсан-а!

Т а л ъ а т

Эшит!  
(Ён чўнтагидан  
Олар бир варақ қоғоз.  
Очар. Сарлавҳасини  
Яширар, тезда буклар).  
„...Табиат бўлди гўзал  
Жамолингиздек, эй қиз.  
Сизга атадим ғазал,  
Қалбимда ёнган юлдуз!  
Сизни бир кўриш билан  
Тандан кетди оромим.  
Дил ёнар... Сиз қайдасиз  
Эй менинг дилоромим...“  
(Талъат тўхтар) бас энди,  
У ёғи йуқ. Шеър тамом!

З и ё д

Талант бор экан сенда.

Т а л ъ а т

Ростми сўзинг?

З и ё д

Рост, ишон!

Т а л ъ а т

„... Кўргим келади ҳар кун  
У шахло кўзингизни.  
Эшитгим келар ҳар кун

У ширин сўзингизни.  
Кечалари ўйлайман,  
Ётаман ўйчан, хомуш,  
Ўз-ўзимни қийнайман.  
Баъзан кўрарканман туш,  
Қалбда муҳаббатингиз  
Яна олар аланга.  
Юрагимда отингиз...  
Мен оламан қаламга.  
Нақадар бахтли экан  
Сизни туққан онангиз.  
Сиз чироқсиз порлаган,  
Мен эса парвонангиз.  
Сиздан кутиб жавоб хат,  
Севган бечора — Талъат“,

Зиёд ўйлар; қайси бир  
Китобда ўқигандек.  
У айтмади, тутди сир,  
Кулиб ҳам қўйди андак.

З и ё д

Боплабсан, оббо сен-еей!  
Жуда ёқди икки байт.  
Менга қара, қани айт,  
Кимга бу шеър?

Т а л ъ а т

Ҳеч кимга!

З и ё д

Менга ишонмайсанми?

Т а л ъ а т

Ҳеч кимга айтмайсанми?

З и ё д

Йўқ.



Гўзал Адибага.

З и ё д

Адибага?

IV

Зиёл хаёлга чўмди...  
Ёнбошлаган еридан  
Кўтарди у қаддини.  
Чордона қурди, секин  
Очди дафтар қатини.  
Яна „шундайми?“ деган,  
Нигоҳ билан боқди у.  
Жимликни бузиб шу дам  
Пастда шовилларди сув.  
Дарё юзи гинч оқар,  
Нотинч бўлади туби.  
Хаёлда қалбин ёқар  
Дўстнинг ишқий мактуби...  
Меҳнатсиз ҳеч йўқ роҳат,  
Бахт — ялқовга бегона.  
Меҳнат қилмай топай бахт,  
Деб ўйлаган — девона!  
Солдатча гайрат билан  
Зиёд киришди ишга.  
Бутун вужуди билан  
Берилди у ўқишга  
Тагин олдирди ўзин,  
Озмасин ахир нега?  
Ҳар кун олиб папкасин,  
Қатнар у „Навоий“га.  
Эртасига кўпайиб —  
Тўртов бўлиб келишди.  
Ўқишди, суҳбатлашди,  
Қаҳ-қаҳлашиб кулишди;

А д и б а

Гап тамом! Конспектлар  
Очилсин! Энди ўқиш!

Вақтинг кетди — бахт кетди,  
Жиндаккина бўлсин иш.  
Варақланар дафтарлар,  
Ўртага тушар сукут.  
Учар бир тўп каптарлар,  
Осмонда туя булут...

### Т а л ъ а т

Анов ерда бор булоқ  
Қайнаб, ўйнайди тоши...  
(Югуриб кетар шу чоқ).  
Анор кўтарар бошин.

### А д и б а

Жуда қийин... Ўқийман,  
Кирмас сира миямга.  
Синовда нима дейман?  
Йиғладим мен аямга —  
Бир ойча касал бўлдим,  
Қанча дарслардан қолдим...  
Билмадингизми, Анор,  
Топширмапими ҳеч ким?

### А н о р б о й

Зиёд топширди кеча.

### А д и б а

Зиёд?

### А н о р б о й

Ҳа.

### А д и б а

У ким?

### А н о р б о й

Танимайсизми уни?

Адиба

Анув камгап йигитми?  
Милиционер камарини  
Боғлаб юради... (кулар).

Анорбой

Ўша,

(У ҳам хахолар)

Мен ҳам айтдим, — ташла, деб  
Белингадаги айилни!  
„Солдатлигимдан ёдгор —  
Деяр, қўя бер, майли...“  
Ётоқда биз биргамиз,  
Каравот ҳам ёнма-ён.  
Уни яхши билмайсиз,  
У ёмон йигит эмас.

Адиба

Зиёд?..

Анорбой

Уни билмасдим,  
Анча вақт ўтгач, икков  
Дўстлашдик (боқар хатга).  
Феъли оғир, — бўлар ғов  
Қўшилишга улфатга.  
У яхши кийинмайди,  
Тўғриси кийими йўқ.  
Стипендия билан яшайди...  
Оч қолмаймиз, қорин тўқ.  
У менга кўп нарсалар  
Айтди ўз ҳаётидан.  
Лекин зўрдир ҳафсала —  
Тура солиб, олтидан  
Конспектни варақлар.  
Сезаман, қалби бўшмас...  
Бир мақсад яшар ҳар вақт.  
Кўп ўқир, ўқиб толмас,  
Мақсадли қалб — ўзи бахт.  
Шундай эмасми?

Адиба

Тўғри.

## V

Кунлар ўтди. Зиёд ҳам  
 Ётоқ ҳадисин олди.  
 Анорбой доим ҳамдам,  
 Анча ўрганиб қолди.  
 Тез кўникди Тошкентга,  
 Бағрига олди ҳаёт.  
 Етгандай бўлди бахтга,  
 Бўз бола, абжир Зиёд.  
 Звонок чалингунча  
 Газета кўрар пича.  
 Лекин, кечадан буён  
 Бир нарсани ўйлар у;  
 Тушунмас, эмас аён.  
 Нима у, сирми? Қўрқув?  
 „Нега у қараб қўяр,  
 Ҳар гал мени кўрганда?“  
 Негадир у уялар,  
 Бир гапи борми манда?

## VI

Кўркам аудитория  
 Ёшларга тўлган эди.  
 Доскадан, стол-полдан  
 Анқарди бўёқ ҳиди.  
 Деворда гербарийлар —  
 Ўсимлик илдиэлари.  
 Зиёд эса аланглар,  
 Деворларда кўзлари.  
 Тинглайди лекцияни  
 Юракда завқу мароқ  
 Ва жалб этар мияни  
 Столда очиқ варақ...  
 Билмаслик — бу айб эмас  
 Одамзод боласига.  
 Билим томгай, ҳеч тинмас,  
 Зеҳн пиёласига.  
 Инсон-чун беш бармоқдек  
 Маълум бўлганда илм,  
 Тикилмасди Улуғбек  
 Қенг осмон қалъасига.

Ёшликда ўқиганинг—  
Мармарга ўйилган ҳарф.  
Қалбинг урган ҳар бир зарб—  
Нақадар қиммат, йигит!  
Урхун ёзувларидек  
Умри бўлади дароз...

## VII

Қунлар, ҳафталар, ойлар  
Ўтмоқда бирин-кетин.  
Зиёд вақтин авайлар,  
Банд бўлиб қолди бутун.  
Дарслан сўнг, кечки пайтда  
Қий-чув чорлар: „Қани, бўл!“  
Институт майдонида  
Бошланади волейбол.  
Ўрнидан қўзғалар-да,  
Кияр дарҳол кийимни.  
Бир чеккада турар-да,  
Жим кузатар ўйинни.

## VIII

Зиёд камгап ва ўйчан,  
У „дали-ғули“ эмас.  
Ҳазилга эмас чечан,  
Тезда қўшила олмас.  
Институт майдони  
Шўх ёшлар билан гавжум.  
Кийишган оппоқ майка,  
Авжда коптокка ҳужум.  
Қувноқ қизлар қийқирар,  
Қўллардан учар копток.  
Майка ичра типирлар —  
Кўкрак — қамолган каптар...  
Баъзан ёлғиз турарди,  
Жимжит, қўли орқада.  
Нечун хаёл сурарди,  
Нечун ташламас қадам?

## IX

Шаддод дўсти Анорбой,  
Сиқиб ўтар қўлини.  
У тўғри бориб шу пайт,  
Тўсар бир қиз йўлини.  
Дўст орттирди бирталай,  
Бизнинг „эпчил“ Анорбой.  
Талъат деган йиғит ҳам  
Ўтар, юзида виқор.  
Устида швёт костюм,  
Туфлисининг ғарчи бор.  
Ёнида худди гулшан, —  
Борар бир Тошкент қизи.  
Бу қизни дейишаркан:  
„Институт юлдузи...“

\*

Қиз кета туриб, шундай  
Таманно билан қиё  
Бир кўз ташлаб ўтади,  
Қизариб кетар Зиёд.  
Нигоҳи табассумкор,  
Ярашарди ўзига.  
Юлдуз деганича бор  
Боқаркансан кўзига.  
Волейболда у кеча  
Ғолиб чиқди неча бор.  
Таклиф этишар уни,  
Волейбол бўлган маҳал.  
Ўрашар атрофини,  
Гапга солишар маътал.  
У жуда қувноқ экан,  
Кўзлари ўйноқ экан.

## X

Клубда, шанба куни  
Танца, музыка янграр.  
Ётоқхонадан уни  
Ҳар куни Зиёд тинглар.

Куйган ҳид, у югурар  
Қизиб кетган дазмоли.  
Битта тиринка костюм —  
Зиёднинг бор-йўқ моли.  
Китобни ёпар, айна  
Келганда ҳафсаласи.  
Дазмол урар, уй сураар,  
Кўз олдида даласи...  
Анор ҳам жўнаб қопти  
Тез ювиниб-тараниб.  
Бугун энди йўқ уйқу,  
Чўткани аранг топди,  
Стакан совун юқи...

## XI

Ётоқхонада қолган  
Бир Зиёд, тажангланар.  
Деразани очаркан,  
Тинмай танца жаранглар.  
У бориб стаканни  
Ювар, — ярқираар биллур.  
Очиб қўяр балконни,  
Уйга тушар олтин нур.  
Дазмолдан сўнг, хат бошлар...

Гоҳ, „простой“ конверт  
Жўнайди қишлоқ томон,

## XII

Бир кун, кутилмаган пайт  
Анор тўсди йўлини.

Анор боӣ

Таниш!

Зиёд

Зиёд.

(Берар қўлини).

## А д и ба

Адиба...

Юзидаги

Илиқ табассум бирдан  
Ўчиб, бўлади лола...  
Кўзини олмас ердан.  
Бир дақиқа улар жим  
Туришар коридорда.  
Анор дер ичда балким:  
„Гапирсангчи, эҳ чатоқ!  
Бу нима?.. Ҳали гўр-да...“  
Зиёд гап тополмасдан  
Тикилар Адибага.  
Анор кўзин олмасдан,  
Қарар эди тепага;  
Ёғоч оёққа ўхшаб,  
Қовушмас оёқлари.

## А д и ба

Хўп, хайр.

З и ё д

Хайр.

## А н о р б о й

Хайр, дўстим, кечгача...  
(У қисиб кўяр кўзин)  
Улар ўтиб кетишар,  
Зиёд қолади ёлғиз...  
Бу не ўзи, қандай сир?..

Ойна кўлдек, осуда,  
Тинч эди унинг қалби.  
Тош тушди, жимжит сувда  
Мавж яралди чайқалиб.  
Зиёд қалбидаги мавж  
Зўр тўлқин бўлмасайди.  
Зўр тўлқинлар олиб авж,  
Босиб зўр довул-дайди —  
Қайғу келтирмасайди...



## Олтинчи боб

### I

У ёшликдан жуда соз  
Ўрганган эди рояль.  
Куйлар эди хушовоз,  
Баъзан сурарди хаёл.  
Қўшиқ айтару баъзан  
„Уҳ“ тортиб қўяр нечун?  
Ҳалқа-ҳалқа соч ларзон...  
Чалар баъзан узоқ тун.  
Роялнинг шўҳ жаранги,  
О, нақадар дилрабо,  
Худди Тошкентнинг тонги,  
Худди гуллаган баҳор.  
Ўрганишган қўшнилар  
Бу куйнинг мазасига.  
Ўткинчилар ҳам боқар  
Бу уй деразасига.

### II

Она тинглар керилиб,  
Қалби эрир оқ қанддай.  
Адиба хўп берилиб,  
Қўшиқ айтар, шан қандай!...

„Севгинг — мисоли олмос,  
Қалбда асрайман уни.

Олмос асло йўқолмас,  
Кўксимда туну куни.  
Мабодо у йўқолса,  
Йўқолгай қалбим билан...  
Севги у буюк нарса,  
Ҳамма ҳам қилар ҳавас,  
Бахтлидир ким севолса,  
Ҳамма Фарҳод бўлолмас“.

. . . . .

### III

Адиба ўсди қувноқ,  
Қайғу унга бегона.  
Ҳаёти бўлди қайноқ,  
Парвона бўлди она.  
Бахтиёр оилада  
У биттаю битта қиз.  
Ота-она кўнглида  
У чақнаб турган юлдуз.  
У бўй қўйди. Тез кунда  
Қиз бўлди кўзга яқин.  
Лекин борди феълида  
Кескинлик, худди чақин.

### IV

Ёлгон гапнинг олдида  
Ёрилар, худди бомба.  
Ўт ёнади қалбида,  
Сиртидан майин, дўмбоқ...  
Аммо ичда зўр қайнаш —  
Учса, бўлса қаноти!  
Қуйгунчак, серташвиш, ёш...  
Йўқ унинг ҳаловати.  
Қариндошлардан кимдир  
Ўхшатганди рўвакка,  
Ширин дебди анжирдек.  
Ўхшатган экан чакки,  
У қиз бўлди занжирдек.

Кексайган ота-она  
 Қизидан ҳайиқишар;  
 Қиз ҳукмини тинглашар.  
 У ишбоши, ҳам доно  
 Ҳам сўзомол, ҳам азиз,  
 Ҳам севиклигу, жоно,  
 Ҳам эрка-ю ҳам ёлғиз,  
 Чунки меҳр боғида,  
 Оила қучоғида  
 Кўкарган ниҳол эди.  
 Бир кун „кинначи“ учун  
 Адиба қанча ёнди.  
 Шартта сўз билан шу кун  
 Зулайҳо қамчиланди.  
 Аммо аччиқ бўлса ҳам  
 Фарзандники ботмайди.  
 Гудакнинг ботган тиши  
 Кўкракни оғритмайди.  
 Қулунларнинг тегиши  
 Она отга ботмағай.  
 Жўжасининг чангали  
 Она лочин бағрини  
 Ҳеч маҳал қонатмағай...

„Кимга ўхшади экан  
 Менинг эрка Адибам?  
 Баъзан гаплари тикан,  
 Баъзан тантиқ жуда ҳам.  
 Кимига тортди экан?  
 Шундаймиди аммаси?  
 Ё тортдими холага?  
 Ё тортдими тоғага?  
 Бошқачадир ҳаммаси“.  
 Баъзан хўрсиниб қўяр:  
 „Кирмадинг театрга.  
 Шундай овозинг билан  
 Бир дунёга татирдинг.  
 Ролларни ўхшатардинг,

Овозинг ҳам ширали,  
Балки сен, опоқ қизим,  
Ҳалимача бўлардинг,  
Боқишларинг чиройли....“

## VII

Қанча тун қора бўлса,  
Шунча чақнар юлдузлар.  
Қанча шаддод бўлса қиз,  
Шунча кўнгли бўш бўлар.  
Баҳор келди ўлкага,  
Қорлар эриди бирдан.  
Бир жуфт мусича шавқ-ла  
Айвоннинг пештоқига  
Учишар, тумшуқда хас,  
Тўхташмайди бир нафас.  
Теришади ердан чўп,  
Битади жажжи уя.  
на мусича бир жуфт  
Митти тухумин қўяр.  
Қўяру, бир қарайди,  
Қанотига ўрайди...

## VIII

Кирмасданоқ саратон,  
Очиб чиқар жўжаси.  
Она тинмай ташир дон,  
Қучиб ётар кечаси.  
У дон олиб келаркан,  
Қоқишар елкасини  
Нина қанот — елпиғич  
Қутлашар онасини.  
Талпинишар кўксига,  
Бу балки эркаланиш...  
Ҳар кун боқар уяга,  
Адибага у таниш.

## IX

Нима бўлди-ю она  
Хўрак келтирмай қолди.

Қани ўша парвона?  
Қани, қайга йўқолди?  
Унинг боласи ҳали  
Учирма бўлганча йўқ.  
Нима бўлди аҳволи?  
Наҳот, бўлиб кўнгли тўқ,  
Учиб кетди мусича?  
Онани кутиб бола  
Ёта берди шу жойда.  
Адиба раҳми келди,  
Қушчаларга боқаркан.  
Қайта-қайта тикилди,  
Бўлди унинг бағри қон.  
Ота кабинетига  
Кирав — шипгача китоб.  
Нарвончани елкада  
Олиб чиқади шу топ,  
„Қушчалар қандай яхши“...

## X

Нарвончага чиқиб у,  
Бўй чўзар, ана уя.  
Нозик бармоқлари-ла  
Қушларни силаб қўяр.  
Бир идишда қўяр сув,  
Бир идишда қўяр дон.  
Қушларни босар қўрқув,  
Йўқ бу қўллар меҳрибон.

## XI

„Нарвончани бер, қизим,  
Китоб олай токчадан“.  
Адиба бўлса қизиб  
Жавоб беради шу дам:  
„Тўхтанг бир дам адажон  
Нарвонча менга зарур!  
Ахир, сиз ўйлаб кўринг,  
Бунда икки қушчанинг —  
Ҳаёти таҳликада!..“

## XII

Орадан ўтди кунлар...  
У бир кун яна келиб,  
Нарвонча қўйди, чиқди.  
Бир-бирига ёпишиб,  
Ётар эди қушчалар.  
У секин тушди пастга,  
Нарвонни олди аста.  
Кифт қоққан бир жуфт қушча  
Ўлган. Қумурсқа талар —  
Қорнига кирган ўйиб.  
Кўз олдида анча вақт  
Турди у бир жуфт қушча.  
Қушлар тирилиб қайта,  
Учиб кетганмиш тушда...  
Қушларни у севарди,  
Бор эди шундай „дарди“.

## XIII

Ёз. Каникул. Қандай соз,  
Сентябрга куч тўплаш.  
Иссиқ кунда кўлга бор!  
Нақадар гавжум пляж!  
Адиба, Катя, Майиз  
Жўнар Бешёғоч томон.  
Сувга сакрашар уч қиз,  
Учқур қалдирғочсимон.  
Лодкада уччов сузар.  
Эшкаклар тушар шўлт-шўлт...  
Агар оч қолса улар  
Сумкада бутерброт.

## XIV

Бугун ҳам у отланди,  
Чўмилмоқ учун кўлга.  
Зонтикни олиб, энди  
Тушмоқ бўлганди йўлга,  
Жиринглади телефон.

Одатича тез бориб,  
Кўтарар трубкани.  
Кейин, ичкари кириб,  
Чақирар; „Ада, сизни!“  
„Мени йўқ де“.

„Мени йўқ?

Борсиз-ку, ада, нега?!  
(Қайтар, туфлиси тўқ-тўқ...)  
Ёлгон ярашмас сизга!“  
„Мажлисда де...“

„Йўқ! Сира!“

Яна трубка олар:  
„Ҳозир, бир нафас тўхтанг...“  
Ота бош чайқаб кулар.

## XV

Профессор Миркамолов,  
Баланд бўй, қотма одам.  
Дон-Кихотдек шоп мўйлов,  
Кўзда кўзойнак ҳар дам.  
Хатга ойнақдан, бизга  
Тепасидан мўралар.  
Тумовдан қўрқиб, доим  
Кийимига ўралар.  
Кексалик келди устун,  
Оз юриб, кўпроқ чарчар.  
Меъдаси ҳам суст, ҳар кун  
Эрталаб қаттиқ ичар.  
Боши оғриси, қизин  
Гапга солар, чақ-чақлар.  
Кўп дори ичиш — хатар.  
Кулиб у Адибани  
„Пирамидон“ деб атар.

## XVI

Икки фарзанд кўрди у;  
Битта ўғил, битта қиз.  
Жангда қурбон бўлди у...  
Адибаси — бор ёлғиз.  
Фарзанднинг доғи тезроқ

Қаритди, — асаб хаста...  
Сочга оралади оқ,  
Қўлига олди ҳасса.  
Майин кулимсар юзи,  
Тажангликлардан йироқ.  
Қалбида ёлғиз қизи —  
Ёниб турган шамчироқ.  
Унинг бутун бор-йўғи  
Шу битта қиз — Адиба.  
Унга айтиб берарди  
Қизиқ-қизиқ латифа.  
Адибани тингларди,  
Унга қилиб „итоат“.  
Ким ранжитса қизини  
Қила олмасди тоқат.

## XVII

Лекин у энди мамнун  
Оиласидан ҳар вақт.  
Юксаларди қиз ҳар кун,  
Ёлғизгина қизи — бахт.  
Зерикканда кўп ўқир  
Шеър, роман... китобларни.  
Шеърни англарди чуқур,  
Бир етук китобхон деб  
У, ўзин ҳисобларди.  
Гулларни кўп экарди,  
Дўст эди баҳор билан.  
Қишда тувакларда гул,  
Хуши йўқди қор билан.  
Қўлда кетмон, турарди  
Тиним кун саҳар билан.  
Гулзорни суғорарди  
Эрталаб, наҳор билан.  
Баъзан ёддан, шивирлаб  
Бу шеърни айтиб юрар:  
„Тоқташ дер; ёшлик бир боғ,  
У йироқдир ўлимдан.  
Борардим сенга яна  
Қайтиб келсам йўлимдан.  
Шу боғда эдим мен ҳам,



Лекин йиллар элтмоқда  
Ушлаб менинг қўлимдан...  
Бораман, қолар пастда  
Олтиндан пиллапоя.  
Кўтариламан аста!  
Халқ иши — дилда ғоя.  
Лойиқ бўлсам, кўнглим тўқ,  
Буюк ишлар асрига.  
Мен кираман, ўлим йўқ,  
Илмнинг зўр қасрига...”

## XVIII

Зулайҳо опа бу йил  
Уч кам элликка борди.  
Балки чин, балки ҳазил,  
„Ёш кўринасиз“ деган  
Бир оғиз сўзга зорди,  
Шу сўзнинг гадосийди...  
Аёл ёшини айтмоқ  
Одобдан эмас, албат.  
Бу гап тўғри-ю, бироқ,  
Бир бор билиб қўймоқ шарт.  
Думлик юлдуз чиққан йил  
Тошкентда, ғарб томонда,  
Туғилганди Зулайҳо  
Бой кўча — Камолонда...  
Ёшликда ҳусни бўлган,  
Кўп танноз экан у вақт,  
Бунга альбомга тўлган  
Юзлаб суратлар гувоҳ...

## XIX

Зулайҳо чиққан экан  
Бадавлат хонадондан.  
Отаси „кимсан фалон...“  
Ўзга наздида „нодон“.  
Ҳозир ҳам у ўзини  
„Таги кўрган“ деб атар.  
Сўзга тушса, сўзининг

Охири йўқ, тонготар...  
„Зулайҳохон моҳпора“ —  
Дер уни қариндошлар,  
Пардоз билан овора.  
Агар эрталаб бошлар  
Бўлса, тугатар тўпда.  
Ойна ёнида қанча  
Атир-упа... турибди...  
Тук-қошин бўяр, бирпас  
Ойнага боқар, ёқмас.  
Бошқатдан ювиб-артар,  
Қош ўрнига қош тортар.  
Икки чаккасига у  
Бураб қўяди ғажақ.  
Яна тумшуқда кўзгу,  
Яна қулоқда чечак...

## XX

Юздаги ажинларни  
Вазелин-ла уқалар.  
„Бу қуриб кеткурлари  
Ахир қачон йўқолар!..“  
Эчки-юзин паришон  
Ойнага тикар қайта.  
„Улама“ни ўриб у  
Орқасига дўппайтар.  
Атру упа сони йўқ.  
Юзидачи қони йўқ.  
Негадир шу кунларда  
Ўлимдан қўрқар ғоят,  
Дам солар ўз-ўзига,  
Пичирлар дуо-оят.  
Овқатни ҳам қўрқиб ер  
Сархилини чўқиб ер.

## XXI

Ҳар кун унинг бир ери  
Оғрир... ғиншир... чўзилар...  
Овутмоқ бўлар эри,

Пардози ҳам бузилар.  
Сўзлай бериб, ҳамма вақт  
Қўшнилар зерикибди.  
„Зулайҳо ҳам одамми —  
Эчки ҳам молми...“ дебди.  
Дарди кўп... Сўзлар эзма,  
Соғ ери йўқ танида.  
„Порок“, „Язва“, „Бод“, „Асма“...  
Ҳамда „гипертония“.  
Сўзлагани қўрқишар  
Зулайҳога қаттиқроқ.  
Буғилиб, тўхтатишар,  
Чунки ахир у „порок“...

## XXII

Ўтирар оёқ солиб,  
Жомдаги илиқ сувга,  
Тикилар бармоқдаги  
Бриллиант кўз узукка,  
Хизматчи хотин баъзан  
Банка қўяр... Қиёмат —  
Кўйлагини очаркан;  
Ана қад, ана қомат!..  
Нафас оларкан, бирдам  
Елпуғич — қовурғалар,  
Эти — ошланмаган чарм.  
Кейин, ёғлаб уқалар...

## XXIII

Қуш ҳам ўз уясида  
Кўрганин қилар, дерлар.

Адиба аясида  
Уяларди авваллар.  
Ўрганиб қолишганди  
Унга ота ҳам, қиз ҳам.  
Бизнинг Зулайҳо шундай,  
Танишиб кўйинг сиз ҳам!  
Одобни беодобдан

Ўрганмоқ ҳам ахир бор.  
Лекин у ўзин ўздан  
„Культурний“ деб ҳисоблар.  
Ҳар ким ўз айбин билса,  
Қорни ёрилиб ўлар.  
Зулайҳога айтилса,  
Ҳай-ҳай... У фақат кулар.

#### XXIV

Икки уй тўла китоб,  
Китобмисан китоблар.  
Ҳар бири — бир офтоб...  
Бу „мулкга“ у ўзини  
Фақат эга ҳисоблар.  
Фақат эга бўлди-ю,  
Қолди „эга“ лигича.  
Сув бўйида сувсаб у,  
Ича олмади пича.  
Унинг уйи тўла гул,  
Гулдан ололмас баҳра.  
У Сир бўйидаги чўл,  
Зўр дарёдан бебаҳра...

#### XXV

Адибанинг олдида  
Ёачкана, инжиқлиги,  
Шу билан ҳам азизди.  
Пардозу андозлари,  
Шу билан ҳам азизди.  
Ўз оиласи сирин  
Баъзида алжишлиги,  
Шу билан ҳам азизди.  
Баъзан аччиги келса,  
Сохта касал бўлиши,  
Ўзгаларни чақиш, ҳам  
Ўзгалардан кулиши,  
Совуқ қилиқлари-ла,  
У азиз, чунки Она.  
Дунёда онадан ҳам  
Азиз ном борми яна?

Қиз бола тез етилар,  
 Санама умр йилин!  
 Ҳадемай эшитилар:  
 „Фалончи бўпти келин...“  
 Кечагина „пучуқ“ деб,  
 Бурнин чимчилаганлар,  
 Энди бундай ҳазилни  
 Ўзларига кўрмай эб,  
 Ер тагидан қарарлар.  
 Адиба ўсди шундай —  
 Она қалбида орзу.  
 Ичиб юборилгудай  
 Бир қошиқ сув билан у.  
 Гапларида илиқлик,  
 Юзларида ҳаяжон,  
 Ўйларида тиниқлик,  
 Дўстлари-ла жонажон.  
 Ўз қизи-ла Зулайҳо  
 Доим эди бахтиёр.  
 Ноз қилиб қўяр гоҳо,  
 Қизи борнинг — нози бор.

Баъзан бу оилага  
 Келиб турарди Талъат.  
 (У ҳар ишда „лочин“ — у,  
 Фақат ўқишда калхат),  
 Танишгач Адиба-ла,  
 Келди у уйига ҳам.  
 Одамшаванда бола,  
 Гоҳо уйгача ҳамдам.  
 Кимдир уни, негадир,  
 „Итбалиқ“ деб атабди,  
 Нега? Одам-ку, ахир?  
 Қайдан топган бу гапни?  
 Профессор билан ҳам  
 Тезда танишиб олди.  
 Зулайҳохон билан ҳам  
 Апоқ-чапоқ бўп қолди.

Уйнинг телефонин ҳам,  
Машина номерин ҳам  
Ёддан айта оларди,  
Баъзан келиб қоларди.

З у л а й ҳ о

Буй-бошлари, кўзлари  
Ўхшайди аллакимга.  
Дилкашлиги, сўзлари...  
Яна қаери десам?  
Ҳа-ҳа, айтгандай бирам  
Кўнгли очиқ. Юзлари  
Инимга ўхшаб кетар.  
Таги кўрган йигит-да,  
Одам қадрига етар,  
Уйларига ҳам қаранг!  
Дангиллама, ганчу сир.  
Оналари ҳам таранг —  
Бўйнида ўн қават дур.  
Бурунгидек жиззали  
Нонларни айтмайсизми.  
„Домласининг иззати...“  
Деб ҳурмат қилиб Сизни,  
Қўйди бир кийим жужун.

Профессор

Нима, нима?!

З у л а й ҳ о

Таомил...

Уникига шўппайиб,  
Қуруқ бордикми биз ҳам?  
Қўрқманг, шу билан бойиб  
Кетмайсиз,

Профессор

Менга қарал

„Имениние“ деган-ди,  
Суннат тўйи-ку?

З у л а й ҳ о

Тоза

Соддасиз-да, э, хўжам!  
Ҳозир мана шундақа  
Йўли чиққан...

Профессор

Э, тавба!

Тили кесиларми-кан  
Алдамай тўғри айтса!

## Еттинчи боб

### I

Зиёд жиндек хаёлчан,  
Камгап жуда сўнгги пайт.  
Ўзи ҳам сезар, недан...  
Ёдлаб юрар икки байт.  
Деразага куҳлар-да,  
Бир номни ёзар хушҳол...  
Қўрқиб ўчирар дарҳол —  
(Устига тортар парда).  
Бўлгандай пахса кўкси —  
Пиёз пўстидек юпқа.  
Тунлар келмас уйқуси,  
Гоҳ ёрдан қилар ўпка...  
Қўнгли янги кийимни  
Тусаб қолди негадир.  
Тринка костюмини  
Авайлар, бўлмасин кир.  
Қўпол этикка қараб  
Хўрсиниб қўяр баъзан.  
Сочни ҳам ювиб-тараб  
Юрар бўлди мунтазам.

### II

Лекцияда Адиба  
Ўтиради ёнида.  
Гоҳ қараб қўяр кулиб,  
Бир завқ жўшиб қонида.



„Билмай“ тўсатдан секин  
Тирсаги тегиб кетар.  
Афв сўрар... Кўз хатда...  
„Қирс“ этиб синир қалам,  
Ростми, ёлгон, ким билар...  
Адиба тўхтар, шу дам  
Зиёдга қарар, кулар.  
Зиёд тутади қалам,  
Кутмай Адиба сўзин.  
У бўлса тикар шу дам  
Чиройли қора кўзин...  
Зиёднинг юрагида  
Қайнар сирли ҳаяжон.  
Икки қулоқ бўлар чўғ.  
Қилт этмай қолар шу он.  
Қирқ беш минут ҳайкалдай  
Қотар. Қимирлар қули.  
Бу — Адибага қанча  
Завқ берарди бир йўла.

### III

Ўқишдан сўнг, кечқурун  
Боришар „Навой“га,  
Жуда кеч қайтар уйга.  
Нега Адиба бурун  
Одат қилмади шундай?  
Бошқалардек явиллаб,  
Бўлмади у ҳавойи.  
Ўқиш қаттиқ этди жалб,  
Ўтди март, апрель ойи...  
Китобдан бош кўтармай,  
Кечгача ёзар-чизар.  
Шунлай зерикмай, ҳормай  
Бутун кунни ўтказар.  
Валентина ҳам баъзан  
Кўриниб қолар залда.  
Қўнғироқ сочи ларзон —  
Оқ юзларин тўсарди,

Адиба

У мени кўрмаётир.

З и ё д

Ниҳоятда банд.

А д и б а

Ҳа, банд.  
Қарамас ҳам мундоқ бир,  
Жюль Верн ўқиётгандек.  
Сиз уни танийсизми?

З и ё д

Танийман. Танишмасман.

А д и б а

Урушда отадан ҳам,  
Онадан ҳам ажраган.  
Енга олмади алам,  
Юраги пўлат экан.  
Эртага биз борамиз  
Бюро топшириғича,  
Майизхоннинг уйига,  
Маслаҳат чиқди пича,

З и ё д

У келмай қўйди.

А д и б а

Шундай,  
Турмушга чиққандан сўнг  
Келмай қўйди ўқишга.  
Эри йўл қўймайдими,  
Эҳтимол, бояқишга...  
Бир минут, кечирасиз  
(У борар Валя томон.  
Валя кўргани ҳамон.  
Юзда порлар табассум.)

#### IV

Тун. Лекин ёруғ шаҳар,  
Юлдуз тўккандай фалак.  
Ёнган чироқ — ҳар маҳал  
Ҳаётдан берар дарак.  
Лампочкалар чамани,  
Оралаб қайтар улар.  
Йулнинг икки томони  
Тула ранго-ранг гуллар —  
Адиба этагига  
Бош уришиб қолишар.  
Адибамни кўришиб,  
Тахт туришиб қолишар.  
Адибамнинг йўлига  
Чироғлар тўкар зиё.  
Адибамнинг ёнида  
Боради азиз Зиёд.

#### V

Шундай улар, ҳар куни  
Ўтар бу аллеядан.  
Қандай соз Тошкент туни,  
Ҳордиқ олади бадан.  
Улар етгач, эшикда  
Бир нафасча тўхташар;  
Оппоқ деворга тикка  
Иккита соя тушар.  
Негадир шошилишмас  
Хайрлашмоққа улар.  
Шу пайт, негадир бирпас  
Юраклар гурс-гурс урар.

— Хайр, эрталабгача.  
— Хайр, хайрли кеча.

#### VI

Уйга кирару, дарҳол  
Деразадан қарайди,

Зиёд кўчада хушҳол  
Қўл силкиб, сўнг жўнайди.  
Унинг барча сўзларин  
Бир-бир ёддан ўтказар.  
Хаёл қучар кўзларин,  
Зиёдга ташлар назар;  
Сўзида бор босиғлиқ,  
Қисқа, лекин маънодор.  
Хушомад қилмас силлиқ...  
Мақташдан ҳам қилар ор.  
Суйкалмас Талъат каби,  
Дўстликдан мурод шуми?  
Тез билиб бўлмас унинг  
Недир ўйи, матлаби.  
Кулса, кулади қаттиқ,  
Жиндек соддалик ҳам бор.  
Ёлғон сўзламас қиттак,  
Ёлғон сўз — гулзорда қор.  
Шуларига боқдимми?  
Шулар қалбин ёқдимми?

## VII

Адиба бугун, кундуз  
Келиб кетган ётоққа.  
Зиёд йўқ эди, эсиз,  
Кетган эди у боққа.  
Василий, Анорбой ҳам,  
Ҳаттоки „кунда-шунда“  
Риҳси семиз — „қанор“ ҳам,  
Аксига йўқди уйда.

Зиёд қайтгач, у кўрди  
Стол устида бир хат...  
Кирмай стадионга,  
Қайтса, учрашаркан ул.  
Сув қуйиб стаканга,  
Солиб кетибди бир гул...  
Гул билан йўқди иши,  
Гулга ўргатдинг, нега?  
Майли, қалбдаги ишқи —  
Гулзорга бўлди эга.

## VIII

Хатни ён дафтарчага  
Солиб қўйди у буклаб.  
Бир сурат ҳам бор бунда;  
(Адиба тушган кулиб).  
Бу суратни ҳеч кимга  
Кўрсатмас, сақлар яширин.  
Агар кўрсатиб қўйса,  
Очиб қўяди сирин.  
Олганди йиртиб, эски  
Деворий газетадан.  
Кўрса, ёш болалардек  
У қувнар эди бир дам.

## IX

Оқшом. Ётоқхонада  
Бўлганди жамоат жам;  
Чўзилиб, дам олганди  
Василий ҳам, Анор ҳам,  
Хатни ўқиди Зиёл,  
Бўлиб кўнгли ғоят шод.  
Адиба учовин ҳам  
Таклиф этган меҳмонга,  
Тушарди ҳаяжонга.  
Эртага Адибанинг  
Туғилган кун — тўйига,  
Севиклининг уйига  
Бормоғи керак унинг.  
Менинг гўзал Адибам,  
Ўн саккиз ёшиндадир.  
Унга бегонадир ғам,  
Бахт унинг бошиндадир.  
Орзуси гўё кушод  
Бўлганди. Кўнгли осмон...  
Эртага у куйлар шод,  
Демак мен ҳам шодумон.  
Зиёдjon севинчига  
Йўқ тенг бўларлик севинч.  
Сигдиrolмас ичига,  
Ўтиrolмас эди тинч.

Хуш? Агар борар бўлса,  
 Нимани кийиб борар.  
 Хаёл ичида у сал  
 Сочин текислар, тарар.  
 Орзу уни қўймайди,

Боргуеи келар жуда.  
 Лекин, у қўп ўйлайди,  
 Қалбида улкан чидам...  
 Этиги паркет узра  
 Тушсинми тарақ-туруқ.  
 Бундай бўлмайди сира?  
 Бормагани маъқул! Йўқ!  
 Ростдан у бормайдими  
 Адибанинг уйига?  
 Тўлқин сочин тарайди,  
 Қараб қўяр бўйига.  
 Каравотда ётишар  
 Василий билан Анор.  
 Зиёд-чи? Ўтда пишар,  
 Сиқилар, кенг дунё тор.

В а с и л и й

Йўқ, борасан!

А н о р б о й

Борасан!  
 Сен албатта, бор, дўстим!  
 Сен бормасанг, борар ким?  
 Агар бормай қолсанг сен  
 Бўлади жуда уят!  
 Ошналар бўлиб „қози“,  
 Зиёдни зўрладилар...  
 Анорбой туфлисини  
 Кийишга бўлди рози.  
 Зил этикда эзилмай,  
 Енгил бўлди оёғи.  
 Бўйнида ёниб турар  
 Товуспат бўйинбоғи.

Оёғи қилди роҳат,  
Чўнтагида ўша хат...

## XI

Қўшнай — у бир жуфт қамиш...  
Бўйрачи қарар шундай.  
Созанданинг лабида  
У ажиб сеҳрли най...  
Игна — чевар қўлида  
Матога ипак санчар.  
У гўдакнинг қўлида  
Ўткир, даҳшатли ханжар.  
Бир игна билан тикмоқ  
Мумкин мардга чопонни,  
Бир игна билан чатмоқ  
Мумкин совуқ кафанни.  
Шоир у севилса — бахт.  
Қаламу қалби билан,  
Йиғлатмоғи ҳам mumкин,  
Кулдирмоғи ҳам mumкин,  
Шоир халқи ҳамма вақт  
Юраги билан яшар,  
Юрак билан ўйнашар,  
Шоирлар шундай азал.  
Адиба севгиси ҳам  
Зиёд бор учун гўзал.  
Булбул қабристондамас,  
Булбул гулзорда гўзал.

## XII

Севишганлар қўлида  
Гул сўлмай яшар замон.  
Гул ишқсизлар йўлида  
Тўкилган бир тўп хазон.  
Зиёд гулдаста олди,  
Ҳидлади уни пича,  
Сўлмасин деб тонггача,  
Идишга — сувга солди.  
Гулдастани хидлар-да

Гулга тикар кўзини.  
У ўпгандек бўларди  
Адибанинг юзини.  
Ўз-ўзига сўз дерди,  
Хаёли учар — оққуш.  
Баъзан кўпаяр дарди,  
Баъзан кўрар ширин туш.  
Ўпичнинг лазиз тоғи  
Бир марта теккан лабга.  
Далада, бир қиз оти  
Яширинган эди қалбга.  
Бунга бўлган анча вақт,  
Узоқ қишлоқ, бир оқшом...  
Кичик эди. Гўё аҳд  
Ила боғлаб у паймон  
Ўпганда Ўғилойни,  
Ўпгандек бўлган ойни. .



## Саққизинчи боб

### I

Адиба ғоятда шод,  
Орзу бұлгандай кушод —  
Ойнага қарар эди,  
Сочини тарар эди...  
Шер ёли каби бароқ  
Сочига ўтмас тароқ.  
Қора эди қундуздай,  
Кўзлар чақнар юлдуздай.  
Қоши туташ, пайваста,  
Чимириб қўяр аста.  
Гўё тез бұл дегандай,  
Чиқ-чиқ... билакда соат.  
Ойнага боқар, ойдай.  
Қилмагандай қаноат,  
Ҳалпиллаб қолар енги.  
Атлас товланар ялт-ялт,  
Кеча тикилган, янги.

### II

Крепдешин кийсинми?  
Нима кийсин, қайбирин?  
Ажойиб кўйлақларин  
Олади бирин-сирин.  
Шу пайт, ёнида гўё  
Дугона бўлиб пайдо,  
Чиққандай булар садо:  
„Адиба, буларни еч!  
Товус бўлмоғлиқдан кеч.

Қолсин у расм-русим,  
Соддалик ўзи ҳусн".  
Гарчи хуш келмаса ҳам  
Маросим, ғала-говур...  
Нечундир севинч ҳамдам,  
Қувонар профессор.  
Бугун у қушдай енгил,  
Боши ҳам оғримайди.  
Ўтибди ўн саккиз йил  
Туғилган кун — кечайди...  
Йиллар ўтибди бир-бир,  
Қўзни юмиб очгунча.  
Ўтибди шунча умр,  
Гуллабди митти ғунча.

### III

Кечагинамасмиди,  
Қатнаган Тахтапулга...  
Ўзбекларнинг расмида,  
Гўдакни олиб қўлга,  
Уйқуда қиқир-қиқир  
Кулганда туф, дегани.  
Уйда айланиб гир-гир,  
Суйиб, эркалагани.  
Шунча тез ўтибди-да,  
Умр деган оқар сув.  
Умр чопади жуда,  
Тутқич бермас сира у.  
Профессор бугун тетик,  
Қувнади, дили тошди.  
Телефонда туриб тик,  
Ярим соат гаплашди.  
Иван Васильевични  
Таклиф этди меҳмонга.  
Бир тўлқин қоплаб ични,  
Сигмай қолди жаҳонга.

### IV

Бугун Зулайҳохонга  
Тенг киши йўқ дунёда.

Сигмай кетди жаҳонга,  
Бахти бўлиб зиёда.  
Какликдаги тирноқдек  
Тирноқлари қип-қизил.  
Қулоқда шапалоқдек  
Олтин сирғалари зил.  
Бўйнида ўн беш қават,  
Осилганди шода дур.  
Сочи ҳурпайган — сават.  
Билак сертомир — ғудур.  
Қўшни хотинлар чиқиб,  
Қилишар эди ҳашар.  
„Ой деганда ойсиз...“ деб,  
Тоza уни „мақташар“.  
Киприклар қайрилибди,  
Чапланган юзга упа.  
Кўйлак битмай қолибди,  
Машиначидан хафа.  
Хотинлар ҳовлиқишар,  
Ўчоққа ўт ёқишар,  
Тинмас тахта-ўқлоғи,  
Профессорнинг қулоғи  
Битарди чуғиллашдан,  
Ҳуши учарди бошдан.

## V

Ола қарға қағ этар.  
Ўз вақтини чоғ этар...  
Наинки бир севиниб  
Қўя қолса Зулайҳо.  
Маросимда семириб  
Кетар. Тўй-ҳашам ёқар.  
Бундай маросимларни  
Сотиб олар тиллага;  
Ҳашам унинг тилаги.  
Тўю маърака кун  
Зарга тўлар билаги.  
Фароғатхон келади —  
Министрнинг хотини.  
Юрак орзиқиб тушар  
Такрорларкан отини.

Талъат ҳам келар албат,  
Келмаса бўлар хафа.  
Уни ёқтирар ғоят  
Бизнинг Зулайҳо опа.

## VI

Кечқурун бирин-сирин  
Меҳмонлар кела бошлар.  
Ажабланишар, нечун  
Кечикиб, қолди ёшлар?  
Катталар ўтирар тахт.  
Уй тўла, жамоат жам.  
Оғир карвонлар ҳеч вақт  
Шошмас ҳам, кечикмас ҳам.  
Ҳамма келди-ю, лекин  
Яна битта киши йўқ!  
Ҳеч ким билан иши йўқ —  
Адиба юрар секин,  
Гоҳ сохта кулар секин  
Тик этса у ўша дам  
Чиқиб келар эшикка.  
Нега у олмайди дам,  
Ўтирмас, турар тикка.  
Ичкари уйга кирар,  
Ўзи ҳам билмас, нега?  
Дераза пардасини  
Очиб, қарар кўчага.  
Бир керак нарсасини  
Йўқотгандай... У нега  
Хомуш юрар очилмай?  
Гуллар каби сочилмай?  
Ит вовиллар ҳовлида,  
Тушар қалби орзиқиб  
Эшикни очар чиқиб,

А д и б а

Э... бормисиз, ахир?

У,  
Гапирар эркалиниб.

Шодликдан бир зумдаёқ  
Дудоқлар кетди ёниб.  
Зиёд унинг қўлига  
Гулдастани тутаркан,  
Гулни босар кўксига,  
Юзлари худди гулшан,  
Ноз ила эркаланиш  
Қучган бор вужудини,  
Бир завқ маст қилган уни.

„Марҳамат, ичкарига  
Юринг мен билан!“  
Гоҳо  
У „Сиз“ларди ва нечун  
Исмини айтмас унинг?

З и ё д

Табриклайман!  
(Адиба,  
Бир дам тикар кўзини,  
Олов қоплар юзини).

А д и б а

Раҳмат. Юринг мен билан!  
(Улар уйга киришар)  
Валя!  
(Ялт этиб қарар)  
Жой кўрсат, қани, илдам!

## VII

Уй ёруғ. Катта стол  
Тула нозу неъматга.  
Винолар ҳам жуда мўл,  
Зиёфат бекаму кўст  
Татирлик мамлакатга.  
Меҳмонлар ўтиришар,  
Ниманидир кутишар,  
Баъзан тирноқ-ла аста,  
Чақишар хандон pista.

Кимдир трубка чекар,  
Кимдир суратга боқар.  
Зиёд кириши билан,  
Унга бирдан қарашар.  
У қизарар, қизариш  
Ўзига бир ярашар.

### Валентина

Танишинг, бу, Зиёдjon —  
Адибанинг курсдоши.  
(Жой кўрсатади шошиб).

### Зулайхо

„Келдими?“  
У югуриб  
Чиқади ошхонадан.  
Меҳмонхонага кириб,  
Чақар хандон пистадан.  
„Марҳамат, ҳа олинглар...“  
Дер, қилгандай илтижо,  
Шимарилганди енглар,  
Ўтирар, кўзлар бежо,  
Кўрмагандай кузатар  
Зиёднинг ҳаракатин.  
Узоқ боқар... Кўрсатар  
Зулайхо ўз „санъатин“.  
„Шуми ҳали Зиёди?  
„Ва-а“... деди у ичида.  
Қизимнинг фикри-ёдин  
Тортиб олибди жуда!  
Нимаси ёқди экан?  
Диди қаёқда экан?!  
Нимаси қилди шайдо?  
Бу қандай гап?! Қандай кун!  
Уста тиринка костюм...“

### VIII

Адиба чўкар келиб,  
Зиёд ёнгинасига.

Бўтилкани кўтариб,  
Қуяди рюмкасига.  
Валяга қилар ҳазил,  
Шодлик енган уятни.  
У негадир қип-қизил —  
Шарм бўғар Зиёдни.  
Тикиларкан Зулайҳо,  
Гўё бирдан ўртанди:  
„Адиба — ҳурилиқо,  
Зиёд — қишлоқиянди“.  
Талъатжоннинг Зиёддан  
Ўлса ўлиги ортиқ.  
Ёш-да... Ишқи кўзида...  
Мунча бўлди ош-қатиқ  
Шу йигит билан қизим?

Т а л ъ а т

Анор келмадими?

З и ё д

Йўқ.

Узр сўради, у банд.

Т а л ъ а т

Ол, дастурхонга қара,  
Ана сомса, асал, қанд...  
Зиёфат — ичмак, емак.  
Хоразмда ҳам булар  
Жуда кўп бўлса керак?

З и ё д

.....

Т а л ъ а т

Э-ҳа, қаёқдан олдинг?  
Туфлигинг чиройлиг-а...  
(Зиёд лом-мим демади,  
Жим тикилди чойнакка.

Пайқаб қолиб кинини,  
Қилмади асло араз.  
Талъатнинг юрагини  
Билди. Бор экан ғараз.)

## IX

Кекса Иван Василич,  
Қувноқ ва серзавқ киши.  
„Қўшиқ-мўшиқ йўқми ҳеч,  
Айтсаларингчи ёшлар!“  
Доцент Каримов шу пайт  
Фингиллаб қўшиқ бошлар.  
Сўнг қарар Адибага;  
У қўзғалар ўрнидан —  
Тўлғанар, бошда хаёл.  
Бориб очади шу дам —  
Тилга киради рояль.  
Майин, дилрабо оҳанг,  
Қоплар бирдан хонани.  
Бармоқлар яратар тонг,  
Завқлантитар онани.  
У тўхтар экан, бирдан  
Гуриллар чапак, „Яша!“  
Зиёд кўзини ердан  
Олар, унга қарашар.  
Нега унга қарашар  
Валя ҳам, Каримов ҳам?  
Ўнгайсизланар, шошар,  
Бошида ўйлар мубҳам...

## X

Зиёд хаёлга ботди,  
Ҳаловатин йўқотди...  
Талъат-чи, Адибанинг  
Ўралашар ёнида.  
Ялинар: „Чалинг, чалинг“  
Қоғоз узатар пинҳон.  
Адиба олар, ҳайрон.  
Очар, — бағишланган шеър;  
Таажжуб... „Бу нима?“ дер.



## XI

„Зиёддан эшитайлик!“  
Шангиллар бирдан Талъат,  
Зулайҳо қулоғига  
Бир нима дер шу фурсат.  
„Сўраймиз, қани, қани!“  
Кулар: „Билмайман, ростдан!“  
„Оббо қара-е сани!“  
Талъат зўрларди қасддан.  
Зулайҳо дер Талъатга:  
„Бир қамчи яхши отга...  
Овни отсанг билиб от,  
Дол нишонга илиб от!..“  
Зиёд қизарар, секин  
Талъат томонга юрар.  
Чақнар кўзида чақин,  
Пичирлаб у гапирар:  
„Гапни тўхтат, олифта!“  
Оқариб кетар афти...

## XII

Лабларидан қочди қон,  
Қилмоқ-чун юзни пинҳон,  
Буралиб қарар эди  
Девордаги суратга.  
Тингламасди, кар эди...  
Қарамасди Талъатга.  
Адиба сизди. Зиёд  
Турарди феъли айнаб,  
Чунки дил-дилга ойна.  
Ёнига келди шу дам,  
Етмади ортиқ чидам.

### А д и б а

Аччиқ чой келтирайми?  
„Тошкент суви“ берайми?

### З и ё д

Раҳмат.

Кимдир гап ташлар пича:  
— Хоразмликлар ҳечам  
Ўйин билмаси бўлмас.  
Зиёддон Хоразмча  
Ўйин қилмаса бўлмас!

Зиёд кулди. Табассум  
Қоплади чиройини.  
Қиз ҳам шодланиб, сўлим  
Бир куй чалар киройи.  
Сўнг, роялни ёпаркан,  
Зиёдга шод боқаркан,  
Бир нафасга қолар жим...  
Бу дам Каримов, Зиёд  
Рюмка жаранглатишар.  
Бу уйнинг бахти-чун шод  
Аччиқ коньяк ютишар.

Сўнг янграр „Ҳа-ҳа...“, чапак...  
Зиёд тушар ўртага.  
Алиб мисоли чечак —  
Ишва қилар жўрттага;  
Талъат кўриб қўйсин деб,  
Бағрин алам ўйсин деб.  
Бургутдек ёзиб қанот,  
У даврани айланар.  
Ер тепинар — гижинг от,  
Қўлларини кўтарар.  
Чапакларга ҳамоҳанг,  
Новда каби елпинар.  
Қуш боласидай гоҳо,  
Қанот қоқиб талпинар,  
Кўзларида бор оташ,  
Титрайди абжир бадан.  
Қошлар чимирилар — туташ,  
Гоҳ ташлар шахдам қадам...  
Гоҳ Амуга чўккандай,  
Тўлқинларга ёпишар.  
Гоҳ шерга йўлиққандай  
Қилич қўлда, чопишар.

— Отанга раҳмат, шоввоз,  
Бопладинг!— дер Каримов.  
— Ўйин биламиз оз-моз...

Ҳайратда қолди барча.  
Ўйин — қизиқ, қиёмат...  
Бўшашиб, секин Талъат  
Ўтирар креслога...

З и ё д

Рухсат этсангиз, кетай.

А д и б а

Барвақт-ку ахир, нега?  
Аччиқ чой ичинг қиттай.

З и ё д

Раҳмат.

У чиқа бошлар  
Коридорга ёнма-ён.  
Зулайҳо нигоҳ ташлар  
Югуриб келар шу он.  
Хайрлашишар.. Зиёд  
Бағрида ўт ловиллар.  
Ҳовлида ит вовиллар.

А д и б а

Тўхтанг. (У тўхтар бир дам,  
Яқин борар ёнига.  
Сўрайди етмай чидам)  
Хафа бўлдингиз нега?  
(Зиёднинг ушлар қўлин  
Қўйиб юбормас, маҳкам.  
Кўзларини тиккан жим,  
Кўзларида бордир ғам).  
Нима гап? Айтинг? Нега?  
Зиёд жим. Чексиз кўкда  
Жимирларди юлдузлар,  
Тикилиб тура берар,  
Узилмас кўздан кўзлар.  
Бир эумдан сўнг у қўяр  
Бошин Зиёд кўксига,

Берилиб қулоқ солар  
Қалбининг тепишига,  
Ростданми қалбга эга?  
Дук-дук урган қалблардан  
Ортиқ сабр йўқолди.  
Қалбга жасораг солди.  
Бирдан уни қучди-ю.  
Лабларга босди лабин,  
Бир зумдан сўнг бўшатди.

У Зиёд ёқасига  
Тиқилар, уйнар уни...

А д и б а

Сен хафа эмасмисан?

З и ё д

Йўқ. Сен-чи?

А д и б а

Мен ҳам.

З и ё д

Хайр.

А д и б а

Хайр...

## **Тўққизинчи боб**

### **I**

Ҳаво булут, йўқ ёмғир,  
Бўғарди асабларни,  
Қон қиларди қалбларни,  
Адиба бугун оғир.  
У институт томон  
Тура солиб чопгуси,  
Зиёдини топгуси,  
Келарди шу дам, шу он.  
Аммо бугун — тиним кун...  
Эртаси у саҳарлаб,  
Кетди институтга.  
Чопарди йўлда терлаб,  
Тани айланди ўтга.  
Чунки у билар, Зиёд  
Ҳар кун барвақт келишин,  
Ёмғир ёғар, кўнгли шод...  
Унутибди калошин.  
У келганда йўқ ҳеч ким,  
Аудиториялар бўм-бўш.  
Зина, коридорлар жим,  
Мунча барвақт келди, хўш?

### **II**

Ҳали сўнмаган эди  
Шаҳарнинг чироқлари.  
Тонг оқармаган эди,  
Жимжит эди боғлари.

Ҳамма ёқ жимжит, ахир  
Бунча келмаса эрта!  
Фақат шитирлаб ёмғир,  
Тулука томни чертар.  
Ҳовлига чиқар, гўзал  
Фонтан ҳам отилмас, жим.  
Негадир, гўё бу гал  
Ёмғирга бўлган таслим.  
У тикилар сувдаги  
Пуфакчаларга ўйчан.  
Сиқиларди юраги,  
Зиёд келади қачон?  
Бунда, скамейкада,  
Фонтан ёни, чеккада  
Баъзан ўтиришарди,  
Қаҳ-қаҳлаб кулишарди.

### III

Қалби шув этиб кетар,  
Зиёд келиб қолгандай...  
Қарар ва яна кутар.  
Келиб қолса, у қандай  
Бошласа экан сўзни?  
Адиба чоғлар ўзни,  
Ҳазилданми у бошлар,  
Ёки жиддий бирон гап?  
Ўйлар, бошини қашлар:  
„Қани бир яхши сўз топ!“  
Ё кўнглида бормикан,  
Бир хафалик? Ким билар.  
Мен каби, истармикан.  
Сўзлашмоқни мен билан?

### IV

Кела бошлашар аста,  
Курсдошлар бирин-сирин.  
Адиба турар пастда,  
Ким биларди қалб сирин.  
Коридорда юришлар,  
Бошланар ғала-ғовур.

Чугиллашади қизлар...  
Мармар зинадан сокин,  
Тевага чиқар излаб.  
Кимни? Қўй кўз йигитни.  
Ўшани, Зиёдини...  
Чўчир, айтиб қўйгандек  
Севиклининг отини.  
Юрар коридор бўйлаб,  
Ҳамма бор, аммо у йўқ.  
Адиба қолар ўйлаб —  
Ёмон ўй — тагсиз қудуқ,  
Қаърига тортиб кетар,  
Бир мушкул ортиб кетар.

## V

Кимдир кулар, Адиба  
Ялт этиб боқар шу дам.  
Кулкиси — кулкисига  
Ўхшар экан жуда ҳам.  
Ҳамма бор, наҳот у йўқ!  
Наҳот у йўқ! У беғам!  
Дилда унга урар дўқ.  
Аччиғи келар ёмон.  
Қўнғироқ ҳам чалинди,  
Шов-шувлар бирдан тинди,  
Ундан ҳамон йўқ дарак.  
Адиба бағри ёнар,  
Ошиқа бошлар юрак.  
Касал бўлиб қолдими?  
Қалбга тушди ғулғула.  
Ўқишдан сўнг, ётоққа  
Кириб ўтди бир йўла.  
Вахтёр хотин ҳам билмас,  
Бош гангиди худди маст.

## VI

Уйга қайтди... „Сув ичгим  
Келар ая, муздай сув!“  
Сабри чидамай оғзин  
Кранга тутади у.

Ғарқ одамдек нафаси  
Тушиб кетар ичига.  
Энтикар, чиқмай саси,  
Юздаги кулгичига  
Бирдан қўнар табассум.

### З у л а й ҳ о

Хой, эсингни едингми?!  
Терлаб келиб нега сан  
Муздек сувни ичасан?  
(Она бирдан тутақар).

### А д и б а

Хўп, ичмайман, аяжон.

### З у л а й ҳ о

Терлаб келиб сув ичар  
Одатинг йўқди, болам!  
Юрагинг нега куяр?

### А д и б а

Билмайман ҳеч, аяжон..

## VII

У тураркан эрталаб,  
Кўрар — ҳамма ёқда қор...  
Совуқ ел ўтар ялаб,  
Жимжит ва муздек наҳор.  
Қор ҳам ўз қорлигини  
Ҳеч қилмай қўймас экан.  
Қор гул эди-ю, лекин  
Бир нима ботар — тикан.  
Ҳамма ёқни қор босмиш,  
Шохларга уқа осмиш.  
Деворлар тепасига  
Каллақанд қўндирибди.  
Анҳорлар ёқасида  
Оппоқ чаман қурибди.



Янги из солиб йўлдан,  
Ўтиб қолар машина.  
Қор тўкилар шохлардан,  
Йўллар гўзал ва шинам.  
Аравани тортар от,  
Қор ҳидлаб, ялқовланиб,  
Қорда қизирти ҳаёт,  
Ишчилар борар ёниб.  
Адиб дилича баҳор,  
Борар, қўлда портфели.  
Кипригига қўнган қор,  
Юзга урар қор ели.

## VIII

Бугун ҳам йўқ. Тушунмас,  
Не гап ўзи: У қайда?  
Хаёлга чўмар бирпас,  
Зиёд бўлгандай пайдо —  
Ёнига қарар эди,  
Ёрни ахтарар эди.  
Катта аудиторияда  
Гўё ҳеч кимса йўқдек,  
Анор-чи? Жим, тўғрида,  
Ёзар, нигоҳи ўқдек,  
Баъзан қадалар унга.  
Касалхоналами у?  
Сўз тикилар ҳалқумга,  
Юрак бирдан этар шув.

Адиба

Зиёд қани? Кўринмас...

Анорбой

„Молния“ келди. Оғир  
Ётган эмиш онаси.  
Чўғ бўлди юрак-бағри,  
Қизиди пешонаси.  
Шошилиб қолди шу дам,  
Фикр келмай мняга.

Деҳқонбой деган одам  
Қўл қўйган „молния“га.

А д и б а

Кейин?

А н о р б о й

Кейин жўнатдим.  
У, учиб кетди кеча.  
Шу кунларда ўзи ҳам  
Бетоброқ эди пича..  
У балки келмас қайтиб.

А д и б а

Шундай деб... Сизга айтиб?..

А н о р б о й

Йўқ, айтмади, мен сездим.  
(Изоҳ беради тезда),  
Укалар етим қолган,  
Улар ҳали ёш, ҳа-да.  
Отаси йўқ, у ўлган,  
Бир бош киши йўқ уйда.  
Бир куни шундай деган.

У чиройли бошини  
Хомуш эгиб турарди,  
Кўксига телмиарди,  
Чимиарди қошини.  
Унинг учқур ўйлари  
Зиёддон орқасидан  
Шамолдек югурарди,  
Узоқ Хоразм сари...

...Ишқнинг жўшқин умиди билан  
Сенга ўхшаш ёнганман мен ҳам.

*Некрасов*

## **Ўнинчи боб**

### **I**

Ким севса, у бой одам —  
Қалби тўла хазина.  
Севги мардликка ҳамдам,  
Инсонга кўрк ва зийнат.  
Романимда ишқ тили  
Ҳар вақт бурродир бешак.  
Ишқи йўқ дил—мол дили,  
Дарди йўқ дил—у кесак...

### **II**

У телефон қоқади:  
„Алло! Бу — мен, аъжон.  
А? Хат келди? Зиёддан?  
Ҳозир кетдим...“ Шу замон  
Трубкани қўяру  
Қалбин урар ҳаяжон.  
Босгандек кучли қўрқув,  
Оқариб кетар лаби  
Ва дук-дук урар қалби.  
Бир дамда шошиб-пишиб,  
Хайрлашар, кийинар.  
Шошганидан адашиб,  
Ўзганинг шляпасин  
Чаккасига қўндираар.  
Қизлар ҳайрон: нима гап?  
Нега у энтикади?

Қизларга у бериб чап,  
Нимага куз тикади?  
Нечун югуриб чиқар  
Силжиган трамвайга.  
Нима учун ошиқар,  
Адиба шошар қайга?  
Шошмас эди ҳеч маҳал,  
Нега югурар жадал?

### III

У қандай қилиб уйга  
Келиб қолганин билмас.  
Асфальт йўлчалар бўйлаб  
Юриб, толганин билмас.  
Маркс кўчасидаги  
Чорраҳадан ўтдимми?  
Атлас кўйлак этаги  
Илашиб кетмадимми,  
Чопқир машиналарга?  
Қандай ўтиб кетдикан?  
Ҳатто нафас оларга  
Вақт бўлмади. Каттакон  
Кўприкка ҳам боқмабди.  
Шошгандан кўксидаги  
Тугмани ҳам тақмабди...

### IV

Кира солиб столдан  
Конвертни олар, очар.  
Негадир кетиб ҳолдан  
Бирдан ўтирар ночор.  
Зулайҳо қизиқмади,  
Тортмади бу хат уни.  
Гўё унга аниқдай,  
Зиёд хатин мазмуни.  
Адиба ўтирар жим  
Духоба креслода.  
Севар эди уни ким  
Ёлғиз, ёруғ дунёда?

У шимарар енгини,  
 Қўлда ҳаво ранг конверт.  
 Конвертга қарайди-ю,  
 Сезмас эди рангини.  
 Очар. Ўқир... Ишонмай  
 У яна боқар хатга.  
 Чиндан ёзганми шундай?  
 Наҳот ташлайди ўтга!  
 Вужудини босди муз,  
 Биттагина, битта сўз...  
 Наҳотки энди „ўртоқ“  
 Деса у Адибани?  
 Қиз тоқати бўлди тоқ,  
 Титраб кетди бадани.  
 Нега илгаригидай  
 „Қадрли“ демас, нега?!  
 Чидай олсинми бунга,  
 Наҳотки ёзса шундай?

## VI

„...Биринчи бор мени „сен“  
 Деб атаган кунда мен  
 Қанлай қувонган эдим,  
 Сенга суянган эдим.  
 „Сен“ деган сўз нақадар  
 Бўлганди менга ширин.  
 Берганди гўё мадор,  
 Очганди юрак сирин.  
 Бу „сен“ деган сўзда мен  
 Кўргандим ўз бахтимни.  
 Сизгандим шу кезде мен  
 Жўшқин муҳаббатимни.  
 Нега энди „сен“ демас,  
 Узоқлашар қалбимдан?  
 Аввалги Зиёд эмас,  
 Узоқ кетди... Қолдим мен.  
 Ёки севмай қолдими?  
 Бу — ўлимдан ҳам ёмон!  
 Ўзга қўлни олдими?

Ўзга севги галаён  
Қилдими юрагида?  
Бормиди тилагида...  
Йўқ! Йўқ! У, шундай бўлса  
Сўнар чўғ каби орзу...  
Ўша фурсат мен ўлсам!  
Ўша фурсат мен эриб  
Бўламан бир қошиқ сув.  
Севолмасдан жон билан,  
Ўламан армон билан.

## VII

„Кўксим харсанг тош эди,  
Қалин эди ва совуқ...  
На ўт эритоларди,  
На теша оларди ўқ.  
У оқшом сен қўйдинг бош,  
Менинг харсанг кўксимга.  
Лабимда лабинг тотди.  
Юмшатди бўлса ҳам тош  
Ишқ ўтин ҳарорати.  
Юзларинг ботди, харсанг  
Кўксим узра солиб из...  
Кўксимда тасвиринг бор,  
Мангу биргасан!“

## VIII

Шеърни  
Берганди унга Зиёд.  
Ёдлаб олганди уни.  
Ўқир эди бийрон, шод.  
Ўқир эди қувониб,  
Ўқир эди гўё илм,  
Ўқирди баъзан ёниб,  
Баъзан хаёл суриб жим.  
Ўқиб завқланар ғоят,  
Эркаларди мисралар.  
Келгандай бўлар Зиёд,

Ёнгандай минг чироқлар...  
Ростми булар? (Ўйлайди.)  
Эҳ, бўлсайди ёнимда!  
У мени севар эди,  
Бари, бари ёдимда!

## Ўн биринчи боб

1

Гуриллаб чошиб бирдан,  
Самолёт учди ердан.  
У Зиёдни кўтариб,  
Олиб чиқди булутга.  
Булутни ҳам чорт ёриб,  
Учди қуёшга тикка.  
Шивалаб ёққан ёмғир  
Пастда — узоқда қолди.  
Оқ уйлар, анҳор ва йўл...  
Тамом кўздан нўқолди.  
Пастда кенг қўнғир дала,  
Кўринмас ҳеч поёни.  
Кўринмас чақмоқ, жала —  
Булутлар ғалаёни.  
Тепада қуёш порлар,  
У учар беҳавф-хатар.  
Еллардан устун келиб,  
Мяғрур гувиллар мотор.  
Эртакка ўхшар эди,  
Эртакдан ҳам ғаройиб.  
Самолёт учар эди,  
Кумуш қанотин ёйиб.  
„Учар гилам“дан кўра  
Минг бор тез учар гўё.  
Балки у бир туш кўрар?  
Йўқ, бу эмасдир рўё!  
Етай деб у осмонга



Вагилларди пўлат қуш.  
Узоқ Хоразм томонга  
Тезроқ уни олиб туш!

## II

Жон бериш азоб-ла  
Балки кутмоқда она.  
Наҳот ёниб, жизгинак  
Бўлмоқда у парвона...  
Яна шамол ва туман,  
Қоронги кечасимон.  
У юмшоқ креслода —  
Ўтирарди ҳавода.  
Ташлаб юборар пичи,  
Шувиллаб кетар ичи.  
Гўё ғазаблангандек  
Паррақлар ғажир елни.  
Мотор тажанг... самолёт,  
Шўнғиб ахтарар ерни.  
Пастлашар аста-аста,  
Ойнадан қарайди у.  
Пастда илон изидек  
Буралиб оқар Аму.

## III

Булутни ёриб тушган  
Қуёш нури ярқирар.  
Далаларга туташган —  
Далаларим барқ урар.  
Гугурт қутиси каби  
Уйлар ҳам бўлди пайдо.  
Ана, қишлоқ мактаби.  
Тепалар чопар яйдоқ...

Урганч устига келиб,  
Шаҳардан бир айланар.  
Текис ерлар устига  
Югуриб келиб қўнар.

#### iv

Самолёт гувлашидан  
 Кириб борди азага.  
 Ҳуши учди бошидан,  
 Ўзини тутди зўрға.  
 Бир дамдан сўнг ўкириб,  
 Йиғлаб юборди Зиёд.  
 Хотинлар уни куриб,  
 Яна кўтарди фарёд.  
 Қизлар аччиқ ёш тўкар,  
 Ёш қалблар бўлар бирён.  
 Лекин, энг кичик ука  
 Жавдирар, турар ҳайрон.  
 Аза белбоғи белда,  
 Нега уйнамас бу дам?  
 Йиғлашини ҳам билмас,  
 Йиғламаслигини ҳам...

#### v

Қишлоққа келиб Зиёд  
 Гунгурсдек оғриб қолди.  
 Йўлда ўзин эҳтиёт  
 Қилмабди, дард чанг солди.  
 Она вафот этибди...  
 У михланди тўшакка.  
 Икки дард оташида  
 Зиёд қоврилди якка.  
 Йигит чўзилиб ётса,  
 Қандай хунук ва аянч.  
 Юрак дерди: „Ур ва янч!  
 Гурзи муштум-да дардни!“  
 Уролмас эди Зиёд,  
 Дард чақиб қўйди уни.  
 Биқин санчар, иситма  
 Ёндирарди ҳар туни.

#### vi

Кирган „шоми ғарибон“  
 Уй ичра бўлди ҳоким.

Ўлик чиққан ҳовли жим, —  
Ўксиз мудрарди ҳар ён...  
Йиғлаб, бўғилиб, ҳориб  
Ухлаб қолди сингиллар.  
Дарз коса каби диллар  
Жа англамас, хафақон...  
Келган қариндошлар ҳам,  
Қўшнилари ҳам жўнаган.  
Кўзлар ҳам қуруқ, бенам,  
Уй мазордек жимиган.  
Уч сингил ва бир ука  
Айвончада ухлашар.  
Уйқуда чўчир, ҳуркар,  
Бўғилиб, пишиллашар.

## VII

Зиёд турар. Тўғрилаб  
Қўяр ука кўрпасин.  
Сезмасин деб шарпасин  
У оёқ учи билан  
Юриб ҳовлига чиқар.  
Костюми елкасида —  
Ёққан каби совуқ қор,  
Қалтирар эди жула.  
Булутлар тарқалишган,  
Кўкда губор йўқ қиттай.  
У уйлар, боши шишган,  
Кўкда ёлғиз тўлин ой.  
Бориб аста тункага  
Ўтирар, боши қуйи.  
Ўй уйлар, узоқ уйи.

## VIII

Амудан келган чопқир  
Еллар тинмай гувиллар.  
Кўппаклар ярқираган  
Ойга қараб вовиллар.  
Кафтида унинг бёши,  
Ерга тикилар хомуш.

Кўзда қуриган ёши,  
Бари бўлиб қолса туш...  
Худди шу пайг очилиб  
Кетар бирдан кўзлари.  
Эшитилгандай бўлар  
Деҳқон ота сўзлари:  
„Руҳи сўлғин кишидан —  
Путур кетар ишидан,  
Ўзингни тут, Зиёддон!“

## IX

Ҳадемай ўтди бир ой,  
Зиёд ётади бетоб.  
Ўқий олмади қиттай,  
Токчада дафтар, китоб.  
Усиз оила бир оз  
Қийналиб ҳам қолибди.  
Бу уйда тошу тароз  
Анча енгил тортибди.  
Дард эмас, уй аҳволи  
Солди уни ташвишга.  
Узоқ учди хаёли...  
Тушмоқчи бўлди ишга.  
Тезроқ тузалиб, бардам  
Эски ишига тушар.  
Зурласалар ҳам ҳар дам,  
Эшитмас, у бўлар кар.

## X

Қуёшни кўрмоқ бўлсанг,  
Ухлаб ётма, тонгда тур!  
Аму бўйидаги тонг,  
Аму устидаги нур,  
Чиройлидир нақалар  
Бир нимани сездими,  
Ота келди ҳалпиллаб,  
Бир ниманинг жазмида  
Гап очмай тура берди...

Жарроҳлар тиғдан аввал  
Қўл уриб кўрар танга...

## Деҳқонбой ота

Келишдан мақсад бу гал,  
Маслаҳатим бор санга.  
Бу йили ҳам Тошкентга  
Икки йигит, бир қизни  
Юбормоқ ўйимиз бор.  
Ўқимоқ керак зинҳор!

З и ё д

. . . . .

## Деҳқонбой ота

Соғайиб қолдинг, бўтам,  
Қачон Тошкент жўнайсан?

З и ё д

Уйда йўқ бир бош киши.

## Деҳқонбой ота

Тўғри, сен уйингга бош,  
Бош бўл ўзинг, жигарим.  
Отанг изин йўқотма!  
Укаларга ота бўл,  
Оталарга бўл ўғил!

З и ё д

Ога, кўп ўйлаб ўзим  
Қарор қилдим: бормайман!  
Ишлайман, бор колхозим.

## Деҳқонбой ота

Йўқ! Сен ўйлабсан хато!  
Йўл топибсан кўп осон.  
Болам, мени ҳам ҳатто  
Бир карра ўйламабсан.  
Тўғри, бир оз қийналдик,  
Ҳозир ўнгланди колхоз.  
Йўқ, сен қайтгил ўқишга!  
Бу, мен — отангнинг фикри!

Бутун қишлоқнинг фикри,  
Билиб қўй, райком фикри,  
Укалар ҳимоямда.  
Санама ошна сонин,  
Сифатида кўп гап бор...  
Бор, болам, Тошкентга бор,  
Айни ўқийдиган пайт.  
Биз ҳамма вақт сенга ёр,  
Ўғлим, билим олиб қайт!  
Ҳали қишлоқда иш кўп,  
Орзулар ҳам кўп жуда.  
Тер тўкамиз ҳали хўп,  
Ҳали бор қанча режа.  
Йўлладик, қилиб ҳавас  
Ўқи, кўрсат чин кучинг.  
Бир ўзинг учун эмас,  
Ўқийсан бизлар учун,  
Бориш-бормаслик болам,  
Эмасдир ўз қўлингда.  
Бор, учраса қандай ғов —  
Тўсиқ бўлса йўлингда,  
Барин олиб ташлаймиз!  
Қуруқ савлат — буш сават,  
Бефойда силлиқ сиртинг.  
Эл сўзи — ақлинг кўзи,  
Така бўл, бўлсин сутинг!  
Тутгин илм этагин,  
Ўқиш сенларга лойиқ!  
Кўрдик, ўқимаганлар —  
Қумларга ботган қайиқ...  
Китоб у тилсим сандиқ —  
Дерлар, — жавоҳир тўла,  
Қўл эмас, фикрингни тиқ,  
Фикринг олар бир йўла.  
Бор болам, Тошкентга бор!

## Ўн иккинчи боб

### I

Профессорнинг кенг, кўркам  
Ҳовлиси жимжит мудрар,  
Бир жуфт товус осуда...  
Ҳовуз. Оппоқ булутлар  
Сузишар эди сувда.  
Гулзор мисоли палак;  
Бахмал барглар товланар.  
Бир эринчоқ капалак  
Лапанглар, учиб қўнар.  
Чорси ҳовуз четида  
Улкан мажнунтол турар  
Ва бир туп баланд жийда;  
Барглари худди нуқра.  
„Хосиятсиз“ деб Зулайҳо  
Кестирмоқ бўлган толни.  
Профессор бўлиб фиғон,  
Бузган бундай хаёлни.  
У сувдаги булутга  
Кокилин ташлар эди.  
Зулайҳонинг, нечундир,  
Кўнглини ғашлар эди.

### II

Самарқандча, том бўйи  
Сўри ташларди соя.  
Тўқима креслони  
Кўтариб чиқиб боя,

### III

У ўтирар, бош қуйи.  
Жомдаги илиқ сувда  
Оёғи — рангпар, ориқ...  
Бугун қандай қўрқувда?  
Қаерида бор оғриқ?  
Пешонасин тангибди,  
Буялган соч паришон —  
Тагидин чиққан миси...  
Қовоқ жиндак салқибди,  
У гўё мажруҳ, бежон  
Ўтирар, оёқда жом.  
Уйдан хизматкор чиқар:  
„Чой берайми, аяжон?“  
Зулайҳо жим, бош чайқар.

### III

Ютмади таблеткани,  
Ютиб ҳам нима қилар.  
Ахир соғ жону тани,  
Ўзи ҳам яхши билар.  
Лекин ҳар кўни оҳ-воҳ  
Қилмоқ одат — теккан дард.  
Озган худди оч арвоҳ,  
Дерлар дардга эмиш „мард“.  
Баъзан узоқ хаёллар  
Бўлар унга ош ва нон.  
Ўйлай-ўйлай у толар,  
Ўйлаб чарчайди чунон.  
Нимани? Бирон яхши  
Китонинг бағридами?  
Бе-е! Мумкинмас ўқиши,  
Борми экан чидами.  
Зиёфатга деганда  
Бедана юриш қилар.  
Ўқишга чорлаганда,  
Безгаги ҳуриш қилар...

### IV

Нимани ўйлар экан,  
Зулайҳобону хомуш?  
Дилга ботдими тикан?



Бошдан учган хаёл-ҳуш.  
Ота томон — номига  
„Бону“ни қўшар эди.  
Қуда — эр томонига  
„Хон“ билан машҳур эди.  
Баъзан тўғридан-тўғри  
Айтишарди номини.  
Ёқтирмас эр уруғи —  
„Болхонадор томини“.

V

Баъзан келишар эди,  
Келиб бўлишарди қон.  
Сиртдан кулишар эди:  
„Ўжар, инжиқ, сил-симён“.  
Уйда у ёлғиз „бека“,  
Кимсан, Зулайҳобону.  
Кўп молу мулкка эга,  
„Ақли аввал“ фақат у...

VI

Қизил атлас тиззада,  
Гўё олар аланга...  
Тумовдан қаттиқ зада;  
Юрмас, бўлар беланги.  
Тилла тишлар аксидан  
Мойлангандай ияги.  
Тегиб турарди сувга  
Атлас лозим жияги.  
Ипак қуртидек аста  
Ён-верига бош чўзар.  
Дик турмас, гўё хаста,  
Силкинса пардай тўзар.  
Нимани ўйлар бону;  
Эл учун жон чеккандай,  
Эрксиз чўла геккандай,  
Дарҳақиқат ўйлар у:

## VII

Мана, ҳафтадан ошди —  
Қиз уйчан, баъзан ғамгин.  
Не ғам сенга шу ёшда!  
Олдирган анча рангин.  
Иштаҳа йўқ, овқатни  
Кичик болача емас.  
Дўсти уйига қатнар,  
Уйда камгап — гап ёқмас.  
Билиниб қолган жуда  
Юзда уч-тўрт сепкили.  
Қаҳқаҳа йўқ авжида,  
Турмайди ёниб, кулиб.  
Кийимга ҳам йўқ унда  
Ортиқча бир қизиқиш.  
Босинқирайди тунда,  
Тавба! Не гап? Нима иш?  
Сўраса қилар зарда,  
Уйқусида тўлғанар.  
„Кетма, кетма!“ деяр-да,  
Чўчиб кетиб, уйғонар...  
Нега чўчир тушида,  
Қизим эмас ҳушида!

## VIII

Зулайҳо қалби бирдан  
Орзиқиб кетди ёмон.  
Бошин кўтарди ердан  
Ва лик турди шу замон;  
„Ҳой, бормисан!“ дегандай,  
Ошхона томон боқди.  
Бўстон ҳам турмабди шай,  
Зулайҳохон тутоқди.

\* \* \*

Бу сирни юрагига  
Сигдиrolмай ошиқди.  
Бу ташвиш гирдобида  
Бўлди у бир қошиқ сув.

Сертомир, сариг палак —  
Оёқни тортди жомдан,  
„Қутқаринг мени ғамдан!“  
Дегандай олазарак,  
Боқди атрофига у.  
Юрак шопириб кетди.  
Дилда каттакон қайғу.

\* \* \*

„Аксига йўқ хўжам“ ҳам...  
Телефон қиллирайми?  
Шундай пайтда бир ҳамдам  
Тақиллатиб келсайди.  
Ё Бўстонга айтайми?  
„Бўстон! Бўстон-у! Бўстон!  
Тез бўл! Оғриқ белимда...  
Хўжамга қил телефон!  
„Приступ де!“ Келинг де!  
.....  
.....“

## IX

Ҳар ким дилида, дерлар  
Бўлармиш даста гавҳар...  
Шундай дерди кексалар,  
Ёдда турсин бу лавҳа.  
Зулайҳо опанинг ҳам  
Бир ажиб орзуси бор.  
Бу орзу доим ҳамдам,  
Айтса, қанча сўзи бор.  
Дастлаб бу фикр айтилди  
Ёстиқдоши — эрига.  
Эри бўлса хўп кулди,  
Суз демади. Хўш, нега?!  
Унинг ўйи ўхшармиш  
Йўлда ташланган тошга.  
Ғализ, ноқулай эмиш,  
Сингишмас эмиш бошга.  
Вақт уни шиббалаб,  
Маҳкамлабди тупроққа.  
Қани жуфтласинчи лаб,

Йўқ деб кўрсинчи эри!  
Худди йиртилар ёқа...

Қиз бола туғилармиш  
Ўзининг бахти билан.  
Севингандан йиғлармиш,  
Туғилган вақти билан.  
Бекорга демаганлар  
Файзли деб қизли уй.  
Оқинлар ҳам деганлар:  
„Қизли уй — қимизли уй...“  
Алиба бахтли. Унинг  
Профессор отаси бор.  
Халқ ичида обрўли,  
Республикада номдор  
Онаси-чи? Онаси —  
Кимсан Зулайҳо! Доим  
Қизининг парвонаси.  
Бадавлат, йўқ камлиги,  
„Ёмон кўздан“ асровчи  
Исириқ ҳам устунда.  
Егани олдида-ю  
Емагани кетида...  
„Худованд қилса насиб“ —  
Аспиранг бўлиб қолар.  
Яхшилаб илм олар  
Хонадонга муносиб.  
Ундан кейин ҳам яна  
Илм йўлида ишлар.  
Тошкентда у ягона,  
Ҳавас қилсин кишилар.  
Саодати узра хол —  
Бир яхши куёв кўрса.  
Бахти маржон — Зулайҳо  
Севиниб, кўнгли тўлса.  
Фикри қатъий ҳамда зўр;  
Сингишиб қолган жуда.  
Кам деганда профессор.  
Докторга бўлса қуда...

## Х

Куёв ҳам маълумотли,  
Кам бўлмаса қизидан.

Утли-шудли, қанотли,  
Нур ёғилса юзидан.  
Балки „Фан кандидати“  
Ё катта вазифада...  
Талъат... легандай оти  
Чиройли бўлса жуда.  
Профессор оиласин  
Ёйилса овозаси.  
Кўриб, ҳамманинг келса  
Турмушига ҳаваси.

## XI

Йигит „сўққа бош“ бўлар,  
Балки аспирант... Ўзи  
Ичкуёв бўлиб келар,  
Ёниб келар юлдузи.  
Қизини ўз бағридан  
Истамас чиқишини.  
У — кўнглидаги гулшан,  
Баҳор қилар қишини...

## XII

У спальнийга кириб,  
Оёқ намини артар.  
Каравотга чўзилиб,  
Устига кўрпа тортар.  
Ўйидан қониққандай,  
Бир хўрсиниб қўяр у.  
Ўйлари яхши қандай,  
Қанча ният ва орзу...  
Шу пайт бирдан қарсиллаб  
Очилади парадний.  
Бир орзиқиб тушар қалб,  
Ёқасин очар: тфий!..  
Профессор така-пука,  
Кириб келар ёнига.  
Қизарган худди ўпка,  
Қийшайган кўзойнаги.  
У бирдан бўлиб „тахта“

Беҳол булиб кўринар.  
Уч бор йўталар сохта.  
Икки бор „вой...“ деб қўяр.

Профессор

Приступми?

Зулайҳо

Ҳа, вой-вой...

Профессор

Врачи чақирайми?

Зулайҳо

Тухтаб турингчи жиндай.  
Ўтиб кетар. Ҳовлида  
Сиздан сўнг  
Ўтирувдим,  
Сочларимни ўрувдим.  
Хурсанд эдим, бирдан денг,  
Шундоқ, юрагим санчиб,  
Тиқилса бўладими!  
Ўрнимдан турдим сапчиб,  
Қоронғи ўрадими—  
Йулни кўролмайд қолдим.  
Ўзимни билмай толдим.  
Бир оздан сўнг, сув бўлиб  
Чўмилдим қора терга.  
Худо бир қайтиб берди,  
Ўзига минг бор шукр!  
Тавба, одамнинг боши  
Хўжам, облонинг тоши.

Профессор

Ёт энди, дам ол!

Зулайҳо

Хўжам,  
Келдингизу, бошимдан

Кетди ҳар турли хаёл.  
Таъбим очилди чиндан.  
Ҳой, Бўстон! Бўстонхону  
Чой олиб кел, жон болам.

### XIII

Салқин ҳовуз бўйига  
Бўстон тайёрлайди жой.  
Оппоқ чинни чойнакка  
Дамлаб келар фамил чой.  
Сават креслоларни  
Сўридан олиб келар.  
„Тошкент суви“ни муздек  
Ҳовузга солиб келар.  
Пақир-пақир сепиб сув,  
Ҳовли бўйлаб пилдирар.  
Бориб кранни бурар,  
Гулзорда сув жилдирар.  
Дам ошхонада жаз-буз,  
Буғдан юзларида нам.  
Дўндирар ишни ёлғиз,  
„Бека“ дардига малҳам.

### XIV

Ҳовуз бўйи. Мажнунтол.  
Оқшом. Зулайҳо, эри...

#### З у л а й ҳ о

Хўжам! Мен сизга бугун  
Айтиб бераман бир сир.  
Ётмасин дилда тугун,  
Ўзимга қилар таъсир,  
Баъзан эсга тушса, дил  
Орқага тортиб кетар.  
Ўйлаб-уйлаб бўлдим сил,  
Бас энди, уйлаш етар!

Профессор

Хуш?

## Зулайхо

Кўпдан қизингизнинг  
Ранги кетган, паришон.  
Иштаҳаси йўқ унинг,  
Тажанг, гоҳи бўлар қон.

## Профессор

Шу ҳам „сир“ми? Қўйсангчи!

## Зулайхо

Ҳоой эр! Сабр қилинг  
„Берди“сини айтгунча!  
Уйқусида тўлганар,  
Гапирар, йиғлар баъзан.  
Юрагида нима бор,  
Айтмас... гул юзи хазон.  
Уйқусида „Зиёд“ дер,  
Яна нималар, тавба!  
Қаёқдан бу, қороер  
Пайдо бўлди?!

## Профессор

Қўй, галва  
Қила берма. Ташвишинг  
Ҳар куни янги-янги.  
Йўқми ҳеч бошқа ишинг.  
Ловилламагин, жиндак  
Босиб олгин ўпкангни!

## Зулайхо

Ҳа-ҳа! Она, онаман  
Болам учун ёнаман!  
Ғафлат босиб, бахтимни  
Итга олдирмай дейман.  
Пушаймон бўлмай дейман,  
Пушаймон—дилга армон!



## Профессор

Ташвишинг зўр сенинг ҳам...  
Хотин! Мен сенга айтсам,  
Беғалва юр, тан-жонинг  
Соғаяр, қуясан эт.

## Зулайҳо

Ҳа! Келгинди бир йигит  
Бахтимга шерик бўлса,  
Майлими?

## Профессор

Хўш, сен нега  
Ўлмай ёқа йиртасан!  
Гаплаш, суриштир, менга  
Ундан кейин айтасан.

## Зулайҳо

Хўжам! Сиз мени олиб,  
Бахт топдингиз чинакам:  
Гапирманг мендан нолиб,  
Уйимизда нима кам?  
Уйланган йил олдингиз  
„Кандидод“ деган унвон.  
Куп вақт ўтмай солдингиз  
Қўш-қўш уй, қўш-қўш ровон.  
Адибни туққанимда,  
„Духтир“ бўлдингиз, Хўжам!  
Ҳар вақт қутлуқ ёнимда  
Бахт келди — толиим-да...  
Омад топдингиз, Хўжам!  
Бутун уруғу аймақ  
Аташар „қутоёқ“ деб.  
Қизимиз момақаймоқ,  
Аташар уни боғ, деб.  
Боғ десалар дегундай,  
Жаҳонга татувлик боғ.  
Тунда ой, кундуз кундай,  
Қизим бор — юзим баҳор!

Гашириб, оғзи толар,  
Бир нафас ўйлаб қолар:  
„Бир қишлоқи мунча ҳам  
Олмаса эси-ҳушин?  
Бузган орому тушин!  
Йўқ! Ақли кирар кам-кам,  
Тушунар-да, совур-да,  
Тушар аста ҳовурдан...“

## Ун учинчи боб

### I

Қизилқум нарёғидан  
Зиёдjon учиб келди.  
Қучоғида, бағрида  
Китобин қучиб келди.  
Яна Тошкент. Пойтахтнинг  
Гавжум, қайноқ ҳаёти.  
Яна ўлчоғлиқ вақти,  
Яна банддир Зиёдим.  
Яна лекция, ошна  
Ўша аудиторияси.  
Яна илмга ташна  
Студент дўстлар тўдаси.  
Яна серзавқ ва файзли  
Қадрдон ётоқхона.  
Яна дўстлар ҳазили,  
Кечки волейбол яна...

### II

Шу кеч Зиёд ва Анор  
Узоқ суҳбатлашишди.  
Юракларда нима бор,  
Бир ўртага тукишди.  
Уйқу ҳам қўнолмади  
Келиб киприкларига.  
Юракда гап қолмади,  
Маслаҳатлашди бирга.

Дарсда Зиёд утирди  
Анорбой-ла ёнма-ён.  
Тунда конспект кўчирди,  
Ёза-ёза бўлди қон.  
Бир ойча у узилди  
Дарс, лекция, дўстлардан...  
Шу сабаб бўлса керак,  
Ҳали очмади юрак  
Севикли Алибага.  
У ўйлар балки: „нега?“  
Адиба олдирибди  
Рангин... У анча озган.  
Сепкили билинибди,  
Шикоят қилар ёздан,  
Унга ёз ёқмас эмиш,  
Унга ёқар эмиш қиш.

### III

Дугоналар гап қотар,  
Баъзан қуршашиб уни —  
„Капченний“ деб атар,  
Кулки ҳайдар қайғуни.  
Бир ўртоғин юзига  
Қўнибди капалак — доғ...  
Адиб унинг кўзига  
Кулиб қаради мундоғ,  
Ҳандалакдай пишибди,  
Дўсти оғирлашибди...

### IV

Қиз ҳусни юрагида,  
Излама уни юздан.  
Боқиб, ажратолмайсан  
Юлдузни ҳам юлдуздан.  
Баъзан тикиларган у;  
Лекин, нечун юрак шув  
Этар уни кўрган дам.  
Қалбга тасалли берар,  
Нега қизганмоқ, ёнмоқ?!

Ҳуснларни кўп кўрар,  
Лекин қийин ўхшатмоқ  
Севикли Адибага!  
У сепкили билан ҳам,  
Очиқ дили билан ҳам,  
Боқишлари, қилиғи,  
Йиғлаб турганда, йиғи,  
Жаҳли ҳам, аччиғи ҳам,  
Шўх кўз қорачиғи ҳам,  
Баъзан чиройли бошин  
Эгганида кифтига,  
Хомуш, ўйчан қарашин  
Кўзларга тикканида,  
Ярашган кулкиси ҳам,  
Сочларининг иси ҳам,  
Бари-бари севикли!

## V

Бирдан тинчиб қолгандай  
Ишқнинг буюк тўфони.  
Тўғрими ўйи шундай?  
Қизнинг қайнайди қони.  
Адибанинг бошида  
Фикрларнинг кураши.  
Ё ўн саккиз ёшида  
Шундай буларми киши?  
Кунлар ўтиб борарди,  
Қалбда ишқий ғалаён.  
Гул музлагандай қорда,  
Ачир эди ширин жон...

## VI

Дарсдан кейин пилдираб  
Зинадан тушар эди.  
Китобларни қўлтиқлаб,  
Ётоққа шошар эди,  
„Тўхтанг!“ деган бир овоз,  
Тўхтатди Зиёдимни.  
Бурилиб, борди пешвоз,

Тез-тез ташлаб одимни.  
Бир оз оқариб кетди  
Қизнинг ёқут лаблари.  
Икков тўхташди четда,  
Борди зарур гаплари.  
Қараб қолишди бирдан,  
Кўзларга боқди кўзлар.  
Сўзлолмади Зиёд ҳам,  
Сўзлолмади Адиба,  
Қани келсачи бир сўз...  
Шундай пайтларда баъзан  
Ҳеч гап келмайди тилга.  
Лекин ойнадек равшан  
Кўринарди дил дилга  
Ёки у об-ҳаводан  
Сўз бошласинми, балки?  
Йўқ! Ўрни эмас бу дам,  
Гапирса бўлар кулки...

## VII

Шаҳарга чўкди оқшом,  
Баҳаво бўлди боғлар.  
Зар нурлар тўкди оқшом —  
Йилтиллади чироқлар.  
Кам қатнов бир кўчада,  
Улар борар ёнма-ён.  
Узоқ юрдилар жуда,  
Сезилмасди ўтган он,  
Кўп ширин эди бу дам,  
Файз бор эди кўчада..  
Зиёд гўхтайдди. Бирдан  
Адибани қучади.  
Бағрига босиб ўбдан,  
Бир-икки ўпар лабдан.  
Қиз чўчийди ва шу чоқ,  
Зиёд кўксини сийпар.  
Бўшатмас, ўпар чанқоқ,  
Еб юборгудай ўпар.

А д и б а

Сиз...

З и ё д

Энди „Сиз“ эмас „сен!“

А д и б а

Севдсанми?

З и ё д

Буни мен —  
Айтсамкан сенга нучук.

Икки қалб урар дук-дук.

## Ўн тўртинчи боб

### I

Кириб келди тўсатдан  
Ёшули ётоқ ичра.  
Ёгганди Зиёд, бирдан  
Ўрнидан турди сакраб.  
Қўл сиқишди. Майкада  
Ноқулай сезар ўзин.  
Кийиниб олар жадал,  
Тополмай қолар сўзин.  
Ҳайрат билан дўстлари,  
Кузатарди икковин.

### II

Уч кун бўпти, бир осмон  
Тагида эмиш улар.  
Укалар, дўстлар омон  
Саломларни топширар.  
Келган эмиш ёшули  
Цекага — Пленумга.  
Жуда банд эмиш қўли,  
Келган эмиш беш кунга.

### III

Илк баҳор. Баъзан киши  
„Демсезон“ да совқотар.



Чўзилди бу йил қиши —  
Новда-ниҳолга хатар.  
Гоҳ иссиқ, гоҳо қуяр  
Ёмғирни. Ҳаво „жинни“.  
Уй иссиқ, ечиб қўяр  
Пальтони, қулоқчинни.

#### IV

У киргач бу хонага,  
Киргандай бўлди колхоз,  
Янгради бирдам бунда  
Далалар ҳақида сўз.  
Гўё бутун Хоразм  
Кўчиб келди ётоққа.  
Зиёд соларкан разм,  
Эшитилгандай қулоққа  
Амунинг шов-шувлари,  
Далаларда учган ел,  
Келгандай бўлди бари —  
Дарё бўйи улкан эл.

#### V

Алиба шу кунидеъ  
Бу хабарни эшитди.  
Эшитди-ю, ўша чоғ  
Зиёдни маҳкам тутди:  
„Бизникига албатта  
Олиб кел Ёшулини.  
Сенга илтимос катта!“  
Қўймай унинг қўлини,  
Тайинлади Зиёдга.  
„Яхши. Унга айтаман,  
Взқти бормикан?“  
„Ҳа, бор!“ —  
Деди-ю у юлдузлай  
Учди унинг ёнидан.  
Зиёд кўзини узмай  
Қараб қолди ортидан.

Шу ондаёқ бу хабар  
 Етди Зулайҳохонга.  
 Бундай хабар ҳар сафар  
 Ором бергандай жонга —  
 Ўзида йўқ шодланар,  
 Тақозога отланар,  
 Сўзи ҳам бўлар бийрон,  
 Эсдан ҳам чиқар дарди...  
 Қўшнилар бўлмас ҳайрон!  
 „Меҳмон келаркан“ дерди.

## VII

Ўй қучди Зулайҳони,  
 Кўзлар хаёлчан бир он.  
 Аммо бу уй хоқони  
 Бўстонга берар фармон:  
 „Қайнағамни айтиб кел!  
 Бу кеч ухлама, иш кўп!  
 Оёғингни қўлга ол,  
 Зинғилла!“  
 „Аяжон, хўп“.

## VIII

З у л а й ҳ о

Ёшми? Адангча борми?  
 Амали ким?

А д и б а

Билмайман.

З у л а й ҳ о

Памиласи нимакин?

А д и б а

Қурбонов.

## Зулайҳо

(Ўйлаб қолар)

Ҳа... унча ўхшамайди  
Катталарнинг номига.  
(Қизиқиши камайди,  
Хаёл тортар комига).  
Цекага кепти, дединг,  
Демак бир амали бор.  
Министр бўлмаса ҳам,  
Министрча кеб қолар?

Адиба

.....

## IX

Саратонда чой босар  
Сувсираш — ташналикни.  
Битта совуқ гап бузар  
Қадрдон ошналикни.  
У тош ойна ёнида  
Яхши сўзлар ўйлади.  
Эҳ, турмайди ёдида...  
Гардеробдан кўйлагин  
Олар, кийиниб кўрар,  
Қошига бўёқ сурар,  
Бармоқдан қочибди ранг.  
Бир шода дурни тақар,  
Қийшаяр, бўлар таранг.  
Атлас ёқмас, „ўлсин қоп“,  
„Ўзвайча“, „культурниймас“.  
Баланд пошна унга боп,  
Пастни ўлса ҳам киймас.  
Бу ҳали машқ-ку оз-моз,  
Тонгдан бошланар пардоз.

## X

Уруғдаги „бевалар“  
Етиб келди азонда.  
Йуқ ердаги мевалар  
Терилди дастурхонга.

Чуғдек бахмал кўрпалар  
Қат қилинди тахмонга.  
Йилтилатилди поллар,  
Зуғум қилиб Бўстонга.  
Бечора тўғрар пиёз,  
Дув-дув оқар кўздан ёш.  
„Вай, пиёзинг мунча оз!  
Вай, картошканг мунча тош?“

## XI

Хизматчи ўзин урар —  
Ачпичоққа тўқ, тўқ, тўқ...  
Дам самоварга пуфлар,  
Бир минут ҳаловат йўқ.  
Йўлга сув сепар тойиб,  
Гоҳ тақиллар ўқлоғи.  
Зулайҳохон ўқрайиб,  
Қоққан қозиқ — ғўдайиб  
Турарди, динг қулоғи.

## XII

Кираркан уйга аста,  
Ойна олдида тўхтар.  
Ўзини товлар, хаста  
Аъзолари ҳам бу гал,  
Туппа-тузук бўлгандай,  
У мисоли тўлин ой.  
Бир оз хаёл ҳам сурар,  
Меҳмон бўлиб ҳам кўрар,  
Товлаб кўрар ўзини,  
Қисиб қўяр кўзини...

## XIII

Қанийди суҳбат чоғи  
Айтилса қизиқ гаплар.  
Қақрагандай томоғи,  
Жиндек ширин чой хўплар.

Врачлар, дори-дармон,  
Дард номи ва давоси...  
„Шундай гапларга борман“,  
Ўйлар, чиқмас садоси.  
Курортлар ҳақида ҳам  
Гап очилса мабодо,  
Сўзга тушарди шу дам,  
Бўлмасди гапи адо.

#### XIV

Юз бор сўраб билгандан,  
Бир бор кўриб билган соз!  
Отани шунинг-чун ҳам  
Қилишар қалбдан эъзоз.  
Кўпдан у профессорни  
Кўришга орзумандди.  
Чунки унинг фарзанди  
Севибди олим қизин.  
Газетлардан эшитган,  
Лекин бу гал, у бир бор —  
Кўргиси келди ўзин.  
„Тошкентлик юлдузни“ ҳам,  
„Соҳибжамол қизни“ ҳам,  
Бу уй „жони-жаҳони“ —  
Муҳтарам Зулайҳони,  
Борин кўргиси келди,  
Кўриб билгиси келди,  
Юракдан ғойибона,  
Сақлар эди эҳтиром.

#### XV

Деҳқон отаю Зиёд  
Вақтида кириб келди,  
Интизор қилмай пича,  
Қўлда бир жуфт қаламча.  
Эшикда кутиб олди  
Адиба-ю Зулайҳо.  
У шундай безанганки,  
Тенг бўлолмади ой ҳам.

Бармоқлари йилтирар,  
 Дур сирғада қалтирар...  
 Ҳовлига кирган замон,  
 Вовиллади „қўнғироқ“,  
 Зулайҳо қоши камон,  
 Бир дам шодланди, бироқ  
 Қўрмай туриб, тусмонлаб  
 Ўхшатарди кимгадир.  
 Ўхшамай қолди, хуноб,  
 „Бунчалик экан чўтир...“

## XVII

Зулайҳо

Хуш кебсиз.

Деҳқонбой ота

Хушвақт бўлинг.

Зулайҳо

Қалай бизнинг Тошканлар?  
 Зерикиб қолмадингизми?

Деҳқонбой ота

Зерикиб бўлармишми.  
 Уч бор галдим ва уч гал  
 Тезда қайтдим Хоразма,  
 Чунки иш эди жадал.  
 Таъсир қилар ўзима —  
 Яхшилаб газмаганим.  
 Бундан биз қанча қизиқ  
 Гаплар олиб қайтамиз.  
 Биз чоллар эзмаланиб,  
 Болаларга айтамиз.  
 Тошкент — у буюк шаҳар,  
 Лекин зарур бўлар, биз  
 Аэропортда тонг-сахар

Мудраб, бирдан учамиз...  
Замонлар ўтди, не-не  
Ғамларни кўрди бу бош.  
Кўксимизга тегди ел,  
Хонага тушди қуёш.  
Хонни қувдик, мен ўзим  
Қумда қилич чопганман.  
Азоб-уқубат билан  
Ўз бахтимни топганман...

З у л а й ҳ о

Ҳа...

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Жўнатдик қанча ёшни  
Тошкентга, Самарқандга.  
Эл дейди: илм — чашма,  
Ёшлар йўл олсин фанга.  
Ҳеч вақт мактаб кўрмаган  
Қишлоқда қурдик мактаб.  
Ўқиб бориб Зиёджон  
Бош бўлсин — шудир матлаб.

З у л а й ҳ о

Замон кимнинг замони —  
Колхозчининг замони...  
Заифангиз бормилар?

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Кампирим зеновой.  
Эшитгандирсиз, герой —  
Ойпошша Қурбонова.

З у л а й ҳ о

Соғмилар?

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Яхши, шукр...  
Ишлаб юрибди, бардам.

Невара ҳам кўрдик бир —  
Ўтган йили баҳорда.  
Колхозим деб тинмайди,  
Ишлар, йўқ ҳаловати.  
Захматкаш, чарчамайди,  
Ғайрат унинг қаноти.

З у л а й ҳ о

Опкемабсиз-да?

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Жула  
Банд шу кунлар далада.

З у л а й ҳ о

(Аста ярим қийшайиб,  
Аста ярим илжайиб,  
Уй деворин қоплаган  
Китобларга кўз ташлар.  
Кейин мамнун сўз бошлар).

Ҳар иш илмга боғлиқ,  
Ўқиш керак нечоғлиқ.  
Илм, у нина билан  
Қудуқ қазимоқ демак.  
Биоларда ҳам план —  
Аввалдан тузмак керак.  
Бизнинг бу хонадонда  
Илмдан нону намак... !  
Хужам, эшитгандирсиз,  
Профессор Миркамолов.  
(Кўзини олар ердан,  
У буй чўзиб ичкари —  
Хонага қарар бирдан.)  
Адибахон, жон қизим,  
Алангга телефон қил!  
Кечикдилар, сўра, бил!



## XVIII

Кўп ўтмай имлар Бўстон,  
У чиқар ташқарига.  
Зинадан тушар аста,  
Кулиб боқар эрига.

### Профессор

Кечикдим, айб бўлди-да,  
Аксига, қара бун!   
Азиз меҳмон олдида  
Хижолатлик... Сен уни  
Зериктирмадингми, а?  
Қалай қуданг? Ёқдимми?

### Зулайҳо

Э-э... (Бурнини жийрар)  
Отанг ким — носқовоқ,  
Онанг ким — ошқовоқ,  
Битта қишлоқи.

### Профессор

Қўй-е!  
(У ичкарига кирар)  
Уэр, кечикдим биродар.  
Танишганимиз учун  
Бениҳоя хурсандман.

### Деҳқонбой ота

Саломат бўлинг, устоз.

## XIX

Аллавақтга чўзилди  
Меҳмондорчилик, суҳбат.  
Чарчоқ кўзлар сузилди,  
Демак кеч, етибди вақт.  
Деҳқон ота ва Зиёд  
Қўзғалди сўраб рухсат.

Зиёд эди гоят шод,  
Етгандек ширин фурсат,  
Мамнун эди ўзидан,  
Адибанинг кўзидан,  
Уқарди маъноларни,  
Ўқиган каби бир хат.  
Бўстон-чи? Ҳамон чаққон,  
Хизматда бўшашмайди.  
Зулайҳо ели чиққан  
Пуфакчадай шалпайди.  
Чунки йўқланмади ҳеч,  
Порок, рак.... дардлар бу кеч.

## XX

### Деҳқонбой ота

Ошна, рухсат этсангиз  
Шу бир жуфт қаламчамни  
Экиб кетсам — бу орзум,  
Кўкарар, қилар узум.  
Бу ошнам, бир таомил.

### Профессор

Марҳамат. (Қилар таъзим).

### Деҳқонбой ота

Яхши кўза чиқмайди  
Ёмон кулол қўлидан...  
Яхши узум.

## Ўн бешинчи боб

### I

Ўтиб кетди неча бор  
Қишлар, баҳорлар, ёзлар...  
Беш-Гужум узра қатор  
Амуга ўтди ғозлар.  
Бунда, Чирчиққа оқди  
Қанча сувлар тоғлардан.  
Новдалар куртак тақди  
Юксалиб бутоғлардан.  
Кунлар қизий бошлади,  
Қуёш нақадар мўл-мўл  
Қайноқ нурлар ташлади...  
Демак, кирган саратон.  
Тошкентда хўп сара тонг —  
Мавж урар анҳору кўл.  
Ўтиб кетди тез кунда  
Қулупнай пишиғи ҳам.  
Нақадар салқин тунда,  
Кундузлари ғоят дим.  
Чиллаки чумак урди,  
Чиқди хушбўй ҳандалак.  
Чуғурчиқ ёпирилди;  
„Ҳой, киш!“ қўнғироқ-челак—  
Бирдан даранглаб қолар.  
Боғбон чол ғавғо солар.

. . . . .

## II

Давлат имтиҳони ҳам  
Ўтди зўр шовқин билан.  
Улар олишарди дам,  
Баъзан кўлда кун билан  
Сузишарди қайиқда.  
Сузишарди шод икков,  
Ташвишлар ҳам қаёқда!  
Дунёда Адибадан  
Йўқ эди бахтлироқ қиз.  
Тўлишди нозик бадан  
Кўлда кўринг уни сиз.  
Тунда Адиба баъзан  
Юлдузларга тикилар.  
Узоқни кўролгандай,  
Тўшакда фикр қилар.  
Энди аспирантура  
Чорлар, бу ҳам ҳал бўлар.  
Сунг, эҳтимол, кўп ўтмай  
Бўлар кутган ширин тўй.

## III

Ярим тунда уйғониб  
Кетар Адиба бирдан.  
Неларни ўйлар ётиб,  
Нелар унга қадрлон?  
Зулайҳо ажабланар,  
Сўрар: „Ҳой, нега турдинг?“  
Тикиларди бир кичик  
Чўғдек, қизғиш юлдузга.  
Шу дам, вақт ўтгач пича,  
Кўриниб кетар қизга  
Силлиқ, ясанган Зиёд;  
Гуё тўй эмиш бунда.  
Қалби бўлар бирдан шод,  
Ухлолмай чиқар тунда.

## IV

Бу пайт Амуда ўйнар  
Йилт-йилт — майингина мавж.

Лекин тубда қуюнлар,  
Ўпиришлар олар авж.  
Зиёд нақатар бахтли,  
Қувонар, севги... ўйин...  
Лекин юракда ҳар тонг  
Пайдо бўларди қуюн.  
Оҳанграбодек уни  
Тортарди узоқ дала.  
Уйқусиз ўтар туни,  
Дилда улкан шалола...  
Сўз билан ёзиб бўлмас,  
Тил билан айтиб бўлмас,  
Бир овоз билан ҳардам,  
„Кел“, дегандек, кел, болам,  
Даланг сенга интизор!  
Келсанг, тўй бўлар олам,  
Келсанг бошланар баҳор...  
Кел болам, Зиёд болам!

## V

У айтмас Адибага.  
Айтсинми? Ранжимасми?  
Яширсин ахир нега?  
Очиқ дил—ёшлик расми.  
У аҳд қилди, очигроқ  
Гаплашмоқни эртага.  
Тиниб қолмасми, қурқар  
Ширин севги эртаги —  
Тундаги тўлғанишлар  
Ва яна қанча ишлар.  
Кетсам, наҳот ўша чоқ  
Узилса севги гули?  
Наҳотки кетиш, — пичоқ  
Бўғизласа севгини?

## Зиёд

Ман кетаман.

Адиба

Кетаман?!

Аста утирар қумга.  
Табассум сўнар, камон  
Қош чимрилар бир зумда.  
Шалоплашлар, сузишлар...  
Тўхтаб қолгандай таққа.  
Сакрашлар, қийқиришлар  
Кирмай қолди қулоққа  
Бирдан қоплади тумон,  
Қоронғи бўлгансимон  
Кўринмай қолди ҳеч ким.  
У утирар хомуш, жим.  
Елпугич билан қийин  
Тарқатмоқлик туманни.  
Сўз билан қийин албат  
Йўқотмоқ „кетаман“ни.  
Руҳсиз Зиёдга боқар,  
Сўнг қумга, сўнгра кўлга...  
Аста тугмасин тақар,  
Соатин боғлар кўлга.  
Неларни ўйлаб қолди?  
Нелар эзар, қандай сир?  
Буғилса, чеккасида  
Бўртар эди бир томир.

### Адиба

Жиддийми, дея сендан  
Сурашнинг ҳожати йўқ  
Сезиб юрардим кўпдан,  
Сени тортар ўша ёқ...  
Иложим йўқ сира ҳам  
Бормайсан демакликка.  
Лекин сен... (Йиғлар шу дам).

### Зиёд

Мен истардим; юр ўзинг,  
Қанийди борсанг.

### Адиба

Яхши.

## З и ё д

Тошкентда қолсак яхши...  
Наҳотки тушунмасанг.

### А д и б а

Сен аспирантурада  
Қолишинг керак эди.  
Шундай ўйловди адам.  
Аямнинг фикри-ёди  
Сенинг бунда қолишинг.  
Ёшсану, сенинг ёшинг...  
Бизникида яшардик,  
Ҳамма нарса бор ва ҳал,  
Биз шундай ўйлашардик,  
Умид қилиб ҳар маҳал.  
Ёки ҳамқишлоқларни  
Бориб кўриб кел, хўпми?  
Мунча ўйлайсан? Гапир!  
Ташвишинг шунча кўпми?

\*

(Эркаланар... Зиёднинг  
Ушлар маҳкам қўлидан.  
Фусункор кўзлар бўлар  
Қайтармоқчи йўлидан).

\*

Мени десанг, Зиёджон,  
Бундай хаёллардан қайт.  
Ташвишинг шунча кўпми?  
Шунча кўпми, қани айт.  
Қандай журъат этасан?!  
Сен кўрма менга осон...  
Ўзинг айтгандинг, севги  
Ҳар нарсадан кучли, деб.  
Ростдан айтганмидинг сен  
Бу сўзни? Ва ёки зеб  
Берганмидинг сўзингга?  
Бир қараб қўй ўзингга...

Сен агар кетар бўлсанг,  
Қалбимдан кетар ором.  
Сен агар кетар бўлсанг,  
Юзим бўлар заъфарон.  
Мен агар кетар бўлсам,  
Онам бўлади мурда.  
Мен агар кетар бўлсам,  
Дил бўлар бурда-бурда.  
Сен агар кетар бўлсанг,  
Уйимиздан файз кетар.  
Мен агар кетар бўлсам,  
Касалвон онам нетар?!  
Сен агар кетар бўлсанг,  
Қулар бахтим юлдузи.  
Мен агар кетар бўлсам.  
Қурир хонам илдизи.  
Сен агар кетар бўлсанг,  
Сўниб тушар қуёшим.  
Мен агар кетар бўлсам,  
Тинмас онам кўз ёши.  
Ёл ораман сенга мен  
Осиламан бўйнингга.  
Ташлолмайсан мени сен  
Бош қўяман кўксингга —  
Акажон кетма, кетма!

З и ё д

Адиба... Очигини  
Айтганим маъқул бошдан.

А д и б а

. . . . .

З и ё д

Қишлоққа жўнашимни  
Билмаганда ҳам ҳеч ким,  
Сенга маълум-ку кўпдан.

А д и б а

. . . . .



## Зиёд

Нега бормаيسان ўзинг?  
Қишлоқ сен ўйлагандек  
Эмас бир сувсиз саҳро.  
Қишлоғимиз гўзал, кўк...  
Бир томони зўр дарё,  
Сен ўйларсан: уйимиз  
Чордевор, кўҳна кулба.  
Ундоқмас, кел тўйимиз  
Қишлоқда ўтсин, кулма!  
Сен ўйларсан, одамлар  
Унда қўпол в1 дағал.  
Йўқ; кенг далада қалблар  
Бўлар жуда беғубор.  
Тўғри, қўлларда қадоқ,  
Лекин дилларда йўқ доғ.  
Сен ўйларсан узоқ деб,  
Шундай, лекин уч соат...  
Борсанг қаттиқ севардинг  
Хоразм даласини.  
Рости, ахир севдинг-ку,  
Хоразм боласини.  
Кетайлик бирга!

## Адиба

(Чайқар—  
Секингина бошини...)

## Зиёд

Далага юр! Ўзимни  
Ўйлаб айтмайман ёлғиз.  
Кенгроқ тушун сўзимни,  
Узоқроққа ташла кўз;  
Партия йўллар бизни.  
Биз гўзал ўйларга зеб  
Бўлиш-чун ўқимадик.  
Биз энди қанот ёзиб,  
Далага учайлик тик!  
Ўқиб, пайларни тоблаб,  
Меҳнат қилайлик обдон.

Дипломини чангаллаб,  
Олимман деган нодон!

А д и б а

.....

З и ё д

Эҳ, борсанг эди, Адиб  
Яшнар эди Хоразм.

А д и б а

Боролмайман, азизим...

## VI

Улар қайтишди кўлдан.  
Зиёднинг қўл-оёғи  
Чўяндек жуда оғир.  
Хазон бўлгандай боғи,  
Ўйлар. Ўйлар поёнсиз,  
Куяр ва қилар ўпка.  
Наҳотки у шундай қиз,  
Наҳот тушунмас гапга?  
Бирдан қўрқиб ҳам кетар;  
„Узилмасми дил ипи...“  
Ўзилса Зиёд нетар,  
Ёниб, бўлмасми кул-кул?  
Тўхташар. Зиёд сиқар  
Адибанинг қўлини  
У эди беҳаяжон.  
Ҳайкал қулидай, қўли—  
Совуқ мрамор, йўқди жон.

З у л а й ҳ о

Этмабмидим!

А д и б а

.....

## З у л а й ҳ о

(Дарғазаб

Тишини гижирлатар.  
Бўстонга берар азоб;  
Жеркар, ўшқирар, силтар,  
Лек бақрайиб қизига  
Бермоқ бўлар тасалли.  
Караб туриб юзига,  
Тутиб қолар касали.  
Оҳ урар: „Тезда чақир  
Адангни... Вайй, ўламан.  
Бўлиб кетвотман ёмон,  
Югур, телефонга кир!“

Латта ҳўллаб босишар  
Унинг тор манглайига.  
Олтин, дурлар титрашар  
Бўйнида, билагида.  
Бир оздан сўнг боқаркан  
Адибанинг юзига.  
Чулдирайди қизига,  
Гўё бўлиб багри қон).

Итга берсанг ошингни,  
Итлар ғажир бошингни.  
Ҳа, ўша бир қишлоқи,  
Одам бўпти, сатқайсар!

А д и б а

Аяжон, басдир. Етар!

VII

Орадан ўтди уч кун,  
Ҳамон унинг қалби хун.  
Ўша кун эътирози  
Кучли бўлган бўлса ҳам  
Зиёдга бўлиб ҳамдам,  
Кетишга эди рози.

Зулайҳо сезар экан,  
Бағрига ботар тикан.  
Бирдан ғазаб ўт ёқар,  
Дағ дағ титраб, тутақар.

### З у л а й ҳ о

Бағримизда бўл, ўқи,  
Аспирант бўлгин дедик,  
Аданг билан беуйқу,  
Бахтингни кўп ўйладик.  
Аямадик ўшандан  
Сухсурдек қизимизни  
Қишлоқи номи билан  
Эгса ҳам бўйимизни.  
Ҳовлимизнинг ярмиси  
Уники эди, нодон!  
Агар бор бўлса эси,  
Шундай қиларми одам?  
Издатга тунқаймай ўл!  
Бошингдан олиб ташла,  
Сен ҳар хил хаёлларни.  
Онанг кўзини ёшлаб,  
Кўзлайсан қаёқларни?

### А д и б а

Бас қилинг. Бу ҳақорат!

### З у л а й ҳ о

. . . . .

### А д и б а

Мен энди ёш эмасман.  
Ўйлашим керак. Лекин  
Бошим ғовлаган. (Секин  
Бошини эгар ерга).  
„Кетаманми, қоламан..  
Ҳозир билмайман“—деркан,

Зулайхо бирдан ловва  
Кўтарилар осмонга.

З у л а й х о

Оқ қиламан!!! Ўйлаб кўр!

### VIII

Диванга ташлар ўзин,  
„Шайтонлаб“ қолар бирдан.  
Ола-куласи кўзин—  
Чиқар. Адиба ёрдам  
Бериш-чун чой келтирар.  
Тепасида ўлтирар.  
Қўрқиб дағ-дағ қалтирар,  
Оғзидан чиққан гапга  
Бўлиб қаттиқ пушаймон  
Зулайхо худди копток,  
Ғужанак бўлар шу он...  
Қувлигига мутлақо  
Етмаганда ҳам фаҳми,  
Не деганда ҳам ахир  
Она-да... келар раҳми.

### IX

У тез ўзига келар;  
Кўз очар, боқар ва сўнг —  
Бақрайиб, бирдан йиғлар  
Қизига қараб ҳўнг-ҳўнг.

З у л а й х о

Беш куним борми-йўқми  
Бағримга солма фироқ.  
Ўзинг ахир гўримга  
Ташла бир сиқим тупроқ.  
Жон болам, биласан-ку

Ахир мен яримжонман.  
Ким берар бир қошиқ сув,  
Дард билан бағри қонман.  
Кетма, кетсанг изингдан  
Мен судралиб бораман.  
Жудо бўлиб юзингдан,  
Далий-даштда қоламан,  
Ёлғиз қизим, жон қизим,  
Ёниб турган юлдузим,  
Борма!!!

## Х

Кучайди қайғу.  
Енгиб ўтмоқ-чун отнинг  
Калласидай қалб керак.  
Бир йигит юрагича,  
Йўқмикан унда юрак!  
Баҳодирдан қочар ғам.  
Ҳуснободнинг қўлида  
Ўлди-ку ёвуз аждар.  
Ашир қўрқоқ ипни ҳам  
Аждар деб қилган сажда.  
Висол қанчалик яхши,  
Видо шунчалик ёмон.  
Мана уч ҳафта ўтди,  
Адиба ғамгин ҳамон.  
Бугун ўнинчи июль,  
Жўнайди бизнинг Зиёд.  
Зиёдга тилаб оқ йўл,  
Келар Адиба ношод.

## ХІ

Негадир кийибди у  
Сариқ ранг кўйлагини.  
Сариқ ярашмасди-ку?  
Шимарган билагини,  
Шимариш ёқмасди-ку?  
Нега қилмабди қубба  
Орқасига сочини?

Боғлабми қўйган кўзга  
Учқир қалдирғочини?  
Лаблагн табассумлар  
Кетдилар қаён учиб?  
Учирди экан кимлар?  
Учдилармикан чўчиб?  
У келди кеч вокзалга  
Зиёдни кузатгани,  
Далага узатгани,  
Қидириб кирди залга.  
Занг урилар, одамлар —  
Шошар, кўзлар поездда.  
Перронда турар улар,  
(Ажралишади тезда...)  
Зиёд тикилар, уни  
Ўпмоққа чоғлар ўзин.  
Қиз узатар қўлини,  
Секин ўгирар юзин.  
Жонсиз қўлни сиқар-да,  
Поезд томон югурар.  
Вагонига чиқар-да,  
Адибга қараб турар,  
Тезда улкан паровоз  
Тортар, бурқитиб тутун.  
Перронда қолди ёлғиз  
Унинг ёлғиз Адиби.

Хаїр, хайр, унутма!

## Ўн олтинчи боб

### I

...Келдим сенинг бағринга,  
Салом, эзгу қишлоғим;  
Далалар, салом сенга!  
Салом Аму, қирғоғим,  
Тўлқинлар аллалаган —  
Боғланган қайиқчалар.  
Колхозларим, боғларим,  
Дўстлар, салом алайкум!  
Келганимни шу куноқ  
Билди бутун Беш-Гужум.  
Қўлимда китоб боғлоқ,  
Бир чамадон — бор кўчим.  
Шу кун келди уйимга,  
Узоқ-яқин дўстларим.  
Боқишарди бўйимга,  
Бошқачадек кўзларим,  
Бошқачадек сўзларим  
Тикилишар, ажиб ҳол...

### II

Дўстларим — соғинганлар  
Тонггача ўтиришди.  
Мени „келмас“ деганлар  
Келганимни кўришди.  
Олиб келгандим шу кун  
Дўстларга авторучка.



Чолларга атир совун  
Тухфадир— „дарё кечган“.  
Кўп утмай кириб келди  
Ёшули гулдир-шалдир.  
Айилдек камар белда,  
Остида саман-ёлдор.  
Уйга кирди ҳарсиллаб  
Ва мўйлабини силаб,  
Зиёдга очди қучоқ.  
Хоразм удуми-ла,  
Бел сиқар. Бирдан чўчир:

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Тузалиб кетганмисан,  
Билмабман, болам, кечир

З и ё д

(Кулиб қўяр)

Жойида!

Жуда ҳам эҳтиёткор  
Бўлиб қолибсиз, ота.

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Булар фақат қувончдан,  
Қувонсам бўламан маст.  
Биз кекроқ чоллар чиндан  
Алжисак ҳам, бари рост!  
Гапир! Тошкентлар қалай?  
Қудам бардамми?

З и ё д

Бардам.

Д е ҳ қ о н б о й о т а

Таклиф қилгандим атай,  
Келсалар экан қудам —  
Бизнинг Хоразм ёққа ҳам.  
Адиба соғми?

З и ё д

Ова.

### III

Артистга уйланибди,  
Олиб келармиш, деган  
Гап роса тарқалибди.  
Демак бировлар ёйган.  
Қўшни қизлар мен билан  
Сўрашди совуққина.  
Бировлар гапи — тикан,  
Хат ёзмадинг, деб гина...  
Ёлгоннинг йўқ оёғи,  
Ишқал қаноти бормиш.  
Гапларнинг йўқ у ёғи  
Хўп тарқалибди миш-миш...  
Кейин мен дала оша  
Узоқларга кетаман.  
Йўлда куламан тошиб,  
Бораман Аму томон.  
Келиб кўрмаганларни —  
Уруғдаги чолларни,  
Ўзим бориб кўраман.  
„Артист“ дебдилар, нечун?  
Бу сўз хаёлни олди.  
Яна Тошкентни бутун  
Менинг ёдимга солди.  
Тошкентда бир кўча бор,  
У жуда ҳам чиройли.  
Бу кўчадаги қатор  
Тераклар ҳам чиройли.  
Бу кўчада бир уй бор,  
Ҳеч уй ўхшамас унга.  
У гўзал худди баҳор,  
У кўп яқин кўнгилга.  
Бу уйда турар шу дам,  
Менинг гўзал Адибам!

### IV

Неча бор бу кўчадан  
Ўтганман ҳаяжонда  
Бундоқ гўзал уй ҳечам,  
Топилмагай жаҳонда.

Мен келиб чертар эдим...  
Дарпардалар аро сен,  
Боқардинг, чиққандай ой.  
Севасанми ҳали ҳам,  
У пайтдагидай қизгин.  
Ё унутдингми? Мубҳам  
Ўйлар тўсдими кўзинг?  
Ёки доцент Каримов,  
Яна бўлдим пайдо,  
Бўлдим сенга „шайдо“...  
Бировлар ўлди деса  
Севмаган деса сени,  
Ё қалби ўзга деса,  
Севмайди деса сени,  
Ишонма, ҳеч ишонма!  
Балки ёнарсан ўйлаб,  
Ёнма, Адиба, ёнма!  
Нега хат келмас ойлаб?  
Совумасми қайноқ қалб?

## V

У туш кўрар, тушида  
Адиб семирган эмиш,  
Ўзгача бўлган эмиш,  
Ўзгарган эмиш жуда.  
Қарамасмиш негадир,  
Зиёдга гапирмасмиш.  
Қайда қолди жўшқин ишқ?  
На ҳол бўлди, қандай сир?  
Гўё соғиниб, ёниб,  
Энтикиб борар унга.  
Адиба дейди тониб:  
„Мен сизни севмаганман,  
Ҳурмат қилганман фақат“.  
Зиёд қилолмас тоқат,  
Кукка чиқар фиғони.  
Гаплари дилни ўяр,  
Яна у қўшиб қўяр,  
Жиндаккина ошиқар:  
„Сиз яхши кишисиз, мен  
Ҳозир ҳам ҳурматлайман,  
Лекин муҳаббат бошқа!“

Зиёд тушда бўғилиб,  
Уйғониб кетар бирдан.  
Кўйлак нам бўпти тердан,  
Оғир, чалкам туш кўриб.  
Тонг чопар дала сари,  
Бир дам ўтирар хомуш  
Ва хурсанд бўлар, бари —  
Бари хайриятки туш...

## Ўн еттинчи боб

### I

Зиёдни жўнатди-ю  
Ётиб қолди Адиба.  
Биров дер: „Учинган у“.  
Биров дер: „Офтоб урган“  
Тавба, олов егандай  
Бўлар „тапти устухон“.  
Ёндираман дегандай,  
Ўт пуркирди саратон.  
Зулайҳо капалаги  
Бошидан учиб кетди.  
Қанча дардлар ундаги  
Танидан кўчиб кетди.  
Отанинг ҳам дили ғаш,  
Эркалаб, суйиб кўрар.  
Қизнинг пешонасига  
Кафтини қўйиб кўрар.

\*

Севмабсизкан чинакам —  
Билмабсизкан ҳижронни,  
Қандай тасвирласамкан  
Ундаги ҳаяжонни?

### II

Зулайҳога қадимдан  
Киннакашлар ёр эди;

„Қоқтириб“ келар эди  
„Боқтириб“ келар эди...  
Барини қилар зимдан.  
Доктор ҳам беролмади  
Унинг дардига дармон.  
Киннага унамади —  
Она дилида армон.  
Ўтиб борар эди ёз.  
Баъзан илинар она,—  
Ғарқ пишиқчилик ойи.  
Бир ҳафта ўтгач оз-моз  
Очилди қиз чиройи  
Кўтарди у бошини,  
Жиндак еди ошини

### III

Ота хўп ўйлаб кўриб  
Отланмоқ бўлди йўлга  
Олиб бормоқчи бўлди  
Қимизга, — Иссиққўлга.  
Саёҳат — дилга роҳат,  
Ёзилар, деди қизим.  
Дўстига йўллади хат,  
Жўнашга қилди жазм.  
Якшанба кун бозорга  
Боришди ота-бола.  
Худди Эски-Жўвада  
Кимдир чақирди.

Дарҳол  
Боқди ўнг томонига,  
Бир йигит, ўтмай хиёл  
Етиб келди ёнига.  
Тўсар экан йўлини,  
Ўзатади қўлини:

„Салом, Адиба!“

А д и б а

Салом.

Т а л ъ а т

Соғмисиз? Соғмилар опам?

А д и б а

Раҳмат.

Т а л ъ а т

Сиз тўлишибсиз.  
(Бу — энди ёлғон эди,  
Қиз жим, қизарган эди.)  
Бир оғиз гап бор эди,  
Учрашсак эртага кеч?

А д и б а

Вақтим йўқ-ку менинг ҳеч.

Т а л ъ а т

Аттанг, гап борди сизда...

А д и б а

(Қизиллик ёнди юзда)  
Хайр!

У тезда очар  
Машина эшигини.  
У туриб қолди ночор —  
Офтобда тутди уни.  
Толдими, туриб қолиб  
Бир оз оқарди ранги.  
Талъатни кўрган ҳамон  
Бир гап тушар ёдига.  
Наҳот у шунча ёмон?  
Қандай бордим ёнига!  
Эслар экан, қанчалар  
Жирканч кўринар бу юз.

Ўйлар уйга етгунча.  
Севиқли отасига  
Демабди бир огиз сўз.

#### IV

...Бунга уч йилча бўлган;  
У, капалақлардай маст  
Қўниб юрди ҳар гулга.  
Афтидан, ўқиш эмас,  
„Юриш“ яқин кўнгилга.  
Дарсдан сўнг, бозорда ҳам  
Олди-сотди қиларкан.  
Маҳаллада одамлар  
Уни яхши биларкан.  
Нима бўлди-ю, бирдан  
Уйланди Майизхонга.  
Эвлолмай ўқишни, тез  
Институтдан кетди.  
Ва турли баҳоналар,  
Найранглар тушди ишга.  
Юбормай қўйди кейин,  
Хотинини ўқишга.  
Бўлди у чинакам ғов.  
Бюро топшириғича  
Уйига борди ёшлар,  
Фойда бермади бетга  
Айтилган тўғри сўзлар.  
Бунда ҳали Худаёрхон  
Давр сурарди. Қизлар  
Қайтиб келди ўша топ.  
Аммо бошқа бир нарса  
Ёдда туради ҳамон.  
Уни баён қилишда  
Соз ҳам йиғлайди ёмон...

\* \* \*

Майизхон оғир касал,  
Наинки касал? Ўсал.  
Овқатдан ҳам қолди у,  
Лабга тушган томчи сув



Ушлаб турарди уни.  
Ўлишин кутардилар  
Уйдагилар ҳар куни.  
Чунки умид йўқ, ўлар.  
Ўлар чоғи кўрай деб  
Чақирибди эрини.  
Эшикка у тикибди  
Нурсиз кўзи қирини.  
„Ўғлимга яхши қаранг,  
Ўкинмасин жон болам...“  
Демоқчи бўпти у чоғ.  
„Эр“ кирмади. Бечора  
Уч марта чақирибди,  
Кирармикан деб зора.  
Уч марта ҳам кирмабди  
Шайтонласа чўчирмиш,  
Чунки эмасмиш ҳушда.  
Кимдир кирма, деганмиш  
Қўрқасан, дебди тушда.  
Шундай қилиб, тўсатдан  
Майизхон кўз юмибди,  
Кимсасиз етим экан  
На уруғи келибди,  
На тайинлай олибди  
Ўғилчасин эрига.  
Сўзи ичда кетибди,  
Олиб кетган гўрига.

\* \* \*

Буни бир бева хотин  
Адибага айтганди.  
Талъатнинг етим ўғлин  
Қилган экан „асранди“—  
Ҳамон яшаркан унда,  
Бу бевани онам деб.  
Ота уйланган кунда  
Ош ҳам емабди келиб.

\* \* \*

Эски-Жўвада... шу дам  
Ёдидан ўтди булар.  
Унинг қалбида алам.

Талъат-чи? Талъат кулар,  
Ҳеч нарса билмагандай.  
Қандай совуқ бу кулки!  
Куларкин ахир қандай?!  
Қалби шундайдир балки.  
Мағзавалардан унган  
Сассиқ алафга ўшар.  
Ана! У тикиларкан;  
Хушбичим, қора қошлар...

\* \* \*

Қиз ақли кўзидами?  
Йўқ!— деярди Адиба.  
Нега шўралаб тушмас  
Оқиб тушмас қош-кўзи!  
Мана ўша ярамас.  
Бу сўзнинг аниқ ўзи!  
Талъатнинг тақдирини  
Шу сўз-ла тугатаман.  
Қизлар! Мабодо ҳусн  
Керак бўлгундай бўлса,  
Сизга бир сўз айтаман:  
Йигит ҳусни қалбида!

## V

Бир куни, кечга яқин  
Валя қилди телефон.  
Адиба утирганди  
Ёлғиз ўзи хафақон.  
У эртага Бойсунга  
Жўнаётганин айтди.  
„Хайрлашай, деб сенга,  
Телефон қилдим шу пайтда...“  
Етиб борган куниёқ  
Айтди хат ёзажагин.  
„Ораминг бўлар узоқ,  
Кўнглиминг бўлар яқин!..“  
Ва аспирантурага  
Ўтибсан дер, бўлар шод.

Эшитибди, қишлоққа  
Жўнаганини Зиёд.  
„Тўғри қилибди“ деган  
Сўзни нечундир қўшар.  
Кейин у севадиган  
„Не забывай“ни айтар.  
Анча вақт ажрашолмай  
Чақчақлашар икки қиз.  
Ҳамма гап шуми дерсиз?  
Ҳа шу бўлган ҳамма гап.  
„Нима деди?“ Кираркан  
Зулайҳо қўймас қистаб.  
Сўнгги кунларда барча  
Гапларни қилар таъқиб.  
Валяни атар: „ғалча“,  
Кетар қаттиқ тутақиб.  
Чунки кўп маҳал фикри  
Фикрига келарди зид.

## VI

Лекин Адиба билар;  
Кўнглида йўқ ҳеч кири,  
Ва унда ёр катта дид.  
Зиёдни эслар экан,  
„Тўғри қилибди“ деди.  
Трубкада куларкан,  
Жимирлаб кетди эти.  
Демак... Валя бу сўз-ла  
Нима демоқчи? Балки,  
„Қолма! Узоқни кўзла!“—  
Дегани... балки ҳақли.

## VII

Профессор қизи билан  
Жўнаб кетди ниҳоят...  
Зулайҳо боролмади  
Чунки Тянь-Шан баланд,  
(Юрагидан шикоят...)  
Жўнатди-ю, бўлди у  
Ўзи хону ўзи бек.

Нега у ўтирсин тек?  
Тадбир излади...

Топди!

У биринчи ҳафтада  
Бориб келди фолбинга.  
Қайтди, ҳоли афтода,  
Яна кел, дебди унга.  
Жойлашган миясига,  
Минг гапиринг, қилмас кор.  
Қуш ҳам ўз уясида  
Кўрганин қилар такрор.  
Бир неча кун қатнади  
„Гадой топмас“ кўчага.  
Қанча червон сарфлади  
Доғули „эгачи“га.  
Қидириб у топибди  
Зиёд босган изини.  
Зиёддан „совутибди“,  
„Амал“ билан қизини.

## VIII

Тонготар билан поезд  
Қириб келди Фрунзегга.  
Ўзгарди иқлим ҳам тез,  
Тоғ ели тегди юзга...  
Уларни Пишпекдаёқ  
Тугалбой кутиб олди.  
Енгил машина шу чоқ  
Шаҳар томон йўл солди.  
Бир неча кун бўлишди  
Дўстининг ҳовлисида.  
Адиб жиндай тўлишди  
Фрунзе ёқди жуда.  
Қирғиз дўст бир қўй сўйди,  
Ёқди қизи-қизига.  
Уч кундаёқ у тўйди  
Тансиқ, оппоқ қимизга.

## IX

Нақадар тоғлар баланд,  
Нақадар соз қимизи.

Икки биродар билан,  
Икки биродар қизи,  
Йўлга чиқишди тонгда.  
Қалдирғочдек учарди  
Машина тоғлар аро.  
Дам баланд, дам чўкарди,  
Бир ён тоғ, бир ён дарё,  
Қояларнинг тагидан  
Буралиб ўтиб кетар.  
Тоғларнинг этагидан  
Учиб майсага етар.  
Қулун юрмас йўллардан  
Қувлаб ўтиб боради.  
Еллар учмас йўллардан  
Елдек етиб боради.  
Кийик ўтмас қирлардан  
Қушдай учиб боради.  
Оёқ тутмас ерлардан  
Сувдай кўчиб боради.  
Йўлбарс юрмас тоғлардан  
Қурқмай чопиб боради.  
Адашмасдан тоғлардан  
Йўлин топиб боради...

## Х

Кентдан, Тўқмоқдан ўтиб  
Етишар Балиқчига.  
Машина гўё шўнғиб  
Кетгандай кўл ичига,  
Ярқираб, уфқларга  
Етган ойна кўл ётар.  
Кўл атрофи — Олатоғ,  
Чўққилар кетган қатор.  
Минг турли чопқир сойлар  
Урилар, тошлар қулар.  
Бунда йўлбарслар пойлар,  
Келар чанқоқ оҳулар.  
Табиат қиличи-ла  
Шарт кесилган қоялар,  
Қулаб тушган тоғлардан.

Чўққилар узоқлардан,  
Ташларди узун соя,  
Чўлпон отада тунаб,  
Тонгда йўлга тушдилар.  
Қанча сойлардан ўгиб,  
Тоғ йўлида учдилар.

## XI

Гўзал Пржевальскда,  
Оқсувда ҳам бўлишди.  
Кечқурун Иссиқкўлда —  
Ёзилиб чўмилишди.  
Кўк-Жойиқда, ўтовда  
Тунашди, тоғ қандай соз!  
Бунда кўкариб новда,  
Бошланмоқда эди ёз.  
Чўққиларга тенглашиб,  
Кўкда айланар лочин.  
Тоғлар тоққа ёндошиб,  
Чўзган беҳад қулочин.  
Жети-Огуз туради,  
Чўққилари оппоқ қор.  
Унда пода юради,  
Тизза бўй майса, баҳор...

## XII

Бугун ҳам керак тунаш,  
Уй-улкан, эртаксимон.  
Деворлар — зўр қоятош  
Қандил — ой-у, том — осмон.  
Қимизни шопиришар,  
„Бешбармоқ“ тўғралади.  
Тўймайсан уни ей-ей...  
Тоғ ели кўгаради.  
Файз деган. . бари шунда,  
Атрофда: куррей-куррей...  
Ум-ба-а... лар қўйлар тунда.  
Бунда кимнингдир сўзи  
Зиёд сўзига ўхшар...

Орзиқиб, тикар кўзин  
Гуруннга яқинлашар.  
Беш қадамча наридан  
У яна осар қулоқ.  
Дил уриб кетар шу дам,  
Енгин чайнар бир улоқ  
Чўчиб тушар ва кулар,  
Қочар, унга ён берар.

### XIII

Ким у? Ўхшаш товушни  
Қидирарди жон билан  
Ва зўр хаяжон билан,  
Кутар, „яна бир сўз-ла!“  
Назарида, бу ерга  
Келиб қолгандай Зиёд.  
„Излаб келганми...“ дер-да,  
Ўз-ўзича бўлар шод.  
„Учиб ҳам келолмайди,  
Эҳ-ҳа... қанча йул Хоразм“.  
Билиб туриб излайди,  
Тоғ аро Зиёдини,  
Кимгадир соларкан разм.

### XIV

Ойсулу кузатаркан,  
Сўрар „нени ўйлайсан?“  
Жим бўлиб қолар бирдан...  
(Сўз топмас, уяларкан)  
Оёқлари қовушмас,  
Ўхшаб ёғоч оёққа...  
„Қимиз сени қилди маст.—  
Борма энди узоққа“  
Кўп ўйлаганданми бу,  
Ё кўп юрганданми бу,  
Қовоқлари салқибди —  
Тонгда кўрди Ойсулу.  
Ўзи ҳам буни кўрди  
Ойнага боқаркан у.

## XV

Биринчи келган хатни  
Ёндирган эди ўтда.  
Жавоб қилмаган жўртта...  
Негадир анча ўтгач  
Таъсир қилди ўзига.  
Узоқ бу тоғда, ёнган  
Хат кўринди кўзига.  
Қанча ўзоқлашса у  
Шунча яқинлашгандай,  
Қалбида қилар ғулу.

## XVI

Шу куни кечга яқин  
Тоғда бошланди чақин.  
Булут қилиб дағдаға,  
Тоғларга ёмғир ёғар.  
Бир ойга етмасданоқ  
Соғиниб қолди уйни,  
Нақадар чиройли тоғ!  
Қандай файзли тоғ қўйни!..  
Лек туғилган уйга тенг  
Ҳеч нарса йўқ дунёда.  
Тоғлардан ҳам бағри кенг  
Сен туғилган хонанинг.  
Меъдага тегар новвот  
Нон тегмас, чунки у нон.  
Отланишди, мезбонга  
Қалбдан раҳмат айтишди.  
Таклиф қилиб Тошкентга  
Ота-бола қайтишди.



## Ўн саккизинчи боб

Мақсадсиз киши — жиловсиз сувори,  
Мақол.

### I

#### З у л а й ҳ о

...Сафар ёқибди, болам,  
Аданг ҳам шуни айтди.  
Илгаригидай, алам  
Кетиб, шодлигинг қайтди.  
Рангинг кирибди анча.  
Ғам қурсин, уни янч-а!

Дарҳақиқат, сўнгги пайт  
Хаёлчан эмасдир у.  
Чиройи очиқ ва шай,  
Дилдан кетгандай қайғу.  
Қўшни қизи ҳамроҳи,  
Пляжга ҳам борарди.  
Роялини ҳам гоҳи  
Жаранглатиб чаларди.  
Она мамнун эди-ю,  
Титрар кийгандек юпқа.  
„Бир чўқиб, уч қарар“ у,  
Қалбда бор мавҳум шубҳа.  
Шубҳаси тўғри чиқди;  
Бирдан она бўлди танг.  
Бир гапни айтди қизи  
Она бўлди ҳангу манг.

#### А д и б а

Ариза бериб келдим  
Бугун комиссияга.

Жуда илтимос қилдим...  
Нега, бир мен қоламан.

З у л а й ҳ о

Ҳой болам, ҳой қиз, шошма  
Нима деб алжишсан?!

А д и б а

Алжишмас, тўғри гапим.

З у л а й ҳ о

Ким у? Рухсат берган ким?!  
Сен, қиз бола нарса-я?

А д и б а

Камситманг мени, ая.

З у л а й ҳ о

Камситмай тезроқ ўлай!  
Ростдан арза бердингми?

А д и б а

Ҳа, бугун бордим атай...

З у л а й ҳ о

Адангдан сўровдингми?

А д и б а

Сўровдим.

З у л а й ҳ о

Нима деди?

А д и б а

Рози бўлдилар адам.  
Биласиз-ку аяжон,  
Дунёда севмаганим —  
Мустақил эмас одам!

З у л а й ҳ о

Жинни бўлтими аданг!

А д и б а

Бўлмаса сўранг.

З у л а й ҳ о

Сўранг?!

Сўрашни ҳам биламан!  
Яхши, сўрайман ундан!  
Миясини ебдими!

\*

Ғазабланиб, чирсиллаб  
Ўрнидан туриб кетар.  
Модель туфли ғирчиллар,  
Паркетда юриб кетар.  
Уй ичида нимадир  
Ағанар шарақ-шуруқ...  
Бўстон титрайди дир-дир,  
Қарашга ҳеч тоқат йўқ.  
Ҳаддан ошади зуғум,  
Тишлар ғижирлар — қаҳр.  
Адиба утирар жим,  
Не гуноҳи бор ахир?  
Зулайҳо кутар тажанг  
Ўша „бебош“ адани.  
Гуё ёниб кетгандай,  
Ловва-ловва бадани.

З у л а й ҳ о

(Дам иссиқ, дам совуқдай,  
Юз туман уй ичида  
Тухум қуйган товуқдай  
Қақиллар уй ичида.)

Шафқат қилгин эй, худо-о!—  
Бу қандай кун! Ким чида-ар?!  
Шундай-чун туққанмиде-е-ем!  
Шуний-чун боққанмиде-е-ем!  
Не ҳасрат катта қиле-е-еб,

Шуми сендан умиде-ем!  
Ғариб мушук бўб қолде-е-ем,  
Таланиб болаларе-е-ем!  
Қандай кўтарай қадде-е-ем!  
Вай, ажалга бўлай е-ем...  
Яримжон онасине-е  
Ташлаб кетабарарме-е?  
Худо кўтарсин сани-е!  
Актип бўлмай қора е-ер!  
Комсомоллик ҳам ахе-е-ер  
Эвидадир-да, ахе-ер!..

## II

Бир соатдан сўнг уйдан  
Чиқиб, келар ёнига.  
Ташна бўлмай қонига,  
Тушгандай жазавадан...  
Ва лекин ҳали титроқ  
Кетмаган авзойидан.  
Ялингансимон бўлиб  
Ненидир гумон қилиб,  
Ўтирар креслога,  
„Шукур...“ деяр худога.  
„Тушунмаган“га шу дам  
Тушунтирмақчи бўлиб,  
Ўйлаб-ўйлаб, „каттакон“.  
Савол беради кулиб.

З у л а й ҳ о

Унутмадингми ҳалям  
Ўша қишлоқини?

А д и б а

Йўқ!

З у л а й ҳ о

Эс-ҳушинг кетган, болам...

А д и б а

. . . . .

З у л а й ҳ о

(Ўтирар, кўзини лўқ  
Қилиб, тикилиб атай)

Яхши кўрганда сени  
У кетармиди ташлаб?  
Ҳеч қайда бахт топмайсан,  
Онанг кўзини ёшлаб.

А д и б а

. . . . .

З у л а й ҳ о

Туғишганлар топишар,  
Хаамири сенга ёпишар...  
Хорламагин ўзингни!  
Каттароқ оч кўзингни!

А д и б а

(Сукут сақлар, сўз демас).

З у л а й ҳ о

Яхши кўрса кетмасди!

А д и б а

Чунки бордир мақсади.  
Мақсадсиз бош, у жўн бош,  
Фикрига эга биров!..

III

Эрининг фикрин билгач,  
Қўлтиқдан тушди тарвуз.

173

Эртасига ёйиб соч,  
Аламига сепиб туз,  
Айни нонушта пайти  
Бўлди қиёмат-қойим...

### Зулайҳо

Кетаркансан, дод, дейман!  
Орқангдан фарёд дейман!  
Чиқаман кўчаларга,  
Чапак чалиб, оҳ уриб...  
Ўзим ташлайман жарга,  
Ўламан арвоҳ бўлиб.  
Бунга қовул қилмасанг,  
Уйларга ўт қўяман!  
Сени чалғитганларнинг  
Кўзларини уяман!  
Бунга қовул қилмасанг,  
Цекага арз қиламан.  
Бунга қовул қилмасанг,  
Масковгача бораман!  
Оқ сутимни кўкларга  
Соғиб ташлайман, бил сен!  
Бунга қовул қилмасанг,  
Оқ қиламан сени мен!!!

### Адиба

(Сукут сақлар, сўз демас).

### IV

Вақтни ўтказмай, тезда  
Тушди у ҳаракатга.  
Сафар шодлиги юзда,  
Бориб келди билетга.  
Лиқ тўлди зўр чамадон.  
Бир қушга ҳам ҳар маҳал  
Керакдир ҳам сув, ҳам дон...  
Ҳамма нарса бўлди ҳал.  
Уруғларга ҳам етди  
Тезда бу ажиб хабар.  
Зулайҳо еяр этни,  
Эртага узоқ сафар!

З у л а й ҳ о

Бадном қилма ўзингни!  
Бузуқ дерлар...

А д и б а

Ҳа, майли!

З у л а й ҳ о

Бўласан бахтсизу хор!

А д и б а

Майли!

З у л а й ҳ о

Кирмайсан уйга қайтиб,  
Уйсиз, бўласан дайди!

А д и б а

Майли!

v

Вокзал. Ёмғир. Поездлар...  
Ер қорамой, қанча из.  
Улар хомуш, жим турар;  
Икков: ога билан қиз.  
Профессор кўзойнаги  
Бўлган ёмғирда хира.  
Билиб бўлмасди сира,  
Ёмғирмиди, ёки ёш...  
Қизининг чамадонин  
Жойлаштирар вагонга.  
Касалдек титраб, кейин  
Тушиб келар перронга.  
Занг урилар, у ўпар  
Қизин пешонасидан.

Адиба бошин қўяр,  
Ота кўксига бир дам.  
„Етганингни хабар қил,  
Хайр, Адиб, бўл омон ..“  
Юраги тўлиб келди,  
Лекин тутди ўзини.  
Эркаланиб, у кулди,  
Ўзмас эди кўзини...  
„Яхши қолинг, адажон!“



## Ўн тўққизинчи боб

### I

Буралиб оқар Аму,  
Дарёга ўйчан боқар.  
Яқинлашган сари у  
Юрак денгиздек қалқар.  
„Унутмадингми мени?  
Кўрсанг танийсанми сен?  
Рангим ҳам анча кетган,  
Анча касал бўлдим мен...“  
Ва бирдан, кўрмай туриб  
Юракда рашк туғилар.  
Негадир у бўғилар,  
Колхозда бормиш бир қиз;  
Номи эмиш Ўғилой...

### II

Зиёдга на хат ёзди,  
На бир телеграмма.  
Сукут қилди-ю, аммо  
Ўйлаб-ўйлаб у озди.  
Катта чарм чамадонни  
Зўрға-зўрға кўтариб,  
Кучаниб, қўли толиб,  
У тушади вагондан.  
Йўловчилар бир дамда  
Тарқалишар ҳар томон.

Шундай пайтда бир ҳамдам  
Булмаса қандай ёмон!  
Москва қизларидай  
Кийинган эди кўп шан.  
Сочлар прическа, ҳай-ҳай,  
Юзлар мисоли гулшан.  
Турар, тикилар, кутар...  
Йўқ ўткинчи машина.  
Чамадонга ўтирар,  
Хомуш қашир бошини.

### III

Тунаб қолди Урганчда —  
Меҳмонхона... Ётмай тез  
Кўчага чиқди ёлғиз.  
Юрди йўлкалар бўйлаб,  
Айланди у шаҳарни.  
Учқур еллар гувиллаб  
Эслатарди баҳорни.  
Борар, рўпарасидан  
Чиқиб қолгандай Зиёд.  
Шахлам тушарди қадам,  
Кутиб қолгандай Зиёд.  
Одамлар орасидан  
Қидирарди Зиёдни.  
Кўзининг қорасидан  
Тўкиларди зиёси.  
Магазинга кирар у,  
Кимдир Зиёдга ўхшар;  
Бирдан юрак этар шув  
Бирдан тикилар, тўхтар.  
Юрган каби Зиёди...  
Бирдан келиб уяти —  
Кулиб қўярди ичда.  
Ҳамма одам Урганчда  
Бор-ку, у қайда юрар?  
Ҳамма одам Урганчда  
Зиёд бўлиб кўринар.  
У бошдан-оёққача,  
Тикилиб қарар ҳайрон,  
Таажжуб бўлар пича.

#### IV

Тонгда турди. Машина  
 Кутмади. Кутиш — ёмон.  
 Йўловчи бир чол билан  
 Жўнади қишлоқ томон.  
 Эшакка ортилади  
 Катта зилдек чамадон.  
 Келиша берди аста  
 Чол билан қиз ёнма-ён.  
 Мўйсафид Адибага  
 Тез-тез қараб қўярди.  
 Тез-тез қарайди нега?  
 Нега ҳайрон бўларди?  
 Чол ишонмай ўзига,  
 Тикилар қиз кўзига.  
 Гўё Аму оқизиб  
 Келгандай Зухра — қизни.  
 Толгандай даласига  
 Тушиб қолган юлдузни.

#### V

- Узоқми?— у сўрайди
- Йўқ, болам, беш тош келар.
- Беш тош — неча километр?
- Бундан Гурланча келар.
- Гурлан яқинми, ота?
- Ова.

Адиба қотиб кулар.

Кенг далада тор бир йўл —  
 Мисоли илон изи.  
 Ариқлар, кўприклар мўл.  
 Дала тандирдек қизир.  
 Яқинлашгач, йўллардан  
 Пириллаб учар тўрғай.  
 Қаққайиб узоқларда  
 Кўринар гужум, ирғай...  
 Текис далалар оша  
 Қалдирғоч сузиб ўтар.

Кўлдан учган ўрдаклар  
Бўйинини чўзиб ўтар —  
Баъзан олисда овчи,  
Отар, ўрдаклар нишон...  
Борар икки йўловчи —  
Бири — тонг, бири — оқшом.

## VI

Шу кун йўлда бир шофер  
Кўрибди қиз ва чолни.  
Таажжублар бўпти зўр,  
Қиз олибди хаёлни.  
Сельпода турганлар ҳам  
Кўрибдилар уларни.  
Бир ажиб қиз ўтганмиш,  
Эслатиб оҳуларни.  
РТС ёнида ҳам  
Уларни кўрибдилар.  
То йўқолгунча кўздан  
Тикилиб турибдилар.  
Советда ҳам уларни,  
Кўриб, бўптилар ҳайрон.  
„Икки ёрнинг“ шуҳрати  
Тез тарқалибди ҳар ён.  
Яна аллакимлар ҳам  
Трактордан кўрибди.  
Ким бу? Тушунмай шу дам.  
Бир-биридан сўрабди.  
Бир кундаёқ „янгилик“  
Қишлоққа тарқалди тез.  
„Келмиш соҳибжамол қиз...“

## VII

Остонага туширар  
Чамадонни эшакдан.  
Бир қиз югуриб чиқар  
Чол ёнига эшикдан.  
Бир сакраб минар-да у,  
„Хайр“ — дикиллар йўлга.

Адиба зўрға-зўрға,  
Олиб кирар ҳовлига.  
Қиз бола ағраярди,  
Ёрдам бермасди нега?..  
Ҳовлида ҳам бир аёл,  
Турарди суриб хаёл;  
„Салом“.  
„Салом алайкум“.  
Қўл беришиб кўришар.  
„Адибамисиз, келинг,  
Вой, қизим омонмисиз“.  
Бошқатдан бир-бирларин,  
Қучоқлашиб кўришар.  
Кифтига уриб, шу тоб  
Қаҳ-қаҳ уриб кулишар.  
Уйга киришар, қалин  
Кўрпача ёзар тезда.  
Сўрайди оналарин,  
Бир зўр ҳаяжон юзда.  
Комиссия областга  
Ишга йўллаганини.  
„Мактабдоши Зиёдни“.  
Кўриш-чун келганини  
Адиба гапираркан.  
Қизлар тинглар маҳлиё...  
Нега кўринмас Зиёд?

## VIII

Қаттиқ чарчаган экан,  
Чойдан сўнг босди уйқу.  
Қанча тутмоқ бўлса ҳам,  
Барибир мудради у.  
Зирқирар эди товон,  
Увишар, игна санчар.  
Уйқу босарди ёмон.  
Боя, ярим йўлдаёқ  
Кўчиб кетди пошнаси.  
Юрди у яланг оёқ.  
„Дам олинг“ деди қизлар.  
Ёстиққа қўйди бошин,  
Қўллар оғир қўрғошин.

Кечқурун қайтди Зиёд  
 Ота билан шаҳардан.  
 Минган эди йўрға от,  
 Қадамлар эди шахдам.  
 Кўрган ҳамон Зеварни  
 Эшитди бу хабарни.  
 „Кирманг!“ деганга қўймай  
 Уйга кирар бирпасда  
 Кўзларига ишонмай,  
 Яқинроқ борар асат.  
 У ухлар... Ёш боладай  
 Беозор ва пишиллаб.  
 Икки юзи лоладай  
 Қип-қизил, ётар терлаб.  
 Баъзан тамшаниб қўяр —  
 Мунча ҳам ширин лаби,  
 У эркаланиб ётар,  
 Ўз она уйи каби.  
 Киприкларга қўнибди  
 Дала йўлидаги чанг.  
 Қовоқлари бўртибди  
 Ёноқлари анор ранг.  
 Қараб турар бир нафас  
 Тепасида Зиёд, ва  
 Эшитилар-эшитилмас  
 Чақиради „А...ди...ба...“  
 У кўз очар, тикилар  
 Уйқули кўзи билан.  
 Индамай тура берар,  
 Қип-қизил юзи билан.  
 Бир дамдан сўнг кўзларин  
 Уқалар, уйқу қочар.  
 Кўзларин катта очар,  
 Бирдан кўтарар бошин.  
 „Адиба, салом!“ „Зиёд!“  
 Ва Зиёд уни қучар,  
 Лабларига босар лаб.  
 Қизариб қолишидан  
 Қўрқиб, секин кўксидан  
 Кўксини олиб қочар.

## Х

Анча ўзгарган Зиёд;  
Офтобда қорайибди,  
Билаклари куйибди,  
Соч-соқолини бод-бод  
Олдириб ҳам турмаскан.  
Шундайми бу чет маскан?  
Йўқ! Шу кун у гузарга  
Чиқиб, теп-текис қайтди.  
Синглисига буюрди;  
„Ёшулига хабар қил!“

## ХІ

Деҳқонбой ота

Хуш келибсан, чирогим!  
Сендан эшитиб дарак,  
Ёрилгудай бу юрак  
Қувондим, хўп қувондим.  
Отанг соғми, омонми?  
Янгам соғмилар, қалай?

Адиба

Раҳмат. Салом айтдилар.

Деҳқонбой ота

Дилгромсиз, бу қандай?

Адиба

.....

Деҳқонбой ота

Қийналмадингми йўлда?

## А д и б а

Йўқ. Бахтимга бир дилкаш  
Йўловчи тўғри келди.  
„Қизим, эшакка мингаш“  
Дер зўр бериб... (У кулар).

## Д е ҳ қ о н б о й о т а

Эшитдим, бир пошнангиз  
Тушиб қолибди чўлда.  
Хайрият чол — ошнангиз,  
Ёрдам берибди йўлда.  
(Адиба қотиб кулар).

## А д и б а

Комиссия Хоразмга  
Йўлланма берди.

## Д е ҳ қ о н б о й о т а

Маъқул.

## А д и б а

Бир неча йил ишлаб, сўнг  
Мен қайтаман Тошкентга.  
Икки-уч йилдан кейин,  
Бўларман аспирантка.

## Д е ҳ қ о н б о й о т а

Маъқул. Яхши. Сен болам  
Беш-Гужумда ишлайсан,  
Ёмонмас бизнинг дала.  
Сен ҳозирча яшайсан  
Бизникида. Энг яхши  
Хонам сеники, қизим.



## *Йигирманчи боб*

Адиба мактуби

Қадрдон, жоним ада,  
Салом! Аяжон, салом!  
Аввал ўзим ҳақимда  
Бошлайман қисқа калом:  
Соғман. Ишлаб юрибман,  
Тошкентдай эмас, бироқ  
Мен ёш бола эмасман,  
Нега керак яширмоқ;  
Рангим ҳам кетган оз-моз,  
Булар сени чўчитмас.  
Нега чўчитсин, ахир,  
Бу ерлар курорт эмас!  
Лекин тўғриси, ада,  
Мен сизларни соғиндим.  
Ҳар кун, хизматдан қайтиб,  
Ўйлайман ётоғимда.  
Соғмисиз? Менга ёзинг.  
Нега хат келмас сиздан?  
Баъзан чарчаб қайтаман,  
Стул узра юпқа чанг.  
Баъзида зерикаман,  
Бўламан бир оз тажанг.  
Деразадан қарайман,  
Негадир узоқ йўлга,  
Одат, сочим тарайман  
Сўнг . . . ручка олиб қўлга  
Хатни этаман давом.

Беш чақиримча йўл босиб,  
Қайтдим яна хонамга.  
Чарчадим, ада, роса.  
Қани шу пайт ёнимда  
У, аяжоним бўлса...

\* \* \*

Ёдингиздами, қадим  
Яшардик Зоғариқда.  
Турардик биз шаҳардан  
Анчагина йироқда.  
Бир „Опа-доктор“ деган  
Кампир бўларди қадим.  
Сочи оқ, мункиллаган  
Лекин тетикди. Қаддин  
Тик тутиб юрар эди.  
Ёқиб қолганди халққа,  
Ярим Тошкент танирди.  
Баъзан хонаси лиққа  
Одам билан тўларди.  
Катталарга у доктор,  
Ёшларга эди она.  
Бемордан қочарди дард,  
У бўлганда парвона.  
Вера Петровна дерлар  
Унинг асли отини.  
Эри Сельмашда ишлар —  
Мастеровой хотини.

\* \* \*

Адажон, у докторни,  
Ёқтирардинг сен нега?  
(Соғингандан сен, дедим)  
Фаҳмим етмаскан унда.  
Тез-тез оғриб турардим,  
Тез-тез келар ҳаллослаб.  
Шунчалик қимматмиди,  
Менинг ҳаётим унга. . .  
Мана у опа-доктор,

Ёдимга тушди бирдан.  
Мен ўзим ўхшаб қобман  
Ўша „Опа-доктор“га.  
У врач эди. Мен-чи?  
Бунда ёш ўқитувчи.  
Балки қалб ўхшар унга.  
Москвадан келган дердинг,  
Иссиқ уйини ташлаб.  
Ленин юборган дердинг,  
Келган фан нурын бошлаб  
Қоронғи юрт — биз томон.  
Мақсад: бизни дардлардан  
Асраб қолмоқлик омон.

\* \* \*

Тор кўчаларимизда  
Чарчаб, мункиллаганда,  
Ажабланганмиз жуда.  
Шундай бир олижаноб  
Ният яшаркан унда.  
У ҳаётмикан? Агар  
Бор бўлса бир кўрардим.  
Қалтироқ қўлларини  
Юзларимга сурадим.  
Ишимни билмоқ бўлсанг,  
„Опа-доктор“ни эсла.  
Лекин унга қилма тенг,  
Баробар қилма асло!  
У қилган ғамхўрликни  
Ҳали қила олмадим.  
Лекин буздим тўсиқни,  
Ярим йўлда қолмадим.  
Нега хат келмайди, айт?  
Сукутда бор қандай сир?  
Хаёллар ўрар шу пайт,  
Мен бўламан хавотир.  
Нега тўхтади хатинг,  
Нега ёзмайсан, ада?  
Нега? Айт, йўқми вақтинг?  
Сен бандмисан шу қадар?  
Нега ахир бир жавоб  
Қилмайсан олган хатга?

Юрагим булар кабоб,  
Вақт топмасанг, наҳотки!..

### Зулайҳо мактуби

Бир варақда бир оқ жой  
Қўймасдан хат ёзибди.  
Пуф деса учай-учай  
Дегандай оқ қоғозда,  
Ҳарфлари хўп тўзибди..  
„Ж“ эслатар чивинни.  
Қадим, амаллаб, зўрға  
Битирганди „ЧБ“ ни.

„Етиб маълум бўлғайким,  
Биз ато-анонг соғмиз.  
Адибахон! Жон қизим,  
Суянган зўр тоғимиз,  
Наҳот Тошканга сиғмай,  
Юрсанг дашт-биёбонда!  
Наҳот гулдай очилмай,  
Наҳотки, қилмай ханда,  
Қувнамасанг ёнимда.  
Сен ҳамма вақт жонимда.  
Етар энди, қайт, болам!  
Қайт болам, қайт, жон қизим!

\* \* \*

Дўст-душманнинг олдида  
Юзимни қилма шамгин.  
Онандир аламдийда,  
Сўзларимга ишонгин!  
Сен қайтмасанг сомондай  
Тўзаман, душман кулар.  
Сен қайтмасанг камондай  
Менинг қаддим букилар.  
Етар энди, қайт болам!  
Қайт болам, қайт, жон қизим!

\* \* \*

„Гап“ бўлган бўлсанг майли,  
Унутарсан боғларда.

Чайиб-чайиб оламан  
Сени зўр дарёларда.  
Ордона қолсин ишқи —  
Қишлоқини тез унут!  
Салавот ўтган ишга!  
Яхши қизлар йўлин тут!  
Етар энди, қайт болам!  
Қайт болам, қайт, жон қизим!

\* \* \*

Ўн бир қаваг дур олиб,  
Тахт қилиб қўйдим, қизим.  
Ўн саккиз минг сўм солиб  
Қўйдим сандиққа ўзим —  
Қундуз пальто оласан.  
Мен олдим қанча „отрез“,  
Сен киймасанг кияр ким?  
Кела қолсанг эди тез,  
Ахир сени соғиндим,  
Етар энди, қайт, болам!  
Қайт болам, қайт, жон қизим!“

Адибанинг иккинчи мактуби

„Азиз ая, аяжон!  
Илиқ сўзлар-чун раҳмат.  
Лекин ўз қизингизни  
Ҳалигача билолмай  
Юриш... кўп ачинарли!  
Ахир, не чора ҳам бор.  
Менинг севгимни ҳатто  
Сўккансиз, кўп ранжидим!  
Фикрингиз шу бўлса ҳам,  
Қайтмасангиз ҳам, хатда  
Оз-моз бўлмоқ керак жим!  
Мен қайтмайман ҳеч қачон!  
Дур тақиб, „фақат хотин“  
Бўлганларни севмайман.  
Севмаслик нари турсин,  
Жирканаман улардан!  
Бунда ҳам уч-тўртта бор. . .  
Бу „ойимтилла“лардан,

Қишлоқда ҳамма безор!  
Инсон обрў-қадрини  
Ҳеч вақт бермайди дурлар!  
Кир қилиб қўяр дилни,  
Кўп ортиқча ғурурлар.  
Бунда, кўпчилик ичра  
Бордир қадрим, обрўйим.  
Тугаган ҳатто ҳижрон...  
Кўкка етгандай бўйим,  
Хурсандман ўз ишимдан,  
Зиёдга келсак, Зиёд  
Мени севади. Бу — бахт.  
Мен ҳам севаман уни.  
Дурлар керакмас, ая!  
Шу керак менга фақат!“

## *Йигирма биринчи боб*

### I

Ҳамма нарса ўзгарар,  
Ҳамма нарса қарийди.  
Ёз сарғаяр, куз кирар,  
Тош, музлар ҳам эрийди.  
Тоғлар ҳам нурад аста,  
Ўзгарар дала, қишлоқ.  
Болалар бўлар катта,  
Катталар соқолига  
Аста-аста инар оқ.  
Вақт—шамол ўтувчан,  
Бола—ниҳол ўсувчан . . .  
Лекин ёруғ дунёда  
Қаримас нарса ҳам бор.  
Унинг умри зиёда,  
Унинг ҳаёти баҳор.  
Чин севги ўти билан  
Ёнган қалб қаримайди.  
Совимайди ҳеч қачон,  
Оташдан аримайди.

### II

Куз кунларин бирида  
Ўтди икки ёш тўйи,  
Узоқ Хоразм ерида  
Ушалиб орзу-ўйи,  
Адибам бўлди келин.

Беш-Гужум одатича  
Ўриб икки кокилин,  
Сандиқдаги бисотдан  
Кийиб, у берди салом.

### III

Тўйга ота ҳам келди,  
Бунда, ҳеч қутилмаган  
Эҳтиром кўрди элдан.  
У табриклади дилдан  
Адибани, Зиёдни.  
„Бир эмас, икки бўлди  
Менинг фарзандим“ деди.  
Келолмади Зулайҳо  
„Бетоблик бермабди йўл“.  
Лекин у қиммат баҳо  
Ҳадялар йўллабди мўл.  
Валентина, Анордан  
Келди телеграмма.  
Адиба назарида  
Келгандай бўлди ҳамма.  
Шундай қилиб, тўй ўтди.  
Бошқалар каби оддий  
Яшар қишлоқда улар,  
Камтарликда маъно кўп...  
Шундай ўтарди кунлар.  
Ўпич бўлиб кўчдилар  
Икки қалбнинг гурс-гурси.  
Баҳор бўлиб учдилар  
Икки ёшнинг нафаси.  
Ойлар ўтгач, жуфт каптар  
Хас тишлашиб учдилар  
Кичкина ошиёнга...

### IV

Хоразм баҳорини  
Ёзсам, ёзгудай гап бор.  
Хоразмда мавж уриб  
Оқувчи юзлаб ёп бор.



Аму бўйлаб, шимолга  
Гала-гала қуш учар.  
Амал кирар ниҳолга,  
Булутлар енгил кўчар.  
Савалаб қолар баъзан  
Қишлоқни жала-қуюн.  
Баъзан кўтариб тўзон,  
Дашт ели солар ўйин.  
Ўтлоқлар майса-гилам,  
Богларда кулар гуллар.  
Тирилган каби олам,  
Тирилган каби чўллар.

## V

Баҳор унинг-чун атай  
Келгандай, Адиба шод.  
Гулни ҳеч кўрмагандай  
Ўзини урар. Ҳаёт,  
Бўлди нақадар яхши.  
Ердан чигит ҳам унди.  
Адибанинг юзига  
Капалаклар ҳам қўнди.  
Худди гул кўрмагандай,  
Бу ер гулига боқар.  
Узиб олар-у, ҳидлар,  
Тўймас, кўксига тақар.  
Бунда қурилаётган  
Кичик бир иморат ҳам  
Тортар унинг диққатин.  
Шу ҳақда ўйлар сурар,  
Бергандай ўзи ёрдам.  
Тошкентга тушаётган  
Зур бинолар бунчалик  
Тортмаган диққатини.  
Бунда йўл қураётган  
Ҳар ишчи, ҳар арава,  
Тўкилган шағал-тош ҳам  
Қизиқтирарди уни.

## VI

Қишлоқда машиналар  
Ботиб қолмасин лойга.

Урганчда қуриларкан  
Водопровод, демак  
Беш-Гужумга ҳам фойда.  
Ўрганиб олди бунда —  
Баъзан минар жийрон от.  
У кичкина одаммас —  
Сельсоветга депутат.  
Бу ер қўшиқлари ва  
Куйлари этди мафтун.  
Бу ернинг сержазава  
Рақси ҳам ёқди бутун.  
У она. Огирлашди,  
Кўнгли айнирди бот-бот.  
Юрагининг тагида  
Ўсмоқда „кичик Зиёд“.  
Китоб ўқир эди кеч  
Ва барвақт уйғонарди.  
Ой-куни яқинлашгач,  
Одат, кўпроқ юрарди.

## VII

Адиба юрагига  
Гулгула солди баҳор.  
Уйда ётасан нега?  
„Ётма, майсаларга бор!“  
Қушчалар ҳам сайр этар;  
Кўллар томон учар ғоз.  
Сайр этсанг чарчоқ кетар,  
Кунлар илиқ, қандай соз!  
Май кунларин бирида  
Юлдузлардек чақнашиб,  
Меҳмонга отланишиб,  
Жўнашди эру хотин.  
Йўл узоқ, илон изи  
Уфққа кириб ўчар.  
Узун йўл бўйлаб сузиб,  
Баъзан қалдирғоч учар.  
Улар яқинлашаркан,  
Йўлдан учар жуфт тўрғай.  
„Ҳой тўрғай, бир оз тур, ҳай!“

Қокилингни бир кўрай“,  
Йўловчи ўтгач, йўлга  
Келиб қўнишар бирдан.  
Ҳушёр боқиб ўнг-сўлга,  
Хўрак излашар ердан.

### VIII

Еримиз нақадар бой,  
Нақадар сахий бу ер.  
Минг-минг тонналаб буғдой,  
Минг-минг тонналаб пахта  
Ишлаб оламиз ундан.  
Баъзан йўлни чангитиб,  
Машина ўтиб қолар.  
Бир зумдаёқ нуқтадек  
Бўлиб, кўздан йўқолар.  
Аравани тортиб гоҳ  
Қўш ҳўкиз ўтар йўлдан.  
Аравада пичан — тоғ.  
Баъзан хачирлар илдам  
Дикиллаб ўтиб қолар —  
Инсон ишига ҳамдам,  
Бирпасда кетиб қолар.

### IX

Улар борар... Гоҳ учрар  
Баланд, қадимий қўрғон.  
Кунгуралари нурар, —  
Миноралардек йўғон.  
Юз йилни индамасдан  
Ўтказар бунда девор.  
Футур кетаркан пастдан,  
Қуларкан мардонавор.  
Бу Хоразмдаги барча  
Пахсаларга теккан дард.  
Зах урмасайкан, қанча  
Юз йиллар тутарди қад.

## X

Улар борар, ҳар нарса  
Адибни қизиқтирар.  
Ҳаттоки оддий пахса,  
Оддий бир тош ҳам унга  
Гавҳар бўлиб йилтирар.  
Бу ерда Зиёд учун  
Ҳеч нарса йўқ таажжуб,  
Ҳайратга тушсин нечун.  
Лекин разм солиб хўп,  
Завқланар эди ичдан.  
Саволларда борди шавқ.  
У қизиқаркан чиндан;  
Бу Зиёдга берар завқ.

## XI

Тунаб қолишди шу кун  
Қолхозда, деҳқон уйда.  
Ўзида йўқ шод бўлди,  
Деҳқон уй бўлди тўйдек.  
Чиқди қўни-қўшнилар  
„Ўша тошкентлик қиз“ни  
Кўришга орзумандлар.  
Тавсифин сўзлашарди:  
„Ўқиган эмиш, олим,  
Севганмиш“ дейишарди.

## XII

Узоқ уруғлар сиртдан  
Ғойибона қилар фахр.  
„Тошкентдек узоқ жойдан  
Излаб келибди ахир...“  
Қизлар ўрашар, кўзда  
Илиқ ҳурмат, жиндак рашк.  
Ўқиётган китоби  
Бунда бўлди хомталаш.  
Бир қозон гўжа қолиб,  
Ош дамланди бошқаттан.

Икки жуфт жўжа солиб,  
Қўшнидан чиқди лаган.  
Хумчадаги мусаллас  
Сузилди пиёлага.  
Қизлар негадир ичмас,  
Зиёддан уялади.  
Қирқма қовун сўйилди,  
Лаганларга уйилди —  
Адиба учун тансиқ.

### XIII

Ойдин. Гижбанг чирманда...  
Супада ўтиришар.  
Тожи гумбаз — „шарманда“,  
Дикиллаб ўйин тушар.  
Қарсиллаб чалар чапак,  
Кўзлар ишва, мақомда,  
Бир қизни қилиб чалпак,  
Даврага олиб тушар.  
Баъзан елкасин қисиб,  
Ер тепинар, қўл — шақ-шақ.  
Баъзан тер ичра қизиб  
Сув бўлар у бир қошиқ.  
Баъзан қуш боласидай  
Қанот қоқиб, талпинар.  
Баъзан кенг даласидай,  
Қулоч ёзиб, айланар.  
Баъзан сувори, отда  
Қамчи босади — ҳа-чу!  
Баъзан кимнидир шартта  
Ўхшатиб қилар ҳажв.  
Баъзан кифтини қоқар,  
Силкинар эди кўкси.  
Меҳмонларга кўп ёқар,  
Қандай саз бу эл рақси.

### XIV

Эру хотин тунашиб,  
Эрта билан жўнашиб,—  
Қайтишди қишлоқ томон.  
„Тожи ўйнарган ёмон...“

Анча кулишиб олди,  
Анча юришиб олди.  
Ёқиб қолди шўх ўйин.  
Тенги йўқ қишлоқ тўйин,  
Қизларнинг баҳоси йўқ,  
Қайда бор шундай бир завқ?  
Зиёд хўп мамнун, чунки  
Адибаси бўлди шод:  
„Билмасканмиз, чин дўстлар,  
Бу ёқда экан, Зиёд!“

## XV

Яна ўша узоқ йўл,  
Икки томон кенг дала.  
Аму томонга қушлар  
Ўтади гала-гала.  
Ҳаво ҳам айниб қолди,  
Қуюқлашди булутлар.  
Партовлар ҳам йўқолди,  
Шамолда барра ўтлар —  
Титрашарди кечаги  
Тожи гумбаз рақсидай...  
Бир оз юргач лабдаги  
Кулкиси сўнар, у жим.  
Чақчақлаш ҳам, қалбаги  
Тўлқинлар қилмай ҳужум —  
Тухтагандай. . . Оҳ, уриб, —  
Секин қилар шикоят.  
Дардни яшириб, яна  
Қулиб қўяр ниҳояг.  
Йўлга чиқишда, уйда  
Санчган экан икки бор.  
Зиёдга гапирмабди,  
Бермабди у эътибор.

## XVI

Икки биқини санчар,  
Кўнгли бўлар беҳузур.  
Гўё бир ўткир ханжар  
Қорнин кавларди. Базўр

Қадам ташлар эди суст,  
Минг машаққатлар билан.  
Нега айтмади, афсус!  
Зиёд бўлар эди қон.  
„Тўхтанг, ўтирай бир оз,  
Босилиб қолса зора...“  
Ўтирар йўл четига,  
Иложи йўқ, нечора.  
Босилгандай... у хушҳол  
Юзлари бўлар масъум.  
Зиёднинг қўлин ушлар,  
Лабларида табассум.

## XVII

Йўқ. Оғриқ босилмаган,  
Бўғилар, бўлгандай ғарқ.  
У бошида билмаган,  
Тутаётган эди „дард“...  
Гувиллар шамол. Бетга  
Тушар бир-икки томчи.  
Қайтиб бўлмайдиган кетга,  
Отга босгандай қамчи,  
Туриб яна жўнашар.

## XVIII

Туриб жўнашар яна,  
Яна у ташлар қадам.  
Енгмоқ бўлар мардона,  
Бермоқ бўлади барҳам  
Оғриқ, санчиққа. Лекин  
Беҳол тинади кўзи.  
Оёқлари бемажол,  
Ташлайди аста ўзин  
Зиёд қўлига. У лол,  
Адибани тез қучар.  
Дала шамоли эсар,  
Ёмғир эса томчилар.  
Жон аччиғи, осилар  
Эри бўйнига бирдан.

Зиёд уни қучоқлаб,  
Азод кўтарар ердан.  
Йўл бўйлаб кетар жадал,  
Чалишар оёқлари.  
Белидан кетар мадор,  
Буртади қовоқлари.  
Аксига учрамасди.  
На машина, арава.  
Томчилаб секин-аста,  
Қуйиб юборди ҳаво.  
Узун дала йўлида  
Ўйнар ёмғиру шамол.  
Чарчоқ Зиёд қўлида  
Адиба ётар беҳол.

## ХІХ

Адиба ётар беҳол,  
Юзидан қочар қони,  
Орқадан қувар шамол,  
Зиёднинг йўқ дармони,  
Бир зум тўхтар-да, яна  
Олға қараб интилар.  
Бағрида беҳол она,  
Қалбини алам тилар.  
Тезроқ етиб олсайкан,  
Қишлоқ — туғруқхонага,  
Оғриқлари қолсайкан,  
Ором берса жонига.  
Қийналиб кетди ахир  
Унинг гўзал Адиби.  
Чарчаганига боқмай,  
Интиларди ҳадеб у.

## ХХ

Ўз касалин унутиб  
Далада чопар Зиёд.  
Фақат Адибаси-ла  
Шириндир унга ҳаёт.  
У кўксинда кўтариб,



Келарди Адибани.  
У кўтариб келарди  
Икки жигарбандини;  
Бири мана, дард билан  
Курашар, оқарган юз.  
Бирин ҳали кўрмаган,  
У ё ўғил ёки қиз...

## XXI

Ёмғирда ивиганди,  
Тамом кетганди дармон.  
Куч қолмаганди танда,  
Дилда ёнганди армон.  
Ичида бир томири  
Бўлди шарт узилгандай.  
Титради, оқди тери,  
Электр — ток ургандай.  
Қишлоққа оз қолганда,  
Дуч келди грузовой.  
Кўрди-ю, шинаванда  
Шофер тўхтатди ва жой  
Кўрсатди кабинадан.  
Оз бўлса ҳам у ёрдам  
Кўрсатди ҳамқишлоққа.  
Уни туғруқхонага  
Ётқизиб, Зиёд қайтиб  
Боролмади ёнига.  
Яна касали қўзғаб,  
Азоб берди жонига.

## XXII

Эртасига биқини  
Оғриб, яллуғлаб шишди  
Ва нафаси тиқилиб,  
Эски у дарди қучди.  
Операция ўрни —  
У эски жароҳати,  
Зўриқиб оғрир эди,  
Кетганди фароғати.

### XXIII

Деҳқонбой ота, дўстлар,  
Сингиллари ташвишда.  
Ётиб, чангак бўлиб, у—  
Кетиб қоларди ҳушдан.  
Шу куниеқ Урганчга  
Олиб кетди „Тез ёрдам“.  
Зиёд соғлиғи аянч,  
Оғир ўтарди ҳар дам.  
Деҳқонбой ота ғамли,  
Боши чўян каби зил.  
Ночор у далда берар,  
Лекин сиқиларди дил.  
„Наҳотки сўрамаган  
Колхоздан бир машина?  
Наҳотки учрамаган  
Йўлларда бир машина?“

### XXIV

Шу кун кечаси, кўзи  
Ёриди Адибанинг.  
У қучди оппоқ қўзин.  
Орзу қилгани унинг —  
Бир ўғил туғиб олди.  
Тўлғоқлар ҳам йўқолди.  
Тўхтади оғриғи ҳам,  
Дарднинг ўткир тиғи ҳам,  
Ботмай, ёришди кўзи,  
Ёнда ётар юлдузи.  
Энагалар парвона,  
Ёнидан аримасди.  
Шод эди кичик она,  
Фарзанди билан мастди.

### XXV

Бу хушхабарни тезда  
Етказдилар Зиёдга.

Эшитди-ю шу кезде  
Севинди ниҳоятда.  
Бир оздан сўнг бу ерда  
Ёшули бўлди пайдо.  
Аввал бўлди ғалати  
Киаркан палатага.  
Кенг елкасида оппоқ,  
Врачларнинг халати.  
Нор туядек пишиллаб  
Стулга чўкар аста.  
Гап бошлар мўйлаб силаб...  
Шошмас, у гапга уста.  
Ичига сиғдиrolмай,  
Хабар етганин билмай,  
Шодликдан берар дарак.  
Зиёд эшитмагандек,  
Қилар эди табассум...  
Кўнгли очиқ одамлар  
Хушхабар, яхши сўзни  
Етказишдан завқланар.

## XXVI

Мароқ билан сўзларди  
Айтгандай саргузаштни.  
Кичик бир парча гўштни  
Лоф уриб сўзларди ул,  
„Хотининг туғди ўғил —  
Қўчқордек ўғил — полвон.  
Тоғдек зур йигит бўлар,  
Ҳа балли, бўлсин омон...“

## XXVII

Зиёднинг бугун баланд  
Кўтарилган иссиғи.  
Мисдек қизирди бадан,  
Биқинда оғриқ тиғи.  
Ҳарорат зўрлигидан  
Оларди қисқа нафас.  
Лекин зўр экан чидам,

Бўғилиб чиқарди сас,  
Лекин юзда табассум.

### XXVIII

Адиба тушунмасди,  
Нега келмасди Зиёд?  
Хавотир бўлди рости,  
Нега тортмайди зурёт.  
Отани бу уй сари?  
Тинмай бу ерга чопар  
Аммалари сарсари.  
Деразадан боқишар  
Чақалоқнинг юзига.  
Қанча нигоҳлар тушар  
Унинг бу юлдузига.

### XXIX

Дераза нарёгидан  
Чақалоқ „инга-а“ сига,  
Бу шодлик йиғисига  
Қулоқ солар дамодам.  
Ўқтин-ўқтин орқага  
Тортиб кетар юраги.  
Зиёд келмади нега?  
Қоронғи қалбин таги.  
Нега келмайди Зиёд?  
Бўлар эди хавотир.  
Шубҳаларни енггандай,  
Хавотирларда ботир  
Тутар у юрагини.  
(Хогинлар қилса шубҳа,  
Фақат ёмонлик ўйлар,  
Ўйи ҳам бўлар мубҳам...)  
Ахир яхшилик ҳам бор,  
Бор-ку шодлик дунёда,  
Ўғил туғдим, бахтиёр  
Умри бўлсин зиёда.  
Шайтонга ҳай бер, Адиб!  
Яхшиликларни ўйла!

### XXX

Зиёднинг кўп сўзлашга  
Келмас эди мадори.  
Ҳамшира тегар ғашга;  
Тўрт маҳал укол, дори...  
Тўнка ёргандай терлаб  
Базур, аҳволи кўп танг,  
Қуллари титраб-титраб,  
Уч-тўрт сўз ёзар аранг:  
„Севикли Адибажон!  
Фарзанд билан мен сени  
Табриклайман“. Ҳаяжон  
Ичра ёзади хатни.  
Узатар Ёшулига,  
Қоғоз билан қаламни.  
У шод эди чиндан ҳам,  
Енгиб оғриқ-аламни,  
Хайрлашар икки дўст.

### XXXI

Тушга яқин Урганчдан  
Етиб келди қишлоққа.  
У хатни бир врачдан  
Кирипти Адибага.  
Ҳовли томондан ўзи,  
Ойнадан тикди кўзин.  
Хатга боққан замоноқ  
Юзлари бўлди оппоқ.  
Кенг палата кўзига,  
Ўхшамай кундузига,  
Бўлиб кетди қоронғу.  
Ялт этиб, деразага  
Жон ҳолатда боқди у.  
„Нима гап бу?“ дегандай  
Жавдирар у Отага.  
Турмоқчи бўлди шу пайт.  
Ёнида ётган хотин  
Қўзғатмади ўрнидан.

### XXXII

„У касал бўлиб қолди,  
Биқин шишган, ўша дард...“

Тузалиб қолар, дардга  
Ўзинг биласан, у мард.  
Ёнида эдим, сени  
Ҳар дамда эслар, хурсанд.  
Кўргиси келар, сўрар,  
Нақадар ширин фарзанд....“

### XXXIII

Адиба боқар ерга,  
Кўзида ёш — йиғлаган. . .  
„Ҳа, оғир бўлиш керак,  
Керак матонат, чидам.  
Увишганда ҳам юрак,  
Эзилганда ҳам одам,  
Сабр қилмоқлик лозим.  
Йиғлама опоқ қизим,  
Тузалиб қолар Зиёд.  
Сенинг бахтингга болам,  
Ўғлининг бахтига ҳам,  
Ҳаммамиз бахтимизга,  
Тузалиб қолар Зиёд“.

## Хотима

### I

„Ая! Яна кел дебсиз —  
Жонга теккандир у дашт?  
Қанча кунларинг эсиз  
Ўтди, басдир саргузашт!  
Қайси қиз шундай қибди  
Дебсиз, — бизнинг уруғдан?  
Афсоналар тўқибди  
Қайси бировлар йўқдан.  
Ўйнаб-кулгил... дегансиз —  
Ёруғ дунёда ахир!  
Ўша учунми, ҳой қиз  
Турасан, дебсиз — гапир?!  
Кел, совидинг, кел қайтиб,  
Тамом, дебсиз ҳангама.  
Шундай сўзларни айтиб,  
Ёзибсиз қизиқ нома...

### II

Ая! Бу аччиқ сўзлар  
Берганда ҳам минг азоб,  
Ёниб кетса ҳам кўзлар,  
Сақлайман Сизга одоб.  
У чин йигит. Мен уни  
Қаттиқ севиб қолганман!  
Бу йўлда мушкулни ҳам  
Мен бўйнимга олганман.

Ҳозир у анча бетоб...  
У дарддан тезда турар,  
Қанотларини қоқар,—  
Депсиниб паҳлавоним.  
Меҳрибон кўзлар боқар —  
Менга у меҳрибоним...

### III

Ая! Тугади, дебсиз  
Эски ишқий ҳангома.  
Ҳангома эмас, афсус  
Билмабсиз... Бу — жангнама!  
Сиз дарё мавжин кўриб,  
Кўролмабсиз тагини.  
Пастда оқимлар зўри!  
Сезолмай қиттагини  
Кўпдан чалғиб юрибсиз.  
Фақат ишқу муҳаббат,  
Дебсиз бу романимни.  
Бу — кураш. Бу йўлда мен  
Аямайман жонимни,  
Яхши дўстларга боқиб,  
Ибрат олдим йўлидан.  
Мен йўлланма олганман,  
Партиямиз қўлидан.

### IV

Чўл кездинг, дебсиз — мунча?  
Не дер эшитган қулоқ?  
Ҳа, шунинг-чун бир жирканч  
Қург бўлиб яшагунча,  
Аждар бўлган маъқулроқ!  
Ая! Қайт, дебсиз мени...  
Бу йўлда йўқ ҳеч қайтиш!  
Тўғри, Тошкентлардаги  
Ишга нисбатан бунда  
Уч баробар огир иш.  
Тўғри, у ғариб Бўстон  
Менга пиширмас овқат.



Қишда аччиқдир бўрон,  
Ёзда тоқ бўлар тоқат —  
Жазирамада ёниб.  
Мен учун тайёрланиб  
Қуймоқ турмас буфетда.  
Қудуқ сувга ўргандим, —  
Ширин кўринар ҳатто  
У, минерал сувлардан.

## V

Ая! Қайт, дебсиз мени...  
Нега? — Туғилар савол.  
Қайтсам, бошланган ишим —  
Ниҳол топмасми заво? —  
Мен бунда кўп қадрли,  
Яхши дўстлар орттирдим.  
Мен меҳнатим туфайли,  
Улар қалбига кирдим.  
Мен бунда ўз киримни  
Ўзим юваман атай.  
Мана, ҳатто „сирим“ ни  
Ўзим ҳам Сизга айтай.

## VI

Аяжон! Сиз ўйлаган  
„Дашту биёбонлар“ йўқ,  
У кимсасиз, мудраган  
Чўллар бағридан қуюқ —  
Ўт-ўланлар олган жой.  
Чўлларга кирган чирой.  
Кенг колхоз далалари —  
Пахтазорлар барқ урар.  
Аму шалолалари  
Қумлоқларни ўпирар.  
Қанча-қанчалаб янги  
Қишлоқлар қад кўтармиш.  
Қандай соз Аму тонги,  
Қандай соз тонгдаги иш.  
„Юрган — дарё, ўтирган —

Буйра“ деб айтардингиз.  
Аяжон, нега мени  
Бу йўлдан қайтардингиз?  
Одамлар орасида  
Ишлаб, фикрим очилди.  
Хоразм даласида  
Жумбоқларим ечилди.  
Меҳнат қилиб еган нон,  
Қандай мазалиқ — ширин.  
Ишда гўзаллик пинҳон;  
Билдим гўзаллик сирийн.  
Бу ерда қурилмоқда  
Мактаблар, уйлар, йўллар...  
Телба Аму оқмоқда —  
Уйғонмоқда жим чўллар.  
Одамлар юрагида  
Янгилик ҳаяжони.  
Одамлар тилагида —  
Яшнаётган эл шони.  
Бунда болалар ғоят  
Билимга ташна экан.  
Ўқимаслик — жиноят.  
Ажралмас ошна экан  
Бу ерликлар меҳнатда.  
Оҳанграбо тортгандай  
Қалбимни тортди бу ер.  
Ҳаёт ниҳоят қизғин.  
Назаримда, топгандай  
Кўпдан излаган қизин —  
Мен бўлдим мафтун, бу рост!  
Берилдим бутун, бу рост!

## VII

Ая! Қайтмайман сира  
Ташлаб қишлоқни ҳеч вақт!  
Зиёд туғилган жойда,  
Зиёдим билан бирга  
Яшаш ўзи катта бахт.  
Мени бағрига олди —  
Бағри кенг эзгу дала.  
Алишер йиғлаб қолди,

Хатим ҳам қолди чала.  
Мен фақат ўзинимас,  
Элини ҳам севганман,  
Ерини ҳам севганман,  
Севдим уйларини ҳам,  
Аму бўйларини ҳам,  
Ўзу қишини севдим  
Дала ишини севдим. . . .  
Барин-барин севдим, рост!  
Ўруғ дунёда ёлғиз  
Зиёдимни девдим, рост!...“

*1954 — 58 йиллар,  
Тошкент.*

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	5
Биринчи боб . . . . .	7
Иккинчи боб . . . . .	12
Учинчи боб . . . . .	20
Тўртинчи боб . . . . .	31
Бешинчи боб . . . . .	44
Олтинчи боб . . . . .	57
Еттинчи боб . . . . .	72
Саккизинчи боб . . . . .	81
Тўққизинчи боб . . . . .	93
Ўнинчи боб . . . . .	99
Ўн биринчи боб . . . . .	104
Ўн иккинчи боб . . . . .	111
Ўн учинчи боб . . . . .	123
Ўн тўртинчи боб . . . . .	128
Ўн бешинчи боб . . . . .	129
Ўн олтинчи боб . . . . .	152
Ўн еттинчи боб . . . . .	157
Ўн саккизинчи боб . . . . .	169
Ўн тўққизинчи боб . . . . .	177
Йигирманчи боб . . . . .	185
Йигирма биринчи боб . . . . .	191
Хотима . . . . .	207

*На узбекском языке*

МИРМУХСИН

ЗИЯД И АДИБА

*роман в стихах*

*Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент*

Редактор *Миртемир*

Рассом *Г. Р. Шевяков*  
Рассом редактор *Г. Бедарев*

Технич. редактор *Я. Пинхасов*  
Корректор *Т. Иброҳимов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 11/XII 1958 й. Босишга рухсат этилди 31/XII 1958 й. Формати 84×118<sub>32</sub> 6,625 босма л. 10,86 шартли босма л. Нашр. л 10,7. +1 вклейка Индекс: и/а. Р 10252. Тиражи 10000 УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, №0. Шартнома 267—58

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатнинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1959. Заказ № 603. Баҳси 8 с. 50 т.